

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



К.Й. ЖАББАРОВ

**ИҚТИСОДИЙ ИНҶИРОЗЛАРГА ҚАРШИ  
ДАСТУРЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

Узб. 2  
338

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НС-13


МИРZO УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**К.Й. ЖАББАРОВ**

ИҚТИСОДИЙ ИНҶИРОЗЛАРГА ҚАРШИ ДАСТУРЛАР  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР  
ЙЎНАЛИШЛАРИ

монография

338.124.4



Тошкент  
«KALEON PRESS»  
2021

УДК: 338.124.4

ББК:65.012.2

Ж 13

**К.Й. Жаббаров. Иқтисодий инқирозларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари. Монография. – Т.: «KALEON PRESS», 2021. – 132 бет.**

Монографияда иқтисодий инқирозларнинг мазмуни, хусусиятлари ва инқирозга қарши дастурлар ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари ҳакида сўз юритилади. Унда иқтисодий инқирозлар назарий жиҳатдан тадқиқ этилган ва инқирозга қарши дастурлар ривожланган, ривожланаётган, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ҳамда Ўзбекистон мисолида таҳлил қилинган. Шунингдек, иқтисодий инқирозга қарши дастурлар самарадорлигини оширишнинг истиқболи йўналишлари баён қилинган.

Мазкур монография олий ўкув юртлари талабалари ва шу соҳа билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, илмий педагогик ходимлар ва мутахассислар учун мўлжалланган.

Монография Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривоҷсланиш вазирлигининг 2018-2019 йилларга мўлжалланган ФЗ-20171023104 "Мамлакат рақобатбардошлигини ошириш асосида иқтисодий инқирозларга қарши дастурларнинг самарадорлигини ошириш йўллари" мавзусидаги Ёшлар фундаментал давлат илмий гранти доирасида тайёрланган ҳамда Мирзо Уlugбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-техникавий кенгашининг 11-сонли баённомаси (2021 йил 26 ноябрь) қарори асосида нашрга тавсия этилган.

**Маъсул мухаррир**

*иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор Мирзаев И.К.*

**Такризчилар**

*иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор Хашимова Н.А.*

*иқтисодиёт фанлари доктори,  
доцент Мамбетжанов Қ.Қ.*

**ISBN: 978-9943-7892-5-8**

© “KALEON PRESS” 2021

## **Кириш**

XXI аср бошларида жаҳон иқтисодиётida кескин даврий тебранишлар ва пасайишларнинг кучайиши, глобаллашув натижасида иқтисодий алоқаларнинг бир-бирига боғлиқлик даражасининг ортиши, жаҳон бозорларида ялпи талабнинг пасайиши, мамлакатларда ташки қарз даражасининг муттасил ошиб бориши, иқтисодий санкциялар кўламининг кенгайиши инқирозларга қарши кураш чора-тадбирларини янада такомиллаштиришни тақозо этмокда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, ҳалқаро савдонинг ўсиш суръати 2,6 % дан 1,5 % га, ЯИМнинг ўсиш суръатлари АҚШда 2,5 % дан 2,3 % га, ЕИ давлатларида 1,2 % дан 1,1 % га ва Хитойда 6,2 % дан 6,1 % гача пасайди. Жаҳон иқтисодиётida ўзаро қарздорлик миқдори 250 трлн. АҚШ долларга яқинлашиб, жаҳон ЯИМдан икки маротабага ошиб кетди<sup>1</sup>. Сўнги инқироз натижасида иқтисодий ривожланишининг драйвери бўлган инвестициялар оқими камайиб, 2018 йил якунларига кўра жаҳондаги ТТХИ (net outflows) ҳажми 921,03 млрд. АҚШ долларга етиб (2007 йилда бу кўрсаткич 3,12 трлн. АҚШ долларини ташкил этган), сўнги йиллардаги энг паст кўрсаткич бўлди<sup>2</sup>.

Жаҳонда инқирозга қарши дастурларнинг устувор йўналишлари сифатида ички талабни рағбатлантириш ва миллӣ иқтисодиётнинг импортга боғлиқлигини камайтириб, экспортни кўллаб-куватлаш ҳамда иқтисодиётни инновацион ривожланишириш, шунингдек, инвестицион жараёнларни фаоллаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда<sup>3</sup>. Ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш жараёнига энергия тежовчи ва экологик жиҳатдан тоза технологияларни жорий этишини рағбатлантириш, иқтисодиётни рақамлаштириш кўламини кенгайтириш каби чоралар, ривожланा�ётган давлатларда эса ижтимоий-иқтисодий тузилмалар самарадорлигини ошириш, импортга боғлиқликни камайтириш, иқтисодиётга инновацион ютукларни жорий этиш, миллӣ ишлаб чиқариш корхоналарини кўллаб-куватлашга бағищланган илмий изланишлар янада жадаллашмоқда.

Мамлакатимизда инқирозга юз тутиш билан боғлиқ жараёнларни оддини олиш, инқирозли вазиятларни диагностика қилиш, таркибий ўзгаришларни чукурлаштириш, миллӣ иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш хисобидан унинг ракобатбардошлигини ошириш пировардидаги барқарор иқтисодий ўсишни

<sup>1</sup> Стало ясно, когда разразится новый мировой финансовый кризис – РИА Новости, 10.10.2019. <https://ria.ru/20191010/1559590625.html>

<sup>2</sup> The World Bank. Foreign direct investment, net outflows. <https://data.worldbank.org/indicator/BM.KLT.DINV.CD.WD>. (09.04.2020).

<sup>3</sup> Новый мировой кризис может разразиться в 2020 году, 05.09.2019. <https://www.gazeta.ru/business/2019/09/05/12628591.shtml>; Финансово-экономические кризисы последних десятилетий и их влияние на экономику России, Наука, Агентство экономической информации ПРАЙМ, 02.04.2019. <https://1prime.ru/amp/science/20190402/829858467.html>, Доклад о мировых инвестициях 2017 года, основные тенденции и общий обзор. UNCTAD/WIR/2017 (Overview).

таъминлаш масалаларига 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам катта эътибор берилган<sup>4</sup>. Таъкидлаш жоизки, "...баркарор иқтисодий ўсишининг энг муҳим гарови ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги ҳалқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш хисобланади"<sup>5</sup>. Бу эса, ўз навбатида, миллий иқтисодиёт инфратузилмасини такомиллаштириш, инқирозли ҳолатларга карши институционал ислоҳотларни амалга ошириш, тўғридан-тўғри инвестициялар хиссасини кўпайтириш, мазкур соҳадаги жаҳон бозоридаги тенденцияларни хисобга олиш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва фаоллаштиришнинг самарали дастакларини жорий этиш бўйича илмий тадқиқотларни янада жадаллаштиришни долзарб муаммолардан бирига айлантирмоқда.

Монографиянинг биринчи бобида иқтисодий цикллар ва уларнинг турлари, ҳозирги даврда иқтисодий цикл даврий ҳаракатининг қисқаришига сабаб бўлаётган омиллар, иқтисодий инқирозларни тадқиқ қилишнинг назарий асослари, инқирозларнинг иқтисодий категория сифатидаги мазмуни, уларнинг ҳозирги даврдаги хусусиятлари ва турлари ҳамда инқирозга қарши дастурлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари ёритилган.

Иккинчи бобда инқирозга қарши дастурлар ва уларни амалга ошириш механизmlари, ривожланган давлатларда қабул қилинган инқирозга қарши дастурлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари, ривожланётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида қабул қилинган инқирозга қарши дастурлар ва уларнинг натижалари, дастурларнинг иқтисодиётнинг циклик ривожланишига ҳамда иқтисодий ўсишга таъсири, мамлакатимизда қабул қилинган инқирозга қарши давлат дастури ва уни амалга ошириш жараёнларининг таҳлили баён қилинган.

Учичи бобда "кувиветувчи" модернизациялаш шароитида иқтисодий инқирозларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишининг истиқболли йўналишлари сифатида инновацион иқтисодиётни шакллантириш, иқтисодиётда мувозанатни таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари ўртасидаги нисбатни таъминлаш йўллари каби масалалар очиб берилган.

<sup>4</sup> Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4974-сонли "2017-2021 йилларда Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида"ги Фармони, [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>5</sup> Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (24.01.2020). <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

## **І-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ИНҚIROZLAR VA УЛАРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Иқтисодий цикллар ва уларни тадқиқ этиш бўйича назарий ёндашувлар эволюцияси**

Иқтисодий цикллар тўғрисида Қадимги Греция ва Қадимги Хитой маңбаларида ҳам маълумотлар келтирилган. Бу масалага асосан файласуфлар зътибор қаратгандар. Биринчи жаҳон иқтисодий инқиrozи 1857 йилда бўлиб ўтганига қарамасдан иқтисодий цикллар борасидаги илмий изланишларда расман силжишлар XIX асрнинг бошларида, аникрофи, 1929 йилда содир бўлган Буюк Депрессиядан кейин кузатила бошланган ва олимлар иқтисодий цикллар бўйича фаол илмий тадқиқотларни олиб боргандар.

Иzlанишлар натижасида “иқтисодий цикл” тушунасига турли таърифлар берилган. Ҳусусан, иқтисодийтнинг юксалиб ва пасайиб туришидан иборат тўлқинсимон харакатини ўз ичига олувчи давр иқтисодий цикл деб аталади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг бир иқтисодий инқиrozдан иккинчи иқтисодий инқиrozгacha такрорланиб турадиган харакати иқтисодий циклни ташкил этади.

Фанда иқтисодий цикллар ривожланиши тенденциясига кўра қўйидаги турларга ажратилади: 100 йиллик (асрларга тенг бўлган), бир неча 10 йилликларни қамраб олувчи цикллар, нормал иқтисодий цикллар, кичик цикллар, иқтисодийтнинг маълум бир тармоқларида рўй берувчи ўзига хос цикллар (кишлөк хўжалиги, саноат ва бошқалар) ва алоҳида кўрининиша намоён бўлувчи иқтисодий цикллар (захиралар ҳажми).

Ҳозирги давр фанида иқтисодий циклларнинг тўлқинлар деб аталувчи 1380 дан ортиқ турлари фарқланади. Циклларга кўп ҳолатларда уларни тадқиқ этган олимларнинг исмлари берилади. Масалан, 50-60 йиллик даврни қамраб олувчи Н. Кондратьев цикллари, 18-25 йиллик даврийликка эга бўлган С. Кузнец цикллари, 7-12 йиллик К. Жуглар, 2-4 йиллик Дж. Китчин, 200 йиллик Форрестер цикли ва 1000-2000 йиллик Тоффлер цикли кабилар.

Иқтисодиёт назариясида цикллар турлича талкин этилган. Масалан, марксизм назариясида цикллар ривожланишига факат капитализм белгиси деб қаралган, цикл инқиrozдан инқиrozгacha бўлган давр сифатида баҳоланганд, унда инқиroz, тургунлик, жонганиши ва юксалиш фазалари мавжудлиги кайд этилган. Бу назарияда инқиrozга циклнинг бошлангич нуқтаси деб қаралган. Мазкур назария XIX асрдаги цикллар ривожланишга хос ходисаларни умумлаштирган, аммо циклларнинг умумий ҳодиса эканлиги зътибордан четда қолган. Ҳозирги замон илмий назарияларида иқтисодий циклларнинг мавжудлиги тан олинади, цикл иқтисодий ўсишга

хос тебранма ҳаракат, деб талқин этилади, аммо унинг сабаблари хар хил изоҳланади<sup>6</sup>.

Цикллар барча иқтисодий тизимларга хос бўлиб, уларнинг узунлиги ўша даврдаги иқтисодий ўсиш омилларининг кучига боғлиқ бўлади. Масалан, қадимги дунё ва Ўрта асрларда тебранма ҳаракат 100 йиллар давомида юз берган, чунки иқтисодий ўсиш омиллари кучсиз бўлганидан уларда сифат ўзгариши секин амалга ошган. Бунга асосан куйидаги омилларни сабаб қилиб келтиришимиз мумкин:

- иқтисодиётга четдан киритиладиган инвестицияларнинг мавжуд бўлмаганлиги;
- янги технологияларни ҳаётга татбиқ этиш жараёни жуда секин юз берганлиги;
- табиат кучларидан фойдаланишини ўзлаштириш учун асрлар камлик қилганлиги;
- қашфиётларнинг камдан-кам бўлиши ва бошқалар.

Бундан ташқари, юкорида келтирилганидек иқтисодий тараққиёт секин юз берадиган жойда циклли ривожланиш аниқ намоён бўлмайди. Машиналарга асосланган саноатлашган ишлаб чиқаришга ўтиш муносабати билан иқтисодий ўсишнинг интенсив усуслари ҳаракатга келгач, иқтисодиётдаги тебранма ҳаракат очик-ойдин намоён бўла бошлайди ва тез-тез такрорланиб туради. Фикримизча, бунга сабаб куйидаги омилларнинг занжирсизмон ҳаракати ҳисобланади (1.1-расм).

Маълумотларга қараганда XIX асрнинг биринчи ярмида техникавий янгиланиш, яъни мавжуд техниканинг ўз муддатини ўтаб бўлиши ёки яроқсиз ҳолатга келиши учун 12-15 йил керак бўлган бўлса, XX асрнинг охирига келиб бу муддат 3-5 йилга тушиб қолган<sup>7</sup>. Бунинг устига талаб-эҳтиёж ҳам тез янгиланган. Шу сабабдан, ўсиш ва пасайишдан иборат тебранма ҳаракат қискарган.

Юкорида келтирилган омиллардан ташқари иқтисодий тизимларнинг ўзгариши ҳам цикллар ҳаракатига таъсир этади. XX асрнинг сўнгида собиқ иттифок мамлакатларининг тарқалиб кетиши натижасида иқтисодий тизим тоталитар-режали тизимдан бозор иқтисодиётига ўзгарди. Бозор иқтисодиётининг шаклланишигacha бўлган жараёнда ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб кетиши сабабли иқтисодий кризис келиб чиқкан.


Шу каби иқтисодий инкирозларнинг давомийлиги жамиятдаги янги иқтисодий тизимга тегишли бўлган иқтисодий муносабатларнинг шаклланиб олишига бевосита боғлиқ бўлади. Янги иқтисодий тизимга тўлиқ ўтилгач, иқтисодий цикл ўзининг нормал ҳолатига қайтади. Мазкур жараёндаги

<sup>6</sup> Мўминов Н.Г., Эгамбердиев Ф.Т., Азизов Р.К. Макроиқтисодиёт. - Т.: Центр инновационный технологии, 2017, - Б. 142.

<sup>7</sup> Мўминов Н.Г., Эгамбердиев Ф.Т., Азизов Р.К. Макроиқтисодиёт. - Т.: Центр инновационный технологии, 2017, - Б. 144.

## *Иқтисодий инқиrozларга қарши дастурлар самараадорлигини оширишининг устувор йўналишлари*

оралиқ – иқтисодий муносабатларнинг шаклланиш жараёнидаги иқтисодий ўсиш суръатлари фанда вақтинчалик ўсиш суръатлари сифатида эътироф этилади.



**1.1-расм. Иқтисодиётда циклик ҳаракатнинг тақоррланиши<sup>8</sup>**

Иқтисодий адабиётларда иқтисодиётнинг тебраниб туриши флюктлуация ҳодисаси деб юритилади. Флюктлуациянинг асосий сабаби жами талаб ва таклифнинг мувозанат ҳолатига кириши ҳамда ундан чиқиб туришидир. Мувозанатлар сакланганда иқтисодиёт кўтарилади, улар бузилганда эса пасаяди. Иқтисодиётнинг бундай нотекис ҳаракати бозор иқтисодиётининг нуқсони сифатида баҳоланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида умумиқтисодий мувозанатлар амал қилиб турган пайтда талабга мос равишда ресурслар тақсимланади, зарурий

<sup>8</sup> Муаллиф ишланимаси

товарлар ишлаб чиқарилади, талаб ва таклифнинг кесишиши натижасида ҳар икки тараф ҳам манфатдор бўлади. Бу иқтисодиётнинг ўсишига олиб келади. Талаб ва таклиф ўртасида бўлгани каби умумиқтисодий мувозанатларнинг бузилиши сабабли бозор тўла ўрганилмаганлиги оқибатида ресурслар хотекис тақсимланади. Натижада бозорда талаб паст бўлган товарлар сотилимасдан туриб қолади. Товарлар заҳиралари мёъеридан ортиб кетади. Бу капитал ҳаракатининг ўз вақтида айланишига тўқсинглик қиласди. Умумиқтисодий мувозонатларнинг бузилиши бозор иқтисодиётининг ички қонуниятлари билан боғлиқдир. Бу ички қонуниятлар хусусий мулкчилик ва бозорнинг мавжуд эканлиги билан изохланади. Бозор иқтисодиёт иштирокчиларни бири-бирига боғлаб турса, аксинча хусусий мулкчилик уларни бири-биридан ажратади. Бу ажралиш тарқоқликни, тарқоқлик ноаникликни, ноаниқлик эса мувозанатлар бузилишини келтириб чиқаради. Натижада иқтисодиёт бир ўсиб, бир пасайиб тўлқинсимон кўринишида ҳаракатланади.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб циклни келтириб чиқарувчи омилларни қўйидаги тартибда гурухлаш мумкин:

- тақрор ишлаб чиқаришдаги номутаносибликлар;
- талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносибликлар;
- ялпи сарфлар даражасининг ўзгариши;
- инвестиция ҳажмининг даврий камайиши;
- пул массаси ҳажмининг тебраниши;
- асосий капиталнинг янгиланиши;
- мултиплатор самарасининг кучсизланиши.

Иқтисодий циклнинг келиб чиқиши сабаблари ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларга, жумладан, ички ва ташки омилларга боғлиқ ҳолда тушунтирувчи назариялар мавжуд бўлиб, улар экстернал ва интернал назариялар деб аталади.

Экстернал назарияда ташки омилларга иқтисодий тизимдан ташкарида ётубчи ва иқтисодий ҳодисаларнинг даврий тақрорланишини келтириб чиқарувчи омиллар киритилади.

Бу ташки омилларга қўйидагиларни киритиш мумкин: урушлар, инқиlobий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий ларзалар; олтин, уран, нефть ва бошқа қимматли ресурслар йирик конларининг очилиши; янги худудларнинг очилиши ва у билан боғлиқ равишда аҳоли миграцияси ва ер шари аҳолиси сонининг ўзгариб туриши; ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган технология, тадқиқотлар ва инновациялардаги курдатли ўзгаришлар.

Иқтисодий тизимнинг ўзига хос ички омиллари таъсирида вужудга келишини асословчи назария интернал назария деб аталади. Ички омилларга қўйидагилар киради: асосий капиталнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириб, хизмат муддатининг тугаши; шахсий истеъмолнинг ўзгариши;

## Иқтисодий инқизорзларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишининг устувор йўналишилари

ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицион маблағлар ҳажми; давлатнинг иқтисодий сиёсати.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида цикллар тўғрисида бир қатор назариялар яратилганлигини ва туркумланганлигини кузатиш мумкин.

Соф монетар назария. Бу назария тарафдорларининг фикрича бозор иқтисодиётида асосий ўринни пул ва кредит эгаллайди. Иқтисодиётнинг циклли ўзгариши энг аввало пул массаси оқимининг ўзгаришига боғлиқ<sup>9</sup>.

Номонетар назария. Бу назария тарафдорлари эса технологик ўзгаришлар, янгиликлар, ихтироларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, буларнинг пул жамғарининг кўпайиб кетишидаги ролини кўрсатишади. Монетар ва номонетар йўналиши ўртасида фарқ унча катта эмас, бирни иккинчисини тўлдиради. Ҳар иккала назария пировард натижада иқтисодий фаолликнинг кучайишига истеъмол эмас, балки инвестиция сабаб бўлади, деган фикри илгари сурадилар<sup>10</sup>.

Етарлича истеъмол қўлмаслик назарияси. Бу назариянинг моҳияти кўпроқ жамғарив, самарали даражада истеъмол қўлмаслик жамиятнинг циклли ривожланишига сабаб қилиб кўрсатилади<sup>11</sup>:

маблағни жамғариш, бошқача айтганда хазинага айлантириш тургунликка олиб келиши мумкин, чунки бу маблағ инвестициялаш учун фойдаланилмайди;

пулни жамғариш истеъмол товарларига талабнинг қисқаришига олиб келади, чунки у истеъмолга сарфланмайди;

натижада инвестицияга нисбатан пул шаклидаги жамғариш ҳажми ўсиб бориб истеъмол товарларига талаб камайиб боради, таклиф эса ортади, нарх пасаяди, истеъмол товарлари бозоридаги қийинчиликлар инқизорзга олиб келади.

Жамғариш назарияси. Бу назарияга кўра иқтисодий цикл ишлаб чиқариш воситалари ёки капиталлашган инвестицион товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Кундалик истеъмол товарларини ишлаб чиқариш билан узок муддат фойдаланиладиган товарлар ва ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш цикллари ўртасида катта фарқ бор. Кундалик истеъмол моллари доимий равишда истеъмол қилинади. Уларнинг истеъмол миқдори ўзгарган тақдирда ҳам унча катта ўзгаришлар содир бўлмайди. Узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар доимий равишда харид қилинмайди. Балки улар истеъмолчи даромади кўпайган даврида сотиб олинади. Узоқ муддат фойдаланиладиган товарларга талаб барқарор эмас. Ишлаб чиқариши давом эттириш учун капитал товарларни ишлаб чиқариш зарур. Истеъмол ўсгани сари капитал товарларга ҳам талаб ортади. Бунда ишлаб чиқариш таркибида номутаносибликлар юз беради, яъни истеъмол

<sup>9</sup> Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодиётта оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли лугати. - Т., 2017. – Б. 256-259.

<sup>10</sup> Ўша манба

<sup>11</sup> Ўша манба

товарлар, узоқ муддат фойдаланиладиган ва капитал товарлар ўртасида нисбатлар бузилади. Инкиrozning сабаби пул етишмаслиги, банк резервларининг камлиги эмас, балки ана шу нисбатнинг бузилишидир<sup>12</sup>.

Психологик назария. Психологик назария тарафдорларига Ж.М.Кейнс, У.Митчелл ва Ф.Хайекларни киритиш мумкин. Уларнинг фикрича, инсондаги оптимизм ва пессимизм фаолият активигига объектив иқтисодий омиллар: фоиз меъёри, пул оқими, фойда ва бошқалар таъсир кўрсатиб, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ёки кенгайиши рўй беради. Кредитнинг кенгайиши, талаб ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши одамларнинг кайфиятини кўтаради ва аксинча. Бундан ташқари, одамларнинг борган сари ликвидлiği юқори бўлган пул жамғарishiша мойиллигининг ортиб бориши ўз навбатида иқтисодий ривожланишга таъсир этишини кўрсатишади<sup>13</sup>.

Буюк Депрессия инкирози асосий намояндаси А.Смит ҳисобланган классик мактабнинг нарх орқали талаб ва таклифи тартибига солишига асосланган қарашлари нотўғри эканлигини кўрсатиб берди ва цикллар ҳамда инкиrozлар борасидаги тадқиқотларда туб бурилиш ясади (1.1-жадвал).

### 1.1-жадвал. Иқтисодий цикллар назариясига ёндашувларнинг таснифланиши<sup>14</sup>

№	Муаллифлар A	Концепция Б	Хусусиятлари В
1.	Keynes J.M. The theory of employment, interest and money. New York:Harcourt, 1936. P. 403.	“Иқтисодиёт ҳар доим ҳам рақобатли мувозанат шароитида бўлмайди, “қўрнимас кўл” ҳар доим ҳам Ўз функциясини бажар олмайди ҳамда иқтисодиётнинг қайси даражада бўлишини ялпи талаб белгилайди”. Бизнес цикллари назариясининг асосий гояларидан бири.	Иқтисодий пасайиш даврида давлатнинг ўз харажатларини ошириши ёки пул массасини назорат килиш орқали иқтисодиётни тартибига солини масаласи аниқ ёритилмаган.
2.	Haberler G. Prosperity and depression. A theoretical analysis of cyclical movements. Geneva:League of Nations, 1937. P. 323-446.	“Иқтисодий циклнинг манбай сифатида пул массаси, баҳолар даражаси, технологиялар, об-хаво ҳодисалалари ўрганилганлиги, кредит, товар ва меҳнат бозорларига алоҳида эътибор қаратилади”.	Циклнинг манбалари тизимлаштирган.
3.	Hayek F.A. The pure theory of Capital. London: Routledge and Kegan Paul, 1941. P. 486.		

<sup>12</sup> Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётта оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли лутати. - Т., 2017. – Б. 256-259.

<sup>13</sup> Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётта оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли лутати. - Т., 2017. – Б. 256-259.

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган.

**Иқтисодий инқизорларга қарши дастурлар самарадорлигини  
оширишининг устувор йўналишилари**

4.	Hicks J. "Mr.Keynes and the classics. A suggested interpretation", <i>Econometrica</i> V, 1937. P. 147-159.	"Давлат иқтисодиётда хусусий талабнинг истишмасигиги – иқтисодий пасайиш даврида ўз харажатларини ошириш хисобига циклик пасайишга карши фискал сиёсатни амалга ошириши лозим".	Кейнснинг "пул, меҳнат ва товар" муносабатлари назариси асосида модель яратган.
5.	Phillips A.W. The relationship between unemployment and the rate of change of money wages in the UK, 1861-1957. – <i>Economica</i> 25, November 1958. P. 283-299.	"Пул массанини ошириш ёки давлатнинг харажатларини кўйлайтириш ёхуд инвесторларнинг жонли инстинклари хисобига талабнинг ошиши ишлаб чиқарувчиларни бир пайтда баҳоларни оширишга (инфляция) ва маҳсулот ҳажмини кўйлайтиришга (бандликнинг ортиши ва ишсизлик даражасининг пасайишни) ундайдай".	1970 йилда АҚШда мазкур концепция амалиётда ўзини окламади. Яъни инфляция ва бандликнинг бир-бира ге тескари пропорционал эканлиги ўз исботини топмаган.
6.	Lucas R.E Some international evidence on the output inflation trade-off // <i>American Economic Review</i> , LXIII. 1973. P. 326-334.	"Иқтисодий агентлар иқтисодиётнинг келгусидаги ҳолати борасида ўртача тўғри башорат қиласи да ўзида оптимал нуқтаи назарни шакллантиради".	Филиппс эгри чизигини иқтисодий сиёсат мақсадида фойдаланмасликни тавсия этган.
7.	Kydland F., Prescott E. Rules rather than discretion: the inconsistency of optimal plans // <i>Journal of Political Economy</i> 87, June 1977. P. 473-492	"Фирмалар ўз фойдасини максималлаштиришади ва келгусида улар ишлаб чиқарадиган товарларга бўлган талабнинг кутилиши ва технологияларнинг ривожланишидан келиб чиқиб, инвестициялар борасида қарорлар қабул қилишади. Уй хўжаликларининг истеъмоли уларнинг ҳаёти давомида қанча даромад кутаётганилигига боғлик"	Инвестициялардаги кучли тебранишни мувозанат ходисаси сифатида эътироф этганлар.
8.	Yves S Schüler, Paul P.Hiebert, Tuomas A.Peltonen. Financial cycles: Characterisation and real-time measurement // <i>Journal of International Money and Finance</i> Volume 100, February 2020, 102082. P.1-30.	"Тадқиқотда молиявий циклларнинг кучланиш бирлиги деб аталадиган янги эмпирик усулдан фойдаланган ҳолда Basel III кредитига нисбатан ЯИМнинг тескари буферларини бошқариш тўғрисида сўз боради. Ушбу усул G-7 мамлакатларнда кредит ва активлар нархининг умумий тебранишига асосланади. Кредитлаш ва активлар нархларига асосланган усул воситасида молиявий инқизорларни башоратлаш методологияси тавсия этилади".	Мамлакатда амалда бўлган иқтисодий сиёсатнинг цикллар ҳаракатига тўғридан-тўғри таъсирини кўрсатиб беришади. Бизнес циклларни баркарорлаштириш учун миллий даражадаги хатарларни шакллантиришга караштирган макропруденциал сиёсатни илгари сурешади. Молия ва бизнес цикллар фарқланиши кераклигини хусусида фикр билдиришади.

Иқтисодчи олим Й.Шумпетер ҳам XX асрнинг биринчи ярмида цикллар борасида илмий изланишлар олиб борган. Унинг илмий изланишлари натижаси ўлароқ, иқтисодий цикллар ривожланиши тўртта фазада ажратиб кўрсатилди. Булар юксалиш, рецессия, депрессия ва жонланиши фазаларидир<sup>15</sup>.

Биринчи фаза – юксалиш босқичида янги ғояларнинг пайдо бўлиши, янги товар ва хизматларнинг жорий этилиши, янги бозорларнинг қашф этилиши натижасида даромад ҳажми ортади ҳамда натижада иқтисодий ўсиш кузатилди. Бунда, албатта, ишлаб чиқарувчиларнинг тадбиркорлик қобилиятлари алоҳида ўрин тутади<sup>16</sup>.

Рецессия фазасида биринчи фазадаги ўсиш ҳолатидан иқтисодиёт турғунлик ҳолатига ўтади<sup>17</sup>.

Учинчى депрессия фазасида иқтисодиёттинг ўсиш суръатлари орқага кетади, мувозанат бузилади ва шарт-шароитлар ёмонлашади<sup>18</sup>.

Жонланыш фазаси товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар ва давлатнинг бевосита аралашуви натижасида иқтисодий мувозанатни кайта тиклаш учун комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида юзага келади. Бунда инновациялар алоҳида аҳамиятга эга<sup>19</sup>.

Цикл тўлқинларидан кўйидагилар алоҳида аҳамиятга эга. 1921 йилда Лев Троцкий Николай Кондратьевнинг илмий изланишларидан ҳоли равишда узун тўлқинлар хусусида назария яратди. Ушбу назарияга кўра узун тўлқинлар капитализм ривожланишининг тезлашган ва секинлашган даврларида пайдо бўлган, 1781-1921 йилгача бўлган оралиқ 5 та турли даврларга ажратилган ва улар синфлараро кураш кучайиши ва секинлашиши натижасида юзага чиқади. Ҳозирги замон иқтисодчилардан белгиялик Эрнест Мандел бу йўналишни давом эттиради ва илмий изланишлари натижасида 1980 йилда “Капиталистик ривожланишнинг узун тўлқинлари” номли монографиясини чоп эттиради<sup>20</sup>.

Жозеф Китчин цикли. Бу цикл айрим адабиётларда захиралар цикли деб ҳам номланади. Бунда Жозеф Китчин ўзининг эътиборини товар захираларининг харакати чоғидаги молиявий хисоботлар ва товар нархларини таҳлил қилиш асосида 2 йилдан 4 йилгача бўлган даврдаги қисқа тўлқинларни тадқиқ қилишга қаратади. Жумладан, у циклнинг

<sup>15</sup> Жаббаров К.Й. Иқтисодий инкизор категория сифатида // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017.

<sup>16</sup> Ўша манба

<sup>17</sup> Ўша манба

<sup>18</sup> Ўша манба

<sup>19</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. - М.: Прогресс, 1982. - С. 386.

<sup>20</sup> Виды экономических циклов и основные формы кризисов. <https://finlit.online/ekonomicheskaya-teoriya/vidyi-ekonomicheskikh-tsiklov-osnovnyie-formyi-51795.html>

## *Иқтисодий инқиrozларга қарши дастурлар самараадорлигини оширишининг устувор йўналишлари*

давомийлигини жаҳондаги олтин заҳираларининг тебранишлари билан боғлаб, уни 3 йилу 4 ойга тенг, деб хисоблайди<sup>21</sup>.

Клемент Жуглар цикли. Бизнес цикл, саноат цикли, ўртача цикл ва катта цикл номлари билан аталади. Франция, Англия ва АҚШда фоиз ставкалари нархларнинг тебранишларини тахлил қилиш асосида саноат циклини ўрганишига катта хисса кўшган К. Жуглар номи билан аталади ва 7-12 йиллик цикллар ажратиб кўрсатилади. Биринчи саноат цикли 1825 йили Англияда металлургия ва бошқа етакчи тармоқларда машинали ишлаб чиқариш хукмрон мавқени эгаллаган даврда кузатилади. 1836 йилдаги инқиroz дастлаб Англияда бошланниб кейин АҚШга ҳам тарқалади, 1847-1848 йилларда АҚШ ва қатор Европа давлатларида бошланган инқиroz туб моҳиятига кўра биринчи жаҳон саноат инқиrozи бўлган. Агар XIX асрда саноат цикли давомийлиги 10-12 йилни ташкил қилган бўлса, XX асрда унинг давомийлиги 7-9 йил ва ундан ҳам кам давргача қисқарган. АҚШ ва Европанинг ривожланган давлатлари XX асрда 12 та саноат циклини бошдан кечирган бўлиб, уларнинг 7 таси Иккинчи жаҳон урушидан кейин содир бўлган<sup>22</sup>.

Саймон Кузнец цикли. Кузнец цикли кўп ҳолларда “курилиш цикли” деб ҳам номланниб, 20 йилгача бўлган инқиrozий тебранишлар билан аниқланади. Кузнец ўзининг “Миллий даромад” китобида миллий даромад истеъмол сарфлари, ишлаб чиқариш мақсадидаги ускуналар ҳамда бино ва иншоотларга ялпи инвестиция кўрсатиличларида 20 йиллик ўзаро боғлиқ тебранишлар мавжудлигини кўрсатиб берган. 1955 йилда американлик инқисадчининг хизматларини тан олиш рамзи сифатида саноат циклини Кузнец цикли ҳам деб номлашга қарор қилинади<sup>23</sup>.

Николай Кондратьев цикли. Бу цикл узок тўлқинлар цикли деб ҳам аталади. Цикллиликнинг бу назариясини ишлаб чиқишига рус олими Н. Кондратьев катта хисса кўшган. Унинг тадқиқоти Англия, Франция ва АҚШнинг 100-150 йиллар давомидаги ривожланишини қамраб олган. Бунда у инқисолий ўсишнинг кўп омилли тахлилини ўтказиб, яъни товар нархлари капитал учун фоиз, номинал иш ҳақи, ташки савдо айланмаси каби макроинқисолий кўрсаткичларнинг ўртача даражасини умумлаштириш натижасида бир қатор катта циклларни ажратиб кўрсатади. Циклнинг давомийлиги ўртача 40-60 йилни ташкил этади ва унинг учун хос бўлган хусусиятлар техника тараққиёти, таркибий ўзгаришларни ўзида акс эттириши хисобланади<sup>24</sup>.

<sup>21</sup> Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодиётта оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли лугати. - Т., 2017. - Б. 256-259.

<sup>22</sup> Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодиётта оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли лугати. - Т., 2017. - Б. 256-259.

<sup>23</sup> Ўша манба

<sup>24</sup> Ўша манба

Н.Кондратьев ўзининг илмий изланишларида цикллар ҳаракатининг икки ёқлама эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бир томондан цикллар ҳаракатига сабаб иқтисодиётда меҳнат ва капитал ўртасида зиддиятлар оқибатида вужудга келадиган номутаносибликлар хисобланса, иккинчи томондан бунга сабаб қилиб, ишлаб чиқариш воситалари ривожланиши туфайли иқтисодиётда янги укладнинг шаклланишини кўрсатиб беради. Бунга мисол қилиб буғ двигателлари даврининг саноат инқилоби даври билан ўрин алмашини келтириш мумкин.

Н.Кондратьевнинг фикрича, узун циклларнинг асосий элементлари куйидагилардан иборат<sup>25</sup>:

- капиталистик иқтисодиётнинг ҳаракати бир неча мувозанат дараҷалари доирасида намоён бўлади. Асосий капитал бойликларнинг (ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва малакали ишчи кучи) мувозанати хўжалик ва ижтимоий ҳаётнинг барча омиллари билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг мазкур техник усулини белгилаб беради. Бунда мувозанатнинг бузилиши капитал бойликларининг янги захираларини ташкил этиш заруратини юзага келтиради;

- асосий капитал бойликларининг янгиланиши эса бир текис кечмайди, бунда ҳал қилувчи ролни илмий-техник ғоялар ва инновациялар ўйнайди;

- узун циклнинг давомийлиги жамият капитал бойликлари асосий элементларидан бири хисобланган ишлаб чиқариш инфратузилмавий курилмаларининг ўртача ҳаётий даври билан белгиланади;

- барча ижтимоий жараёнлар – урушлар, инқилоблар, аҳоли миграцияси иқтисодий механизмнинг қайта шаклланиши натижасидир;

- асосий капитал бойликларининг алмашинуви ва узоқ муддатта чўзилган иқтисодий пасайишдан чиқиш натура ва пул кўринишидаги ресурсларнинг жамланишини тақозо этади. Етарли дараҷада жамланмага эришилгач эса, асосий капитал бойликларини радикал янгилаш имконияти юзага келади ва бу ўз навбатида, иқтисодиётни янги кўтарилиш фазасига олиб чиқади.

Кондратьев биринчи катта циклининг юксалиш фазасини Англиядаги саноат инқилоби, иккинчисини – Темир йўл транспортининг ривожланиши, учинчисини – электр энергияси, телефон ва радионинг кашф этилиши билан боғлайди. Тўртингчиси – автомобиль саноати ва бешинчи цикл электроника, ген инженерияси ва микропроцессорлар ривожланиши билан изохланади<sup>26</sup>.

Иқтисодий фанларда Гольдштейн ёндашуvigа кўра узун цикллар борасидаги З та концепция фарқланади.

<sup>25</sup> Вахабов А., Жумаев Н., Хошимов Э. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётта таъсирини юмшатиш йўулари. - Т.:Akademnashr, 2009. – Б. 28.

<sup>26</sup> Виды экономических циклов и основные формы кризисов. <https://finlit.online/ekonomicheskaya-teoriya/vidyi-ekonomicheskikh-tsiklov-osnovnyie-formyi-51795.html>

## *Иқтисодий инқирозларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишининг устувор ўйналишлари*

Инвестиция концепцияси. Бу концепция Кондратьев, Форрестер ва Стерман<sup>27</sup> асарларида учрайди. Унга кўра даврий қайта жамланиш ва узок муддат фойдаланишдаги капитал бойликларнинг қадрсизланиши узун циклларнинг асосини ташкил этади.

Инновацион концепция. Бундай қараш Шумпетер<sup>28</sup>, Менш<sup>29</sup> ва Фриманга<sup>30</sup> тегишли бўлиб, уларнинг фикрича инновациялар узун циклларнинг шаклланишида хал қилувчи ролни згаллайди. Пировард натижада иқтисодиётда асосий тармоқлар шаклланди.

Капиталистик инқирозлар концепцияси. Бу концепциянинг асл моҳияти Мандель ва Дэйларнинг асарларида ёритилган бўлиб, унга кўра фойда месъерининг пасайиш тенденциясига эга бўлиши инқирозларни чақиради<sup>31</sup>.

XIX асрда саноат цикли давомийлиги 10-12 йилни ташкил этгани ҳолда XX асрда унинг давомийлиги 7-9 йилгача камайган. Фикримизча, бутунги глобаллашув ва мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграция кучайган шароитда янги техника ва технологияларнинг янгиланиш даврининг кескин қисқариши, табиий оғатларнинг зарар даражасининг ортиши ва жаҳон молия бозорларини тартибига солишининг халқаро миқёсида етарлича мувофикаштирилмаганилиги сабабли саноат цикллари ҳаракатига таъсир қилувчи омиллар сони ортган ва циклларнинг даврий такрорланиш оралиги 2-4 йилгача қисқарган.

<sup>27</sup> Forrester J.W. Innovations and Economic Change // Futures. 1981. Vol. 13. № 13. P. 323-331.

<sup>28</sup> Schumpeter J.A. Business cycles. New-York, 1939.

<sup>29</sup> Mensch G. Stalemate in technology. Cambridge, Mass: Ballinger publishing company, 1979.

<sup>30</sup> Freeman Ch. The economics of hope. London and NY: Pinter, 1992.

<sup>31</sup> Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Кошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётта таъсирини юмшаттиш йўуллари. Т. "Академнашр", 2009, Б. 141.

## **1.2. Инкирорзларнинг иқтисодий категория сифатидаги мазмуни ва келип чиқиш сабаблари**

Иқтисодиётда ялпи талаб ва ялпи таклиф, даромад ва ҳаражат, истеъмол ва жамғарма ўргасидаги мувозанатнинг бузилиши натижасида бекарорлик(циклилилк) вужудга келади. Бу, айниқса, бозор иқтисодиёти шаронтида яққол кўзга ташланади. Иқтисодий циклларнинг доимий равишда бундай такрорланиб туриши бу борада илмий изланишлар олиб боришини тақозо этади. Хусусан, фанда циклнинг асосий фазаларидан бири бўлган иқтисодий инкирорзларнинг категория сифатида қаралиши уларнинг мазмун-моҳиятини янада аниқлаштириш имконини беради.

Иқтисодиётда инкирорзлар ва улар билан боғлиқ жараёнлар доимо иқтисодии олимларнинг дилқат марказида бўлиб келган. Уларнинг илмий изланишларида бу йўналиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жумладан, хорижлик иқтисоди олимлардан немис иқтисодчиси Шпитхофнинг таъкидлашибча инкирор қуидаги босқичлардан иборат схемага эга: “тушиш – биринчи – кўтарилиш – иккинчи – кўтарилиш – чўкки(пик) – капиталнинг етишмаслиги – инкирор”,<sup>32</sup>

Иқтисодчи Меглапнинг фикрига кўра, “иқтисодий муносабатларнинг номуносиб ҳолати, аҳолининг аксарият қатлами ва иқтисодиётнинг ишлаб чиқарувчи тармоқларининг ўзгартиб бўлмайдиган критик ҳолати”нинг содир бўлиши иқтисодий инкирорзи англатади<sup>33</sup>.

Мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчи олимларидан А.Ваҳабов, Н.Жумаев ва Э.Хошимовларнинг фикрича, “иқтисодий инкирор (рецессия) – иқтисодиётнинг шундай ҳолатики, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг мутлоч ҳажми камида икки чорак мобайнида кетма-кет қисқаради. Иқтисодий инкирор бозор иқтисодиётига хос ходиса бўлиб, маълум даврийлик билан такрорланиб туради”,<sup>34</sup>

Х.Абулқосимов ва М.Абулқосимовларнинг ёзишича, “инкирор (кризис) – ялпи талаб ва ялпи таклиф, ишлаб чиқариш билан истеъмол, истеъмол ва жамғариш ҳамда даромадлар билан ҳаражатлар ўргасидаги зиддият вужудга келганида ва бу зиддият кучайиб кетганида юзага келадиган танглик, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, товарларнинг сотилмай қолиши”, “иқтисодий цикл – ишлаб чиқаришнинг бир иқтисодий инкирордан иккинчиси бошлангунига қадар такрорланиб турадиган ҳаракати. Иқтисодий цикл – иқтисодий ривожланишнинг бир ҳолатидан

32 Комилов С.Х. Структурные и конъюнктурные аспекты финансовых кризисов. – Диссертация на соискание ученой степени к.э.н. – Т., 2004. – С. 16.

33 Комилов С.Х. Структурные и конъюнктурные аспекты финансовых кризисов. – Диссертация на соискание ученой степени к.э.н. – Т., 2004. – С. 16.

<sup>34</sup> Ваҳабов А., Жумаев Н., Хошимов Э. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирори: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётта таъсирини юмшатиш йўллари. - Т.:Akademnashr, 2009, - Б. 23.

## *Иқтисодий инқирозларга қарши дастурлар самараадорлигини оширишининг устувор йўналишлари*

бошланиб, бирин-кетин тўрт фазани босиб ўтиб, ўзининг олдинги ҳолатига кайтиб келгунига қадар ўтган даврни ўз ичига олади”<sup>35</sup>.

Э.Ш.Шадмановнинг фикрича, иқтисодий инқироз – асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг тушкунликка юз тутишидир (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш хажми, меҳнат унумдорлиги, товарларга бўлган талаб, ахоли даромадлари ва пул қадрининг пасайиши, ишсизлик даражаси, баҳо даражасининг ошиши ва ҳоказо)<sup>36</sup>.

А.Явмутов, М.А.Абдиримов ва Э.А.Хошимовларнинг таъкидлашича иқтисодий инқироз – товар ҳамда хизматларга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши ҳолатидир<sup>37</sup>.

Иқтисодий инқироз тушунчасининг моҳиятини янада аниқроқ тушуниш учун уни ортиқча ишлаб чиқариш классик инқирози билан боғлаб тадқик этиш керак. Маълум бир даврда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотларнинг истеъмолчилар томонидан ҳарид қилинишининг имкони йўқ. Чунки, истеъмолчиларнинг тўлов қобилияти билан ишлаб чиқарувчилар жами тақлифининг оралиғида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг соғ фойдаси ётади. Вақт ўтиши билан бундай номутаносиблик йигилиб, жамгарилиб боради. Натижада ҳаридорларнинг тўлов қобилиятидан ортиқча бўлган истеъмол товарлари ишлаб чиқарилади ва таклиф ортади, асосий капитал ортиқча жамгарилади. Бу ҳолат эса, ортиқча ишлаб чиқариш классик инқирозларининг юзага келишига сабаб бўлади.

Собиқ Иттифокнинг иқтисодчи олимлари иқтисодий инқирозлар фақатгина капиталистик иқтисодий тизимга хос эканлиги хусусида ёндашувларни илгари сурғанлар. Лекин иқтисодий инқироз фақатгина капиталистик тизимга, ортиқча ишлаб чиқариш назариясига тегишли эмаслиги бугун аён бўлмокда.

Циклларнинг ҳаракати натижасида ресурслар цикллар оралиғида қайта тақсимланади. Бу жараённинг тезлашиши эса “кўпиклар”нинг юзага келишига сабаб бўлади. Ортиқча ишлаб чиқариш инқирози кўламини кучли кредит инқирози билан чукурлашаётган кредит “кўпиги” тебранишларисиз тасаввур килиб бўлмайди. Жаҳон иқтисодиёти 2008 йилда айнан шундай вазиятта дуч келган: кредит “кўпиги” чегарадан чиққан ва унинг портлаши кузатилган. АҚШдаги ипотека инқирози кўпчилик учун ўзини жаҳон молиявий инқирози сифатида намоён этган бўлиб, бошлангич кредит инқирозидан далолат берарди. Бу глобал иқтисодий тартибсизликларнинг сабабларидан биридир.

<sup>35</sup> Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодиётта оид атама ва тушунчаларнинг изоҳли лутати. – Т., 2017. – Б. 221, 256.

<sup>36</sup> Шадманов Э.Ш. Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришининг асосий йўналишлари. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”. 2010. – Б. 162.

<sup>37</sup> Явмутов А., Абдиримов М.А., Хошимов Э.А. Молиявий-иктисодий инқироз ва уни бартараф этишда валилота сиёсатидан фойдаланиш: муаммолар ва счимлар // Н.Ҳ.Жумаевнинг таҳрири остида. – Т.: “Академнашр”, 2011, - Б. 7.

Кредит “кўпик”ларидан ташкари XXI асрнинг бошларида дериватив битимлар натижасида молия бозорларидағи активлар баҳосининг асоссиз ўсиши жаҳон иқтисодиётида бир қанча “спекулятив кўпиклар”нинг ҳосил бўлишига сабаб бўлди.

Бундай вазиятда аниқ комплекс дастурларнинг ишлаб чиқилиши мислий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлайди. Бунда албатта фонд ва молия бозорлари фаолроқ иштирик этишлари лозим бўлади, акс ҳолда бу ҳолат банк секторига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Чунки банкка гаров учун тақдим этилган қимматли қоғозлар нархининг пасайиши инкиrozининг янада авж олишига олиб келади. Қарздорларнинг банк олдидағи мажбуриятларини бажара олмаслиги натижасида мазкур қимматли қоғозлар фонд бозорларида сотилади, бу эса ўз навбатида қимматли қоғозлар тақлифининг кўпайиши ва улар баҳосининг янада пасайишига олиб келади. Натижада банклар катта микдорда зарар кўради ва ликвидлик муаммоси юзага келади.

Кредит “кўпиги” тебранишларининг суръатлари ва унинг жаҳон иқтисодиётидаги кўлами ҳамда бошланган кредит инкирозининг мумкин бўлган оқибатларини АҚШ мисолида олиб кўрайлик. Америка иқтисодиётида 1980 йилдан 2008 йилгача бўлган даврда уй хўжаликлари қарzlари номинал даромадларга нисбати икки мартадан ортикроқ, яъни 65 % дан 133 % гача ошди. Бугунги кунда бу мамлакатда уй хўжаликларининг қарzlари уларнинг йиллик даромадларидан 33 % га кўпроқ бўлиб, АҚШнинг давлат қарzlари 1980 йилдаги 1 трлн. АҚШ доллардан 2008 йилда 11,85 трлн. АҚШ долларга етди, бу эса ўша пайтдаги АҚШ ЯИМдан 80 % га ошиб кетди<sup>38</sup>. 1980 йилдан кейинги салкам 30 йилда АҚШдаги уй хўжаликлари номинал даромадларининг учдан икки қисми қарз мажбуриятларига йўналтирилган бўлса, 2008 йилга келиб ҳар бир уй хўжалигининг қарз мажбурияти номинал даромадидан ошиб, 133 % га етди. Қарз ҳисобига кун кўриши кундалик турмушга айланди. Ҳар бир қарз мажбуриятининг кейинги қарз шартномасининг ҳисобига қопланиши одатий ҳолга айланди. Бу вакт мобайнида давлат қарзи бўлса 1185 % га ортди. 2015 йил ҳолатига АҚШнинг ташки давлат қарзи 17,3 трлн. АҚШ долларни ташкил эттани ҳолда, 2018 йил якуни бўйича мазкур кўрсаткич 17,9 трлн. АҚШ долларга етган<sup>39</sup>.

Маълумотлардан маълум бўлишича, АҚШда қарз мажбуриятлари даражаси белгиланган меъёр чегараларидан ортиб кетган, мамлакат ахолисининг жорий истеъмоли даражасини кескин пасайтириш кредит “кўпиги”нинг авж олиши жараёнини бироз сусайтириши мумкин. Мазкур ҳолат банклардан олинган кредитларнинг қайтарилмаслиги даражасининг

<sup>38</sup> Мислий иқтисодиётни инновацион ривожланиши ўйлига ўтказиш. Илмий ишлар тўплами. “Иқтисод ва молия” журналига ишова № 2 (4), 2013. – Б. 91.

<sup>39</sup> <http://www.globalfirepower.com/external-debt-by-country.asp>.

## **Иқтисодий инқирозларга қарши дастурлар самараадорлигини оширишининг устувор йўналишлари**

ортиши ва банк инқирозининг янада ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Бу омиллар сўнги йилларда АҚШда ЯИМнинг анча пасайишига олиб келди. 1980 йилдан 2000 йилгача ЯИМ 2,7 баробарга ошган бўлса, 2000 йилдан 2014 йилгача 1,7 баробарга кўпайган<sup>40</sup>, 2000 йилдан бугунги кунгacha 1,99 баробарга ошган<sup>41</sup>.

Кредит “кўпиги”нинг авж олиши натижасида ортиқча ишлаб чиқариш инқирози билан қарздорлик микдорининг ортиши юзага келади. Юқорида айтиб ўтган фикрларимиз Фарб мамлакатларига ҳам хос бўлиб, қатор етакчи давлатларда кўп йиллар давомида юқори истеъмол келгусида олинадиган даромадлар хисобига амалга оширилиб келинган.

Инқирозлар келиб чиқишининг умумий ва хусусий сабаблари мавжуд бўлиб, умумий сабаблар асосан макроиктисодий мувозанатнинг бузилиши, иқтисодиётнинг тармоқлари ва соҳалари ўргасидаги мутаносиблик ва мувозанатнинг бузилишидан келиб чиқади. Хусусий сабаблар бўлса, ҳалқаро иқтисодий интеграция натижасида вужудга келадиган бири-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар, айрим соҳа ва тармоқларда вужудга келадиган муаммолардан келиб чиқади.

Шунингдек, об-ҳаво шароитларининг ва ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши сабабли ҳам инқирозлар келиб чиқиши мумкин. XIX асрнинг бошида Европанинг тараққий эттан давлатлари иқтисодиётида кишилек хўжалигининг кучайтирилиши натижасида хосилдорликнинг тушиб кетиши, очарчилик, нархларнинг ўсиши, фермерлар даромадларининг пасайиб кетиши омиллар билан аграр инқироз содир бўлди. Ушбу инқирознинг асосий сабаби сифатида об-ҳаво шароитларининг ўзгариши ва ижтимоий муносабатларнинг таранглашувини келтириш мумкин<sup>42</sup>.

Буюк Депрессиягача Буюк Британия, Франция, АҚШ ва Германияда содир бўлган иқтисодий инқирозларнинг сабаблари бўлса иқтисодиётда кишилек хўжалигидан кўра ишлаб чиқаришнинг роли ошиши билан бошқача кўриниш касб этади. 1825 йилдан 1930 йилларга бўлган даврда ишлаб чиқаришдаги, ишлаб чиқарилган товарларларнинг нархлари ва ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳоли сонининг ўзгариши каби омиллар инқирозларнинг келиб чиқишида асосий ўрин эгаллаган.

1866 йилда Англиянинг энг нуфузли банкларидан “Overand and Gurnay Co” банкининг тўлов қобилияти пасайиши билан кредитлаш тизими издан чиқади, натижада ишлаб чиқариш суръатлари тушиб кетади ва инқироз рўй беради.

Нью-Йоркнинг Уолл Стрит фонд биржасида 1929 йил 24 октябрда 13 миллион акция сотилиб, фонд биржасининг қулаши юз беради ва Буюк Депрессия номи билан юритиладиган инқироз содир бўлади. Бу қулаш бутун

<sup>40</sup> United nations conference on trade and development. Handbook of statistics 2015. - P. 346.

<sup>41</sup> <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?locations=US>

<sup>42</sup> Qui se nourrit de la famine au Sahel? Paris, Maspero, 1975. P. 253.

санаат, саноат ва кинчлок хўжалигига ўсиб ўтади. 1932 йилга келиб АҚШда саноат ишлаб чиқарни 46 % га, чўяни ишлаб чиқариш 79 %, пўлат ишлаб чиқарни 76 % ва автомобиллар ишлаб чиқариш 80 % га қискаради. 1929-1933 йиллар орасига инкироздан 135 000 савдо, саноат ва молия Формасандри ҳамда 3760 та банк зарар кўради<sup>43</sup>. Мамлакат иқтисодий даврлосимини жиҳатидан 1911 йилдаги дарражасига тушиб қолади.

Таҳтизларнинг кўрсатишча, “Буюк депрессия” инкироздининг саноатининг хўйнагилар сабаб бўлган:

- сидесий ва иқтисодий аренага касаба уюшма ташкилотларининг кириё кедами билан ишчилар синфини ижтимоий қўллаб-кувватлаш орқали иш ҳаки микдорининг мунтазам оширилиши;

- АҚШда автомобилсозлик саноатининг ривожланишидан хадисириши туғайли пасайдининг вујудга келиши;

- 1914 йил 1 январдан Г.Фордга тегишли автомобилсозлик заводларида фаолият юргитаётган ишчиларнинг иш ҳаки микдори 2 баробарга оширилиши (ўша пайтлар учун бу АҚШ иқтисодиёти тарихида кузатилмаган амалиёт бўлган).

ХХ асрнинг сўнги чорагида бутун дунёда банк тизимида муаммолар кузатилди. Дастлаб 1970 йилларда Англия банкларида инкиroz хукм сурган бўлса, кейинроқ 1980 йилларда АҚШнинг йирик тиқорат банклари ва жамғарма банкларида инкиroz содир бўлди. Сўнгра банк инқиrozлари скандинавия давлатларининг банкларида кузатилди, хатто Испания ва Италияда берилган барча банк кредитининг 20 % и “муаммоли” кредитларга тўтири келди<sup>44</sup>. Бу эса тавсия этилган меъёр кўрсаткичидан 2 марта га ортиқдир. Ушбу инкиroz Франция банк тизимида жиддий юз берди, кейинчалик япон банкларига ўзининг салбий оқибатларини намоён этиб, 1997 йилда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг банк тизимида муаммолар тугилишига олиб келди.

1991 йилда собиқ совет иттифоқининг парчаланиши натижасида иттифоқнинг кўплаб мамлакатларида хўжалик иқтисодий тизимида ўзгариш юз бериши натижасида бир қанча кийинчиликлар пайдо бўлди. Ишлаб чиқариш суръатлари пасайди, инкиroz ҳолати юзага келди. Ушбу инкиroz режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида вујудга келган, трансформацион инкиroz эди.

Минтақавий молия инкирози 1997 йилда Таиланд, Малайзия ва Индонезия каби Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида содир бўлган бўлиб, 4 босқичли фазани босиб ўтган<sup>45</sup>.

43 Комилов С.Х. Структурные и коньюнктурные аспекты финансовых кризисов. – Диссертация на соискание ученой степени к.э.н. – Т., 2004. – С. 23.

44 Комилов С.Х. Структурные и коньюнктурные аспекты финансовых кризисов. – Диссертация на соискание ученой степени к.э.н. – Т., 2004. – С. 86.

45 Christian de Boissieu. Theories et politiques monétaires, 2000 у. маъruzалар манти ва Комилов С.Х. Структурные и коньюнктурные аспекты финансовых кризисов. – Диссертация на соискание ученой степени к.э.н. – Т., 2004 г. асосида муаллиф томонидан гурухланган.

Биринчи фаза (июль 1997 йил – март 1998 йил) Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари валюта курсининг кескин тушиб кетиши, молиявий бозорларда муаммолар сабабли капиталнинг Farb мамлакатлари молия бозорларига чиқиб кетиши, АҚШ ва Европада молиявий активлар баҳосининг ўсиши ортидан япон банклари молиявий ҳолатининг ёмонлашиши билан юз берган.

Иккинчи фаза (апрель 1998 йил – августъ 1998 йил) молиявий инқирознинг ўсиб Японияга ўтишидан бошланади. Ушбу фаза япон иенаси ва Nikkei индекси курсининг кулаши, Гонконг ва Хитой валюталарининг номинал курси ўсиши натижасида Осиё мамлакатларига “ишонч” инқирозининг авж олиши, Осиё мамлакатларида иқтисодий ўсишнинг пасайиши, хом ашё нархининг бирдан тушиб кетиши каби салбий оқибатлар билан кечган.

Молиявий инқирознинг дунё капитал бозорида ўсиб ўтиши натижасида 1998 йил августъ ойида Россияда инқирознинг авж олиши учинчи фазани бошлаб берди. Девальвация ва дефолт натижасида валюта инқирози содир бўлди. Жаҳон молиявий инқирози янада кучайиши натижасида Лотин Америкаси мамлакатларига ўсиб ўтади. Farb молия бозорларида корхоналарнинг акцияси ва облигацияси курслари тушиб кетади, натижада инвесторлар томонидан ёппасига давлат облигацияларини харид қилиш бошланган.

2002 йилнинг бошида инқироз Аргентина га ўсиб ўтиб ўзининг 4 фазасига киради. Вақтида инқирозга қарши қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида инқироз бартараф қилинган.

2008 йилда молия секторида бошланган инқироз ўзининг кўламини кенгайтириб иқтисодиётнинг реал секторига ўтди, охир-оқибат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига айланди. Чунки 2007 йилда йирик банкларнинг банкротликка учраши ва АҚШ кўчмас мулк бозоридаги ипотека кредити тизимининг (subprime lending) издан чиқиши натижасида АҚШнинг йирик банклари ривожланаётган мамлакатлардаги ўз инвестицияларини қайтариб олиши ва ўз активларини сотиб юбориши. АҚШ иқтисодиётидаги бундай ўзгариш жаҳон молия бозорида қарз ажратиш кўламининг, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига олиб келди.

2008 йилнинг сентябрь ойида АҚШнинг йирик банкларидан хисобланмиш, 160 йиллик фаолият тажрибасига эга бўлган, активлари қиймати 600 млрд. АҚШ доллар бўлган Lehman Brothers инвестицион банкининг банкрот бўлиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бошлаб берди.

Професор А.Ваҳабов томонидан мазкур жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ривожланиши 4 боскичда ажратиб кўрсатилади<sup>46</sup>:

<sup>46</sup> Ваҳабов А.В. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ва инқироздан чиқиш дастурлари // Биржа Эксперт, № 10, 2009. – Б. 8.

Англосаксон молия инқирози (2007 йил баҳор – 2008 йил март) АҚШнинг ипотека бозорида муаммоларнинг вужудга келишидан бошланади ва давлат томонидан Bear Sterns банкини кўткариш билан тугалланади.

2008 йил март-август ойларига тўғри келган “Ажратиш” босқичида инқироз ривожланган мамлакатларда тарқала бошлади.

Кредитнинг сиқилиши 3-босқич хисобланиб, 2008 йил сентябрь-ноябрь ойларида содир бўлган. Бунда ривожланаётган бозорлардаги инқироз авж олиб, ривожланган мамлакатларда инқирознинг бошланиниши расман тан олинади. Асосий муаммолар молия тизимида жамланади ва кўпчилик мамлакатларда банк тизими инқирози вужудга келади.

Пул эммисиасини ишга тушириш 2008 йил ноябрдан амалга ошира бошланади. Кўпчилик мамлакатларда ишлаб чиқариш инқирозига йўл қўймаслик мақсадида пул ва фискал характеристга эга бўлган пул тақлифини кенгайтириш ва талабни рафбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар кўлланилиади.

#### 1.2-жадвал. **Иқтисодий инқирозларнинг вужудга келиш сабаблари<sup>47</sup>**

№	Сабаблар гурухи	Асосий мазмуни
1.	Табиий	Табиий шарт-шароитларнинг ўзгариши, сув тошқинлари, зилзилалар, пандемиялар
2.	Фундаментал	Иқтисодиётда агара секторнинг камайиб, саноат улушининг ортиши; трансформацион инқироз
3.	Инструментал	Товарлар ва хизматлар нархларининг ўсиши, ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сонининг ортиши; тўлов кобилиятни пасайиши билан кредитлаш тизими ёмонлашувида ишлаб чиқарни суръатларининг пасайиши; фонд биржасининг кулаши; валюта курсининг кескин тушеб кетиши, молиявий бозорларда акциялар курслари, хом аше нархининг тушиши; ипотека бозоридаги муаммолар
4.	Хулқ-атвор	Сиёсий ва иқтисодий аренага касаба ушумча ташкилотларининг кириб келиши, “ишонч” инқирози; иқтисодий агентларнинг молия бозоридаги фаолияти; ижтимоий муносабатларнинг ёмонлашуви

АҚШда XXI асрнинг бошида ипотекали кредитлаш бозорининг гуллаб яшнаши ва йиллар давомида шаклланган аҳолининг хулқ-атвори натижасида ипотека кредитлаш ҳажми ошган. 2007 йилда АҚШда амалга оширилган субстандарт ипотекали кредитлаш – яъни кам даромадли ва кредит тарихи ёмон бўлган кишиларни ипотекали кредитлаш инқирози Кўшма Штатлардаги умум молиявий ва банк инқирозининг бевосита даракчиси бўлди. LIBOR-OIS

<sup>47</sup> Муаллиф ишланмаси

спреди 2008 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида 200 базис пунктдан 250 гача кўрлатиди.<sup>48</sup>

Фикримизча, инқирозлар келиб чиқишининг сабабларини тахлил қилиш асосида уларни кўйидагича гурухларда жамлаш мақсадга мувофиқ:

АҚШ ипотека кредит бозоридаги тангликка иккита асосий омил сабаб бўлган. Биринчидан, банклар фаолияти тўғрисида рейтинг ва консалтинг компаниялари томонидан нохолис хулосаларнинг тақдим этилиши бўлса, иккинчидан, кредит бериш тизимининг мукаммал эмаслиги.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли китобида инқирознинг сабаби кўйидагича талқин этилган. “Ҳеч кимга сир эмаски, бугун кенг кўламда тарқалиб бораётган жаҳон молиявий инқирозининг асосий сабабларидан бири — бу банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлиги билан боғлиқ муаммонинг кескинлашуви, кредит бозоридаги танглик, содда қилиб айтганда, пул маблағларининг этишмаслиги билан изоҳланади”<sup>49</sup>.

Шунингдек, ипотекали кредитлаш тизимидағи муаммолар ва пул маблағларининг этишмаслигидан ташқари 2008 йилги жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг вужудга келишига кўйидагилар сабаб бўлган:

— хом ашё бозорларини, шу жумладан, нефт бозорининг қизиб кетиши. 2008 йилнинг бошида нефтнинг нархи ўса бошлиди ва 100 АҚШ долларидан ошиб кетди. 2008 йилнинг 11 июляда WTI маркали нефтнинг 1 баррели 147,27 АҚШ долларига тенг бўлди, инқироз юз берганидан кейин бу кўрсаткич 56,24 гача пасайиб кетди<sup>50</sup>;

— ривожланган давлатларда, айниқса, АҚШда давлатнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга номутаносиб равишда ортиб борганилиги;

— молиявий инновациялар фаолиятининг самарали тартибга солинмаганлиги;

— иқтисодий агентлар ҳулқ-авторини олдиндан тўлиқ башорат қилиш имкониятининг мавжуд эмаслиги;

— иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш меҳанизмининг номувофилиги (Кейинс таълимотининг тўлиқ амалга ошмаслиги).

2008 йилги инқироз оқибатида дунёнинг жуда кўп мамлакатлари катта талофат кўрдилар. Иқтисодий ўсиш суръатлари пасайди, ишлаб чиқариш ҳажми кескин қисқарди, инфляция ва ишсизлик даражаси ортди, аҳолининг харид қобилияти пасайди. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози оқибатида

<sup>48</sup> Кўчкоров Т. Жаҳон молиявий инқирозининг манбалари ва сабаблари. “Ўзбекистон иқтисодиётининг баркарорлиги ва мутаносиблигиги мустаҳкамлап бутунги куннинг устувор вазифаси” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.:ЎзМУ, 2009. – Б. 284.

<sup>49</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2009. – Б. 8.

<sup>50</sup> Кўчкоров Т. Жаҳон молиявий инқирозининг манбалари ва сабаблари. “Ўзбекистон иқтисодиётининг баркарорлиги ва мутаносиблигиги мустаҳкамлаш бутунги куннинг устувор вазифаси” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.:ЎзМУ, 2009. – Б. 283.

молиявий ҳаражатларнинг қисқариши, аҳоли истеъмолининг пасайиши, тадбиркорлик фаолиятида ишчанлик руҳининг пасайиши, ишсизлик даражасининг ортиши ва уй-жой бозори муаммолари АҚШ иқтисодиётiga жиддий таъсири кўрсатди. Бундан ташқари давлат қарзининг ортиб боришига мутаносиб равишда юкори даражадаги савдо камомади ҳам ҳосил бўлди. АҚШнинг йирик компаниялари ўзларига арzon ишчи кучи қидириб, ишчи кучи арzon бўлган мамлакатларда ишлаб чиқаришини йўлга кўйишлари оқибатида мамлакатда ишсизлик даражаси ортди. Economic Policy Institute маълумотларига кўра, АҚШ саноатининг Хитойга кўчуб ўтиши натижасида ҳар йили 500 000 америкалик ўз иш ўрнини йўқотмоқда<sup>51</sup>.

2007 йилда АҚШда ипотека кредити инқирозидан бошланиб, кейинчалик молиявий инқирозга, сўнгра глобал иқтисодий инқирозга айланниб кеттанилиги ҳамда юкорида инқирознинг вужудга келишига сабаб қилиб кўрсатилган жиҳатлардан ташқари иқтисодиётнинг гуллаб-яшнаши, қизиб кетиши ҳам инқирознинг сабаби хисобланади. Сўзимизни француз иқтисодини Клеман Жюглярнинг қўйидаги фикрлари ҳам тасдиқлади, “инқирознинг ягона сабаби – гуллаб-яшнаш, гуркирашдир”<sup>52</sup>.

Инқироз қелиб чиқишининг асосий сабабларини таҳлил қилас эканмиз, иқтисодиётда молиявий секторнинг реал сектор устидан устунликка эга бўлиб бориши маълум бўлади. Бошқача айтганда, молия бозорларида фойда олиш учун дериватив битимларнинг амалга оширилиши сунъий “кўпик”лар ҳажмининг янада кўпайишига сабаб бўлган. Айрим иқтисодчиларнинг “ёндашувлари” асосида капиталистик муносабатларда давлатнинг молия сектори устидан назорати бир мунча сусайиши ушбу нохуш ҳолатта замин яратиб берган. АҚШ ва Европанинг бир қанча мамлакатлари шу омиллар сабабли иқтисодий инқироз туфайли катта талофатларни бошидан кечирган. Мамлакатимизда олдиндан пухта ўйланган иқтисодий сиёсатнинг юритилганилиги ҳамда иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграцияси юкори бўлмаганилиги сабабли 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири унчалик жиддий бўлмади. Бунга асосан ташки қарз миқдорининг энг мақбул даражада ушлаб турилиши, аҳолининг иш ҳақи ва даромадларининг доимий равишда ошириб борилганилиги, мамлакат банк-молия тизимининг барқарор эканлиги, давлатнинг заҳира ва зарур ресурслар базасига эга эканлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги каби омиллар воситасида эришилди.

Тадқиқотдан маълум бўлишича, инқироз доимий ҳолат эмас. Инқирозлар Шумпетер айтиб ўтган 4 та фазадан ўтиб, яна ишлаб чиқариш изига тушади. Ишлаб чиқариш жонланниб ўзининг кульминацион нуқтасига етганда яна инқироз ҳолати бошланади. Иқтисодиёт жонланганидан кейин


<sup>51</sup> Солис Р. Иқтисодий инқирозга ҳарши кураш: дунё мамлакатлари тажрибаси // Бозор, пул ва кредит. № 11 (186), 2012. – Б. 33.

<sup>52</sup> Комилов С.Х. Структурные и компонентные аспекты финансовых кризисов – Диссертация на соискание ученой степени к.э.н. – Т., 2004. – С. 16

## *Иқтисодий инқирозларга қарши дастурлар самараадорлигини оширишининг устувор йўналишлари*

макроиктисодий мувозанат ва мутаносибликтининг таъминланмаслиги эса яна инқирозларни келтириб чиқаради.

Инқирозлар технологик янгиланиш ҳисобига жаҳон иқтисодиётидаги таркибий силжишлар содир бўлишига замин яратган (1.2-расм).



1.2-расм. Жаҳон иқтисодиётидаги ЯИМнинг ўсиш суръатлари<sup>53</sup>, трлн. АҚШ долларида

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 1990-1995 йиллар мобайнида жаҳон иқтисодиётни ўсган ва 1997-1998 йилларда Жануби-шаркӣ Осиёи мамлакатларида содир бўлган молиявий инқироз таъсирида 0,6 % га пасайган. Кейинги йилларда 2008 йилда жаҳон молиявий иқтисодий инқирози содир бўлгунча жаҳон хўжалиги иқтисодиёт 2,03 марта ўсган. 2009 йил охирига келиб бўлса, инқироз натижасида 5,16 % гача камайган. Навбатдаги иқтисодий ўсиш 2010-2014 йиллар оралиғида кузатилган ва бунда ўсиш 2009 йилга нисбатан 1,31 марта юкори бўлган. 2015 йилга келиб Европа Иттифоки мамлакатларида ташқи суверен қарзлар инқирози, Японияда иқтисодий пасайиш ва Россияда рублнинг қадрсизланиши натижасида 5,4 % иқтисодий пасайиш содир бўлган, 2016 йилдан яна иқтисодий ўсишга эришилган. Таххили қилинаётган давр мобайнида бир нечта инқирозлар содир бўлганига қарамасдан 1990-2018 йиллар оралиғида жаҳон иқтисодиёт 3,8 марта ўсган ёки инқирозлар натижасида умумий миқёсда иқтисодиётда таркибий силжишлар содир бўлган. Бу омил инқирознинг ижтимоий-иктисодий оқибатларини ҳам ҳисобга олишни тақозо этади.

Фикримизча, иқтисодий инқироз тўғрисида олимлар томонидан билдирилган фикрлар, иқтисодий циклларнинг ҳаракати ва олиб борилган тадқиқот натижаси ҳамда инқирознинг ижтимоий-иктисодий оқибатларидан келиб чиқиб, иқтисодий инқирознинг мазмун-моҳиятини янада очиб бериш ва иқтисодий таҳлиллар жараённида кўлланилиши қулай бўлиши учун куйидаги таърифни кўллаш мақсаддага мувофиқ: иқтисодий инқироз – барча иқтисодий тизимларга хос бўлган ходиса бўлиб, асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ёмонлашви билан содир бўладиган, маълум даврий оралиқда такоррланиб турадиган, технологик янгиланиш натижасида миллий иқтисодиётнинг таркибий силжишига олиб келадиган жараёндир.

<sup>53</sup> <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?end=2018&start=1990> маълумотлари

### 1.3. Инқирозга қарши дастурлар самарадорлигини баҳолаш

Инқирозга қарши дастурлар самарадорлигини баҳолаш методологияси тарихда содир бўлган инқирозлар, уларнинг келиб чиқиши сабаблари, оқибатлари ва инқирозга қарши дастур амалга оширилгандан кейинги иқтисодий ривожланиши хусусиятлари асосида шакллантирилади.

Жаҳонда бир қанча инқирозлар содир бўлган бўлиб, улар иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг ривожланишига туртки бўлган.

Биринчи саноат инқилоби Англияда рўй берганидан кейин саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, мамлакатда темир йўл тармоғининг бунёд этилиши иқтисодий ривожланиши учун замин ҳозирлаган. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши натижасида талаб ва таклиф ўргасидаги мувозанат бузилган ҳамда 1825 йилда ортиқча ишлаб чиқариш инқирози содир бўлган. Бу ортиқча ишлаб чиқариш инқирози 1831 йилгача давом этган бўлиб, асосан биржа инқирози, нархларнинг тушиши, ишчиларнинг бош кўтариши каби жиҳатлари билан характерлидир. Бу инқироз Лотин Америкаси мамлакатлари инвестиция фаолиятининг спекуляцияси натижасида содир бўлган.

Кейинги инқироз 1836-1843 йиллар оралиғида содир бўлган бўлиб, бу инқироз Англияда рўй беришига қарамасдан унинг салбий оқибатлари АҚШгача етиб борган. Бу даврда молия инқирози юз берган ва натижада ижтимоий зиддиятлар кучайиб кетган.

Учинчи инқироз 1847 йилда содир бўлган, унинг таъсир доираси бироз каттароқ, Англия, АҚШ, Франция ва Германия мамлакатларини қамраб олган. Бу инқироз 5 йил давомида ўзининг салбий оқибатларини намоён этган ва асосан темир йўлларнинг қурилишидаги спекуляция оқибатида рўй берган.

Навбатдаги инқироз 1857 йилда бутун дунё миқёсидаги иқтисодий инқироз сифатида тарихда из қолдиран. Бу инқироз АҚШда бошланиб кейинчалик биржа инқирозининг авж олиб кетишига сабаб бўлган. Бу ҳам темир йўллар қурилишидаги спекуляция оқибатида келиб чиққан.

Кейинчалик тарихда 1866 йилда Англияда банк инқирози, 1873 йилда Германия ва Австрияда биржа инқирози ва ижтимоий инқироз, 1882 йилда Францияда биржа инқирози, 1890 йилда яна Англияда саноат инқирози, 1929 йилда АҚШда банк инқирози, аграр инқирози, саноат инқирози, савдо балансининг бузилиши, 1997 йилда Осиё мамлакатларида валюта инқирози, молия инқирози, биржа инқирози, хом ашё инқирози ва 2008 йилда АҚШда бошланган инқироз банк инқирози, молия инқирози, миграция инқирози, ташки суверен қарзлар инқирози ва хом ашё инқирози кўринишларида содир бўлган.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, инқирозлар маълум соҳа ёки тармоқда бошланиб кейинчалик бошқа соҳа ва тармоқларга ўтиб авж олиб кетган. Шу нутқдан назардан олиб караганда инқирозларни хусусиятлари, турлари ва кўринишларини тадқик этиш уларни хронологиясини тузиши имконини беради (1.3-жадвал).

## 1.3.-жадвал.

### XIX-XXI асрларда соидир бўлган инкирозлар хронологиги<sup>54</sup>

№	Инкироз бошланниши ва давомийлиги	Инкироз бошланган мамлакат	Иктисолдёттинг ривожланнига хизмат килиган тармоклар	Инкирознинг сабаби	Инкирознинг хусусиятлари
1.	1825 йил, 6 йил	Булоқ Британия	Темир йўл тармоги, Ўирик жамоат ишлари, Жаунубий Америкага экспорт	Лотин Америкаси инвесторлари билан интенсив спекуляция	Бирж инкирози, нархларнинг пасайини, ишчи санфларнинг бош кўтарини
2.	1836 йил, 7 йил	Булоқ Британия	Темир йўуларнинг курилиши, металлургия саноати, каналлар курилиши	Молиявий спекуляция	Молиявий инкироз, ижтимоий инкироз
3.	1847 йил, 5 йил	Булоқ Британия	Темир йўуларнинг курилиши, металлургия, тўқумачилик саноати	Темир йўл тармогидаги спекуляция	Валюта инкирози, банк инкирози, Франциядаги сиёсий инкироз
4.	1857 йил, 1 йил	АҚШ	Темир йўуларнинг курилиши, кемасозлик, олтин ишлаб чиқарниш	АҚШ темир йўл тармогидаги спекуляция	Биржа инкирози
5.	1866 йил, 3 йил	Булоқ Британия	Металлургия саноати	Темир йўл тармогидаги спекуляция, АҚШдаги фукорлар урушининг Аংглия иктисолдёттига тасдири	Аংглия ва Франциядаги инкирози
6.	1873 йил, 5 йил	Германия ва Австрия	Темир йўуларнинг курилиши, АҚШ ва Германинда ишлаб чиқарнишининг ўсими	Темир йўл тармогидаги спекуляция	Берлинн, Вена ва Нью-Йоркда биржаларнинг кулачини, АҚШда депрессия ва ишчиларнинг бош кўтарини

<sup>54</sup> Жадвал Bernard Rosier, Les theories des crises économique на Christian de Boissieu, Théories et politiques monétaires (2000) наука Jabbarov К.Х. Kondratyev's cycles and economic crisis // Экономика, управление, финанс. материалы IX Междунар. науч. конф. (г.Санкт-Петербург), октябрь 2018 г.) — СНГ. Осад издательство, 2018. – С. 1-3. майдумотлари асосида муаллиф томонидан тузиштаги.

7.	1882 йил, 4 йил	Франция	Темир йўлларнинг курилиши, кон саноати ва металургия ишлаб чиқарилиши	Францида ишлаб чиқарилишинг ўсими	Биржа инкирорози, 1884 йилдаги АҚШ темир йўл таромогидаги муаммолар, 1886 йилдаги Чикагодаги ишчилар синфиининг капта манифестацияси
8.	1890 йил, 5 йил	Буок Британия	АҚШда темир йўлларнинг курилиши ва металургия	Саноат концентрацияси, Англиядан ва Франциядан ташки инвестиция амалда оширилиши, АҚШдаги кучли ўсими	Англиядаги "Baring" инкирорози, 1893 йилдаги АҚШдаги инкиророз, саноат концентрацияси
9.	1929 йил, 4 йил	АҚШ	Электр энергияси,двигатель мотоцикли, камъе ва автомобилсозлик саноати	Нью-Йорк фонд биржасининг кулаши	Банк инкирорози, аттар инкиророз, саноат инкирорози, савдо балансининг бузилиши
10.	1997 йил, 4 йил	Осиё мамлакат- лари	Технологиялар ва интернетнинг риножланиси, моливий инновациялар, менежмент соҳаси	Молия бозорларнинг либералштириши, Осиё мамлакатлари валюта курсининг тушиши	Валюта инкирорози, молия инкирорози, биржа инкирорози, хом ашё инкирорози
11.	2008 йил, 7 йил	АҚШ	Био ва нанотехнологиялар риновланиши, ген инжинерияси, энергия тежовчи технологиялар	АҚШ ипотекали кредитлаш тизимининг кизиб кетини	Банк инкирорози, молия инкирорози, миграция инкирорози, ташки суверен картлар инкирорози, хом ашё инкирорози

Жадвал маълумотлари таҳлилидан маълум бўлишича, XIX асрда бўлиб ўтган инқиrozларнинг аксарияти Ангияда содир бўлган. 1929 йилда бошланган “Буюк Депрессия” АҚШда, 1997 йилда Осиё мамлакатларида кузатилган молиявий инқиroz Японияда ва 2008 йилда бошланган инқиroz АҚШда бошланган.

XIX асрда Англия гуркираб ривожланган. Мамлакатда темир йўл тармогининг бунёд этилиши, металтургия саноатининг ривожланиши, тўқимачилик саноатининг ўсиши ортидан инқиrozлар бўлиб ўтган. Ўша даврда Англия, Франция ва Германия иқтисодий ривожланишнинг асосий ўчоклари бўлишган.

XIX-XXI асрларда содир бўлган инқиrozларни ўрганиш натижасига кўра, биринчи классик инқиroz рўй берганидан бери иқтисодий инқиrozлар тахминан ҳар 15-20 йил оралиқ билан такрорланиб туради<sup>55</sup>.

Инқиrozлар содир бўлгандан кейин уларнинг оқибатларини юмшатиш ва талофатларини камайтириш учун дастурлар қабул қилиниб, амалга оширилган. Бу дастурлар иқтисодий ўсишни жонлантириш ва ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйиш учун туртки вазифасини ўтаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар доим ҳам мамлакатлар инқиrozга қарши дастурлар доирасида ўз олдига қўйилган мақсадларига эришавермаганлар. Бошқача айтганда, инқиrozга қарши дастурларнинг самарадорлиги ҳар хил бўлган.

Жаҳон хўжалигига ўзининг йирик талофатлари билан из қолдирган “Буюк Депрессия”га қарши Ф.Рузвельт томонидан ишлаб чиқилган “Янги курс” дастури инқиrozга қарши илк яхлит чора-тадбирлар мажмуаси ҳисобланади. Ушбу дастурни амалиётта жорий қилиш натижасида иқтисодий мувозанат қайта тикланади. Дастур доирасида доллар девальвацияси амалга оширилади ва натижада даромадларнинг тақсимланишида ижобий ўзгаришлар кузатилади. Даромадларнинг асосий қисми саноат фойдасига тақсимланади, бунгача амалда даромадлар сусда капитали кўрининишида жамланиши рўй берган.

Исплоҳотлар натижасида кредитлаш тизимида ёппасига банкротлик ҳолатларининг олди олинади, ҳукуматта қарашли монопол корхоналарнинг қарздорлиги камаяди ва мамлакатнинг экспорт имкониятларини оширишга эришилади. Инқиroz даврида давлат аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида меҳнат бозорини тартибга солади, ишсизлик даражасини камайтириш мақсадида кунлик иш соатларини қисқартиради, иш ҳақи микдорининг минимал даражаси белгиланади, касаба уюшмалари расман тан олинади ва фаолият юритишига имконият яратиб берилади. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши домино эфекти сингари ишсизлар сонининг камайиши аҳоли харид қобилиятининг ортиши, жорий талабнинг

<sup>55</sup> Жаббаров К.Й. Иқтисодий инқиroz категория сифатида // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, 2017. – Б. 2.

ўсиши, ишлаб чиқариш жараёнинг тикланиши ва ишлаб чиқаришда фойда микдорининг кўпайишига олиб келади. Бу тарихдаги иқтисодий инқирозга қарши қабул қилинганд илк дастурнинг самарадорлиги юкори бўлганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, халқаро иқтисодий муносабатларнинг чукурлашуви, халқаро савдонинг кучайиши, фонд ва молия бозорлари фаолиятидаги дериватив битимлар ҳажмининг ортиши ҳамда “савдо” урушларининг авж олиши инқирозга қарши дастурлар самарадорлиги юкори бўлишини тақозо этмоқда.

Иқтисодий фанларда инқирозга қарши дастурлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари турли-туман бўлиб, улардан бири қуйидаги қисмлардан иборатдир (1.4-жадвал).

1.4-жадвал.

**Миллий иқтисодиётни инқирозга қарши тартибга солишнинг модернизация компонентларини баҳолаш кўрсаткичлари<sup>56</sup>**

Асосий кўрсаткичлар	Қўшимча кўрсаткичлар
1. Макроиқтисодий кўрсаткичлар: ЯИМ, асосий капиталга инвестиция, олтин-валюта заҳиралари	1. Сиёсий рисклар индекси (Global Political Risk Index)
2. Реал сектор кўрсаткичлари: саноат ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	2. Иқтисодий эркинлик индекси (Index of Economic Freedom)
3. Савдо кўрсаткичлари: чакана савдо айланмаси, ташқи савдо айланмаси, импорт, экспорт	3. Бахтилилк индекси (Happy Planet Index)
4. Нархлар динамикаси: истеъмол нархлари индекси, ишлаб чиқариш нархлари индекси	4. Тинчлик индекси (Global Peace Index)
5. Ижтимоий сфера кўрсаткичлари: ишсизлик даражаси, реал иш ҳақи	5. Коррупция индекси (Corruptions Index)
6. Молиявий сектор кўрсаткичлари: фонд биржалар индекслари	6. Ҳаёт сифати индекси

1997 йилда Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида бошланган минтақавий молия инқирозига қарши кураш доирасида Япония, Корея, Таиланд ва Индонезия давлатларида 287,5 млрд.АҚШ доллар маблаг ажратилиди<sup>57</sup>.

<sup>56</sup> Тархова А.В. Модернизационная компонента антикризисного регулирования российской экономики – Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Владикавказ, 2011. – С. 19.

<sup>57</sup> Ивангер А. Япония: Гримасы бума Хейсей // Эксперт. № 48, 2007, www.cfin.ru ҳамда Халқаро валюта фонди маълумотлари.

*Иқтисодий инқиrozларга қарши дастурлар самарадорлигини  
оширишининг устувор йўналишлари*

**1.5-жадвал.**

**Мамлакатларнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари<sup>58</sup>,  
ОВЗ-олтин валюта заҳиралар, ИНИ-истеъмол нархлар индекси**

Мамлакат	Кўрсаткич номи	1996	1997	1998	1999	2000	Ўзгириши, 1996 га нис.
Япония	Реал ЯИМ, % да	3,1	1,1	-1,1	-0,2	2,8	90 %
	ОВЗ, млрд.\$	225,6	226,7	222,4	293,9	361,6	160 %
	НИИ, %	0,1	1,8	0,6	-0,3	-0,7	+
	Ишсизлик даражаси, %	3,4	3,4	4,1	4,7	4,7	-
Корея	Реал ЯИМ, % да	7,59	5,92	-5,47	11,31	8,92	118 %
	ОВЗ, млрд.\$	34,2	20,5	52,1	74,1	96,3	282 %
	НИИ, %	4,9	4,4	7,5	0,8	2,3	+
	Ишсизлик даражаси, %	2	2,6	6,9	6,3	4,4	-
Тайланд	Реал ЯИМ, % да	5,65	-2,75	-7,63	4,57	4,45	79 %
	ОВЗ, млрд.\$	38,6	26,9	29,5	34,8	32,7	85 %
	НИИ, %	5,8	5,6	7,9	0,3	1,6	+
	Ишсизлик даражаси, %	1,1	0,9	3,4	2,9	2,4	-
Индонезия	Реал ЯИМ, % да	7,82	4,70	-13,13	0,79	4,92	63 %
	ОВЗ, млрд.\$	19,4	17,4	23,6	27,3	29,4	151 %
	НИИ, %	7,9	6,2	58,4	20,5	3,7	+
	Ишсизлик даражаси, %	4,4	4,7	5,4	6,3	6,1	-

1.5-жадвалдан маълум бўлишича, тўртта давлатда ҳам истеъмол нархлари индекси пасайишига эришилган, шунингдек, ишсизлик даражаси ортган. Индонезияда 2000 йилга келиб, инқиroz арафасида – 1996 йилда эришилган иқтисодий ўсишининг 63 % га эришилган, мос равишда бу кўрсаткич Таиландда 79 %, Японияда 90 % ва Кореяда 118 % ни ташкил этган. Ушбу давр мобайнида Таиландда олтин-валюта заҳиралари камайган, Индонезияда 51 % га ортган, Японияда 60 % га ва Кореяда 182 % га ошган. Таҳлил натижасига асосан Кореяда амалга оширилган инқиrozга қарши дастурнинг самарадорлиги энг юқори бўлганлигини таъкидлашимиз мумкин.

2008 йилда ипотека кредити инқиrozи билан бошланган жаҳон моливий-иқтисодий инқиrozи жаҳон иқтисодиётининг лакомотиви хисобланган АҚШда юз берди ва кейинчалик бутун жаҳонга тарқалди.

АҚШда инқиrozга қарши дастур доирасида “Иқтисодий барқарорлик тўғрисида”ги фавқулодда, “Иқтисодиётни рағбатлантириш тўғрисида”ги ва “Американи тиклаш ва реинвестициялаш тўғрисида”ги қонунлар ва 2009 йил

<sup>58</sup> Халқаро валюта жамғармаси ([www.imf.org](http://www.imf.org)) ва Жаҳон банки ([data.worldbank.org](http://data.worldbank.org)) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузишган.

ионда молиявий тартибга солиш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган Б.Обама режалари қабул қилинди.

“Иккисодий барқарорлик тўғрисида”ги фавқулодда Қонунга мувофиқ 700 млрд.АҚШ доллар инқизотга учраётган банк ва молия ташкилотлари зарарларини қоплашга йўналтирилган. Бу режа қуидаги чора-тадбирлардан иборат бўлган:

- 2009 йил 31 декабргача бўлган муддатда АҚШ молия вазирлиги банк ва молия компанияларининг муаммоли ипотека қимматбаҳо қофозларини 700 млрд. АҚШ доллар ҳажмда сотиб олиш хукуқини кўлга киритган, молия вазирлиги мазкур сотиб олинган муаммоли ипотека қимматли қофозларини кейинчалик бозорда сотиши ёки сўндириш муддатигача саклаши мумкинлиги;

- федерал заҳира тизими, уй-жой қурилиши ва шаҳарларни ривожлантириш вазирлиги қимматли қофозлар ва биржалар комиссияси билан ҳамкорликда банк ва компанияларининг муаммоли активларини баҳолаш методикаси ҳамда сотиб олиш механизмини ишлаб чиқиш учун молия вазирлиги таркибида янги маҳсус бўлинманинг таъсис қилинishi;

- банклар юкори рискли ипотека қимматли қофозлар бозорини суғурталаш тизимининг қатнашчиси бўлиши кераклигининг қонун билан мустаҳкамлаб қўйилиши;

- дастурнинг энг йирик қатнашчилари давлатга акция ёки қарз облигацияларни сотиб олиш хукуқини бериши орқали уларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва бюджетга даромад келиб тушишини таъминлаш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг банкдаги омонотларини мажбурий суғурталаш ҳажмини 100 мингдан 20 минг АҚШ долларгача пасайтириш, 2009 йил 31 декабргача кўйилган омонотларни давлат томонидан 100 % кафолатлаш;

- қимматбаҳо қофозлар ва биржалар бўйича комиссия дастур доирасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг бухгалтерия хисобини юритиш тизимини қайта кўриб чиқиш;

- молия вазирлиги бекор қилинадиган ипотека шартномалари сонини минималлаштириш мақсадида уларни реструктуризация қилиш чораларини ишлаб чиқиши;

- уй хўжалиги ва тадбиркорлик секторига 150,5 млрд. АҚШ доллар миқдорида солиқ имтиёзлари бериш;

- АҚШ давлат қарзининг чегаравий ҳажмини 10 трлн. АҚШ доллардан 11,3 трлн.долларгача кўпайтириш<sup>59</sup>.

---

<sup>59</sup> [www.investopedia.com](http://www.investopedia.com) веб сайти маълумотлари асосида: Emergency Economic Stabilization Act (EESA) of 2008, USA муаллиф томонидан тайёрланган.

“Обама режаси”га мувофиқ молиявий тизимни ислоҳ этиш учун 825 млрд. АҚШ доллар маблағ ажратилган бўлиб, бунда куйидаги чоратадбирларни амалга ошириш назарда тутилган эди<sup>60</sup>:

- хедж фонdlарини қимматли қофозлар ва биржа комиссияларидан рўйхатдан ўтиши ташкиллаштириш;
- банкротлик ҳолатига келиб қолган компанияларнинг бошқарувини давлат тасарруфига ўтказиш;
- дериватив битимларни тузиш чоғида шаффофликни таъминлашга қаратилган янги қоидаларни жорий қилиш;
- рейтинг агентликлари фаолияти устидан кучли назорат ўрнатиш;
- қарз облигацияларини чиқарувчи банкларга ўзлари чиқарган қарз облигацияларида кредит рискининг 5 % ини олиш мажбуриятининг юклатиш;
- истеъмолчилар ўзлари сотиб олаётган молия хизматларига ишонишлари учун шу фаолиятни тартибга солувчи маҳсус агентликлар тузиш;
- жаҳоннинг турли бурчакларида фаолият юритаётган йирик молия институтларининг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Барча мамлакатларда бўлгани каби ЕИ мамлакатларида ҳам “Барқарорлик ва ўсиш” деб номланган инқизорзага қарши дастур 2008 йилда ишлаб чиқилиб, уни 2009-2010 йилларда амалиётга жорий килиш учун 200 млрд.евро миқдорида маблағ ажратилди. Мазкур дастур куйидаги чоратадбирларни ўз ичига олган<sup>61</sup>:

- аҳолининг ночор қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш орқали бандлекни кўллаб-куvvatлаш;
- малакасиз ишчи кучи бандлекини таъминлаш мақсадида тадбиркорлар учун иш берувчининг ижтимоий тўловларини камайтириш;
- ЕИ мамлакатларида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг улуши 90 % эканлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур корхонларни молиялаштириш манбаларини яхшилаш;
- корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини соддалаштириш, 2012 йилгача бюрократияни 25 % гача камайтириш, корхоналарни тузиш муддатини 3 кунгacha камайтириш ва лицензия олиш муддатини 1 ойдан ошиб кетмаслигини таъминлаш;
- қўшимча равища инфратузилмани ривожлантириш мақсадида 5 млрд.евро миқдорида инвестицияларни жалб этиш;
- энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш (айниқса, уй-жой секторида);

<sup>60</sup> [www.recovery.gov](http://www.recovery.gov) веб сайтни маълумотлари асосида: American Recovery and Reinvestment Act of 2009, USA муаллиф томонидан тузилган.

<sup>61</sup> [www.investopedia.com](http://www.investopedia.com) веб сайтни маълумотлари асосида: Stability and growth Pact (SGP) муаллиф томонидан тузилган.

- “яшил” иқтисодиёт ривожланишини рағбатлантириш, тадқиқот ишларини жадаллаштириш;
- автомобилсозлик ва қурилиш соҳаларида инновацияларни кенг жорий қилиш, “яшил” автомобил яратиш учун 5 млрд.евро ажратиш;
- барча учун юкори тезликдаги интернетта уланиш имкониятини яратиш.

Япония ҳукумати томонидан 2008 йилнинг ўзида инқирозга қарши қиймати 75 трлн. иенага тенг учта дастур ишлаб чиқилиб амалиётта жорий қилинди. Бу дастурлар куйидаги йўналишларни ўзида мужассамлаштирган эди<sup>62</sup>: молия тизимини кўллаб-куватлаш, ижтимоий ҳимоя ва инфратузилмани яхшилаш чоралари.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози дастлаб ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига катта зарар етказди. Кейинчалик, ривожланәтган мамлакатлар, хусусан, Хитойда инқироз ўзининг илк салбий оқибатларини намоён этиши билан инқирозга қарши дастур кабул қилинади ва амалиётга жорий этилади. Хитойда инқирозга қарши Дастур доирасида 4 трлн.юан (586 млрд.АҚШ доллар) қийматидаги маблағ ажратилди<sup>63</sup>. Дастиурда амалга оширилган тадбирларнинг асосийси мамлакатда ички талабни рағбатлантириш ҳисобига ташки бозорларга боғлиқлик даражасини пасайтиришдан изборат эди.

Бошқа мамлакатларда бўлган каби инқироз Россия иқтисодиётига ҳам жуда катта зарар етказди. Мамлакат иқтисодиётининг хом ашё экспортiga йўналтирилганлиги вазиятни янада оғирлаштири. Россия иқтисодиётида муаммоларнинг кузатилиши бир қанча ички ва ташки омиллар билан боғлиқдир. Фикримизча, инқирозга қарши дастурлар самарадорлигига баҳо беришдан олдин мазкур омилларни гурухлаш мақсадга мувофиқдир. Россияда инқирозга олиб келган ички омиллар сифатида куйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин:

- валюта интервенцияси натижасида мамлакатда пул массасининг камайиши;
- рубль курсининг пасайиши;
- экспортга йўналтирилган маҳсулотларининг асосий қисмини хом ашё маҳсулотлари ташкил этиши;
- инновацион иқтисодиёт ривожланмаганлиги;

2007-2014 йиллар мобайнида инновациян индекс ривожланган мамлакатларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, Жанубий Кореяда 4,8 %, Хитойда 3,6 %, Европа Иттифоқида 2,4 % ва АҚШда 1,0 % ўсиш суръатлари қайд этилган бўлса, Россияда бу кўрсаткич салбий бўлиб -1,6 % га тенгдир<sup>64</sup>. Юкоридаги рақамлардан Россияда инновациялар

<sup>62</sup> www.boj.or.jp сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>63</sup> www.xinhuanet.com/cn/16.04.2009 й.

<sup>64</sup> <https://ec.europa.eu/Growth/industry/innovation/facts>.

## *Иқтисодий инқирозларга қарши дастурлар самараадорлигини оширишинг устувор йўналишлари*

хисобидан жадал иқтисодий ривожланишнинг ички механизmlари яхши йўлга кўйилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Инкиroz кўламининг ортишига асосий сабаб қилиб юқоридаги ички омиллардан ташқари куйидаги ташки омилларни ҳам келтириш мумкин:

АҚШдаги ноанъянавий монетар сиёsat, “миқдорий юмшатиш” амалиётининг кўлланилиши. Доллар, евро ва иена каби барқарор валютлар учун дефляция, рублга бўлса инфляция ҳаф солмокда. Шу сабабли фоиз ставкаларини 0 гача пасайтириш ва фавқулодда эммисия каби дастаклар билан намоён бўладиган ноанъянавий монетар сиёsatнинг амалга оширилиши Россия иқтисодиёти учун анячли оқибатларга олиб келди.

Украина билан муносабатларнинг ёмонлашуви. Савдо-иктисодий алоқаларни қуйидаги йўналишларга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқидир:

Россия газининг Украина бозорига етказиб берилиши ва газ транзити; икки давлат инвесторларининг ҳамкорликдаги фаолияти; Украина қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг Россия бозорларига етказиб берилиши; ҳарбий-саноат соҳасида ҳамкорлик.

Юқорида айтиб ўтилган фикрларнинг исботи сифатида қуйидаги маълумотларни келтиришимиз мумкин. 2013 йилда Россиядан Украинага 23,0 млрд. АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган, Россиядан бўлса 28,4 млрд. АҚШ долларлик маҳсулотлар импорт қилинган. Украинанинг ташки савдо айланмасида Россиянинг улуши 29,6 % га тенгdir, шу жумладан, 27,9 % - товар ва хизматлар экспорти ва 31,1 % - товар ва хизматлар импорти<sup>65</sup>. Икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари 2014 йилга 2013 йилга нисбатан қарийб 30 % га пасайган.

Жаҳонда 2008 йилда содир бўлган инқирозга қарши амалга оширилган дастурлар натижасида иқтисодий ўсиш яна қайта жонланади ва иқтисодий мувозанат тикланади (1.3-расм).

<sup>65</sup> Коллектив авторов. Экономическая система современной России: пути и цели развития. Монография. МГУ имени М.В.Ломоносова. Экономический факультет. – М.: Научное электронное издание, 2015. – С. 356.



1.3-расм. Мамлакатларда ЯИМнинг ўсиши суръатлари<sup>66</sup>, 2006-2010 йиллар, фоизда

1.3-расмда берилган маълумотларидан маълум бўлишича, инкиroz ривожланган давлатлар, шунингдек, хом ашё экспортига йўналтирилган мамлакатларга катта таъсир ўтказган. Жаҳон молиявий-иктисодий инкиrozига қарши дастурлар самарадорлиги АҚШ ва Японияда юқори бўлган. Хитойда 2008-2009 йилларда кузатилган бироз иктисодий пасайиш 2010 йилда ўз изига тушиб кетган. Россияда амалга оширилган иктисодий сиёсат жуда яхши самара берган.

Инкиrozига қарши дастурлар самарадорлигини баҳолашнинг юқорида айтиб ўтилган методология асосида эмас, балки инкиrozдан сўнг ЯИМ кўшимча ўсишининг ҳар бир фоизи учун қанча маблаг сарфланганни орқали аниqlаш усулини таклиф қиласиз (1.6-жадвал).

#### 1.6-жадвал. Мамлакатларда инкиrozга қарши дастур доирасида ЯИМнинг 1 % ўсиши учун сарфланган маблаг<sup>67</sup>, млрд. АҚШ долларни

Мамлакатлар, мамлакатлар гуруҳи	ЯИМ ўсиши, % да		ЯИМнинг 2010 йилда 2009 йилга нисбатан	Инкиrozга қарши дастур доирасида	ЯИМнинг 1 % ўсиши учун сарфланган
	2009 йил	2010 йил			

<sup>66</sup> Жаҳон банкининг data.worldbank.org сайти мавъумотлари асосида тайёрланди.

<sup>67</sup> The World Bank. GDP growth (annual %). <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.KD.ZG?view=chart>. (09.04.2020); Dotdash publishing family. www.investopedia.com: Emergency Economic Stabilization Act (EESA) of 2008, USA, 2008.; Recovery Act. American Recovery and Reinvestment Act of 2009, USA. <https://www.govinfo.gov/content/pkg/BILLS-111hr1enr/pdf/BILLS-111hr1enr.pdf> (12.04.2017); Dotdash publishing family. www.investopedia.com: Stability and growth Pact (SGP), EU, 2008.; Vollmer U., Bebenroth R. The Financial Crisis in Japan: Causes and Policy Reactions by the Bank of Japan // The European Journal of Comparative Economics. Vol. 9, n. 1, 2012. – P. 51-77.; XINHUANET.com. [www.xinhuanet.com/cn/16/04/2009/](http://www.xinhuanet.com/cn/16/04/2009/); Исмаилов А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкиrozи шароитида нут тизимини тартибга солиш. //Бозор, пул ва кредит. № 03(154), 2010. 59-61 б. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

**Иқтисодий инқирозларга қарши дастурлар самарадорлигини  
оширишининг устувор йўналишлари**

		ўзгариши, % да	сарфланган маблағ, млрд. АҚШ доллари	маблағ, млрд. АҚШ доллари
Россия	-7,80	4,50	12,30	220,00
Япония	-5,42	4,19	9,61	1 060,00
ЕИ	-4,32	2,17	6,49	2 640,00
АҚШ	-2,54	2,56	5,10	2 300,00
Хитой	9,40	10,64	1,24	570,00
				459,68

1.6-жадвал маълумотларидан маълум бўлишича, жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига қарши дастурлар доирасида сарфланган маблағлар самарадорлиги ривожланган давлатлардан Японияда жуда юқори бўлган. Мамлакатда ЯИМнинг 1 % ўсиши учун дастур доирасида 110,30 млрд. АҚШ доллари сарфланган. Ушбу кўрсаткич ЕИда 406,78 млрд. АҚШ доллари ва АҚШда 450,98 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб, инқирозга қарши дастур самарадорлиги Японияга нисбатан 4 баробар паст бўлган. Хитой ва АҚШда амалга оширилган дастурлар самарадорлиги деярли бир хил бўлган. Россия ўтиш иқтисодиёти мамлакати бўлишига қарамасдан 2010 йилда 4,50 % кўшимича йиллик ўсишга эришиш учун 220 млрд. АҚШ доллари сарфлаб, таҳлил этилаётган гуруҳдаги энг яхши натижани қайд этган. ЕИ мамлакатларида амалга оширилган инқирозга қарши дастурларнинг самарадорлиги қолганларга нисбатан паст бўлган.

### Биринчи боб бўйича хулосалар

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар олинди:

1. XIX асрнинг биринчи ярмида мавжуд техниканинг ўз муддатини ўтаб бўлиб яроқсиз ҳолатга келиши учун 12-15 йил талаб этилган бўлса, XX асрнинг охирига келиб бу муддат 3-5 йилга тушиб қолган. Бундан ташқари талаб ва эҳтиёж ҳам тез янгилана бошланган. Натижада ўсиш ва пасайишдан иборат тебранма ҳаракат қискарған.

2. 1929 йилда АҚШда содир бўлиб, бутун дунё иқтисодиётiga жиддий таъсир этган Буюк Депрессия иқтисодий цикллар ва инқирозлар борасидасидаги илмий тадқиқотларда янги даврни бошлаб берди. Ҳусусан, Ж.Кейнс иқтисодиёт ҳар доим ҳам рақобатли мувозанат шароитида бўлмаслигини – “кўринмас қўл” ҳар доим ҳам ўз функциясини бажара олмаслигини ҳамда иқтисодиётнинг қайси дараҷада бўлишини ялпи талаб белгилашини исботлаб берди. Олим биринчи ҳолатни баҳолар ва иш ҳақининг узоқ муддатли шартномаларга асосан узоқ вақт мобайнида ўзгармаслигини ҳамда узоқ муддатга мўлжалланганлиги учун жорий бозор ҳолатига мослашмаслиги билан изоҳлайди. Инвесторларнинг ҳатти-ҳаракати ялпи талабни белгилаши орқали иккинчи жиҳатни тушуниради. Бу кейинчалик бизнес цикллари назариясининг асосий ғояларидан бири

сифатида хизмат қилди. Ж.Хикс орадан бир қанча вақт ўтиб Ж.Кейнснинг мазкур назарияси асосида “пул, меҳнат ва товар” моделини яратади.

3. XX асрнинг ўрталарида АҚШ ва Англияда инфляция ва ишсизлик даражаси ўргасида тескари пропорционалликка асосланган Филиппс эгри чизиги 1970 йилга келиб амалда АҚШда ўз исботини топмайди. Кейинроқ бошقا бир гурух олимлар М.Фридман, Р.Лукас, Ф.Кидланд ва Э.Прескотлар филліпс эгри чизигидан иқтисодиётда фойдаланмаслик кераклиги хусусида хулоса қилишади.

4. Жаҳонда содир бўлган инқирозларни ўрганиш натижасида уларнинг вужудга келиш сабаблари 4 гурухга ажратилиб, табиий, фундаментал, инструментал ва хулиқ-автор сабаблари тарзида таснифланди. Инқирозларнинг вужудга келиш сабабларини ушбу мезонлар бўйича тавсифлаш иқтисодий инқирозларга қарши дастурларни шакллантириша мамлакатимиз учун асосий йўналишларни аниқлаб олиш имконини беради.

5. Иқтисодий инқироз барча иқтисодий тизимларга хос ходиса бўлиб, унга муаллифлик таърифи шакллантирилганда инқирознинг келиб чиқиш сабаблари ва ижтимоий оқибатлари ҳисобга олинди ҳамда куйидагича муаллифлик таърифи берилди: иқтисодий инқироз – барча иқтисодий тизимларга хос бўлган ходиса бўлиб, асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ёмонлашуви билан содир бўладиган, маълум даврий оралиқда такрорланиб турадиган, технологик янгиланиш натижасида миллий иқтисодиётнинг таркибий силжишига олиб келадиган жарабёндир.

6. XIX-XXI асрларда содир бўлган инқирозларни ўрганиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини иқтисодий цикллар билан биргаликда тадқиқ этиш биринчи классик инқироз рўй берганидан бери иқтисодий инқирозлар тахминан ҳар 15-20 йил оралиқ билан такрорланиб турганлигини айтишимизга замин ҳозирлаиди.

7. XIX асрда содир бўлган инқирозларнинг аксарияти Англияда содир бўлган бўлиб, биринчи саноат инқиlobи рўй берганидан кейин саноат ишлаб чиқаришнинг йўлга кўйилганлиги, темир йўл тармогининг барпо этилиши ва текстиль саноатининг ривожланиши билан боғлиқдир. XX асрга келиб, Биринчи жаҳон урушидан кейин темир йўлларнинг курилиши, кон ва металлургия саноатларининг ривожланиши ва олтин қазиб олишнинг йўлга кўйилиши ҳамда автомобиль саноатининг гуллаб-яшнаши билан АҚШ иқтисодиёт марказига айланди. Натижада 1929 йилга келиб фонд биржасининг қулаши асосида “Буюк Депрессия” бошланди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Япония технологияларнинг ривожланиши ва менежментнинг янги стандартлари қўлланилиши оқибатида мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Кейинги молиявий инқирози айнан Япония иқтисодиёти билан боғлиқ бўлди. 2008 йилда содир бўлган глобал инқироз АҚШда био ва нано технологияларнинг ривожланиши, ген инженерияси ва энергия тежовчи технологияларнинг жорий қилиниши

ҳамда молия ва фонд бозорларининг ривожланиши фонида содир бўлди. Сўнги пайтларда Хитойнинг инновацион давлатта айланishi ва иқтисодиёти ҳар жиҳатдан ривожланиб, “қизиб кетишига” қарамасдан мамлакатда бозор иқтисодиётiga асосланган сиёсатнинг режали иқтисодиёт билан биргаликда амалга оширилиши мамлакатда инқироз содир бўлишининг олдини олмоқда.

8. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши дастурлар самарадорлиги ривожланган давлатлардан Японияда жуда юкори бўлган. Мамлакатда 2010 йилда ЯИМнинг 1 % ўсиши учун дастур доирасида 110,30 млрд. АҚШ доллари сарфланган. Ушбу кўрсаткич АҚШда 450,98 ва Хитойда 459,68 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб, бу мамлакатларда инқирозга қарши дастур самарадорлигини Японияга нисбатан 4 баробар паст бўлган. Россия ўтиш иқтисодиёти мамлакати бўлишига қарамасдан 2010 йилда 4,50 % кўшимча йиллик ўсишга эришиш учун 220 млрд. АҚШ доллари сарфлаб, таълил қилинаётган мамлакатлар орасида энг яхши натижани қайд этган. ЕИ мамлакатларида амалга оширилган инқирозга қарши дастурларнинг самарадорлиги ЯИМнинг 1 % ўсиши учун 1941 млрд. АҚШ доллари ёки Японияга нисбатан 17 марта кўп маблаг сарф этиши ҳисобига паст бўлган.

## II-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗЛАРГА ҚАРШИ ДАСТУРЛАР ТАХЛИЛИ

### 2.1. Глобал иқтисодий инқирозга карши чоралар ва уларнинг натижалари

Иқтисодий адабиётларда инқирозга қарши дастурлар яхлит ҳолда намоён бўлиши ўтган асрнинг 30-йиллари АҚШда Буюк Депрессиянинг содир бўлиши билан боғликдир. 1929 йилда Нью-Йоркда фонд биржасининг кулаши билан бошланган инқироз авж олиб глобал инқирозга айланаб кетади.

АҚШнинг 32-президенти Ф.Рузвелт томонидан ишлаб чиқилиб, амалга оширилган “Янги курс” (New Deal) иқтисодий дастури Буюк Депрессиянинг оқибатларини юмшатиш, талофатларини камайтириш ва иқтисодиётни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу дастурнинг асосий мазмуни умум ишлаб чиқариш жараёнини давлат томонидан тартибга солишдан иборат эди<sup>68</sup>.

“Янги курс” дастурининг энг аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу инқироз рўй берган давргача “классик” иқтисодчилар томонидан билдирилган “иш ҳақи миқдорининг ортиши ва ишсизлик даражасининг камайиши орқали ўрта ва узоқ муддатли даврда фойда миқдори ўсади” тарзидаги концепциянинг амалда ўзини оқламаслигини кўрсатиб берди. Амалиётда мазкур ёндашув давлат иқтисодиётнинг асосий тартибга солувчиси сифатида фискал сиёсати орқали миллий даромадни қайта тақсимлаб, тадбиркорнинг даромадини ўсиши воситасида иқтисодий ривожланишини таъминлаши ва инқироздан чиқиш мумкин эканлигини исботлаб берди. Кейинчалик, 1936 йилда мазкур тажриба олдинги бобда кўриб чиққанимиздек, Ж.Кейнс томонидан концепция кўринишига олиб келинди.

Шунингдек, 1929 йилда кузатилган Буюк Депрессияда молиявий секторнинг фонд бозорида реал борликдан узилиб қолиши натижасида молиявий инқирозларга кенгрок ва чукурроқ эътибор берила бошланди.

Ўтган асрнинг 30-йилларидан кейин кўлами ва таъсир доираси жиҳатидан жаҳон иқтисодиётига жуда катта зарар келтирган инқироз 1997 йилда Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида содир бўлди. Тахлилларнинг кўрсатишича, ушбу минтақавий молия инқирозининг асосий сабабчилари Осиё банклари, мамлакатлари ҳукумати ва бошқа чет эл банклари ҳисобланади.

Осиё банклари томонидан қарз олувларнинг тўлов қобилияти етарлича ўрганилмасдан лойиҳаларнинг молиялаштирилиши оқибатида банкларда кредитлаш ҳажми ошиб кетади.

<sup>68</sup> Бор М.З. История мировой экономики. – М.: Дело и сервис, 2000. – С. 54-77.

## *Иқтисодий инқизорзларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишининг устувор йўналишилари*

Масалага янада батафсилроқ ёндашадиган бўлсак, оммавий кредитлаш жараёнининг авж олишига куйдагилар замин ҳозирлаган:

Биринчидан, маҳаллий банкларниң риск даражаси тўлалигача баҳоланмаганлиги. Банклар томонидан риск даражасини баҳолаш фундаментал кўрсаткичлар асосида амалга оширилган, табиийки бу омил қарз олувчилярниң келажакдаги тўлов қобилияти олдиндан тўлиқ прогноз килиш имкониятини бермаган;

Иккинчидан, банклар фаолиятининг либераллаштирилиши. Ўтган асрнинг охири ва XXI асрнинг бошида Осиё банклари фаолиятининг бирданига либераллаштирилиши натижасида банклар ислоҳотлар жараёнига тез фурсатларда мослаша олмайдилар. Фаолиятининг эркинлаштирилиши банклар ўртасидаги рақобатни кучайтиради ва улар бозордаги ўз улушларини кенгайтириш, фойда микдорини ошириш учун янги молиявий инструментлардан фойдаланишга мажбур бўладилар. Самарадорлиги паст бўлган банклар давлат кафолати остида фаолият юрита бошлайди;

Учинчидан, банкларда давлат ёрдамидан фойдаланишга ишончнинг мавжудлиги. Банклар фаолиятида хукуматдан мустақил бўлмаганлиги сабабли, хукумат кўрсатмаси билан рентабеллиги паст бўлган, бозордаги улуши кам бўлган секторларни кредитлаш стратегиясига асосан оммавий кредитлаш жараёнини амалга оширадилар. Корхоналар ўз облигацияларини чиқариш ҳисобига қарз маблағларини таъсаруф эта олмайдилар ва оқибатда инвесторлар ҳам фақатгина банк кредити ҳисобига қарз олишига мажбур бўладилар. Банклар бўлса, бу кредитлаш эвазига хукуматдан оғир шароитларда ёрдам олишига ишонадилар;

Тўртнинчидан, кредитлашнинг паст ставкалари белгиланганлиги. Кредит ставкаларининг паст даражада ушлаб турилиши кредит жозибадорлигини оширади ва банк кредитидан фойдаланадиган корхоналар сони ошади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, банк секторининг либераллаштирилиши соҳани диверсификациялашни устувор вазифа сифатида белгиланишига олиб келади. Натижада жорий фаолиятда соҳанинг диверсификациялашмаганлиги натижаси ҳисобланган узок муддатли кимматли қоғозлар бозорининг тўлиқ шаклланмаганлиги шароитида банклар ўзлари берган қисқа муддатли кредитларни қоплаши учун чет эл банкларидан қисқа муддатли кредитлар олишади ва бу кредитлар узок муддатли кредитларни қоплаш учун йўналтирилади. Натижада мазкур кредит воситаларининг муддати билан қайта молиялаштирилиши ўртасида тафовут юзага келади. Банклар бу шароитида сузиб юрувчи кредит ставкаларини амалда қўллай бошлашади. Ставкаларнинг ошиб кетиши кредит олувчилярниң тўлов қобилиятининг йўқолишига олиб келади.

1990 йилда дунёning энг йирик 10 та банкидан 5 таси Япониядаги жойлашганлиги сабабли, минтақавий молия инқизоризидан Япония катта

талофат кўради. 1999 йилга келиб япон банкларининг расман тан олинган “муаммоли” кредитлари ҳажми 1 трлн. АҚШ долларини ёки мамлакат ЯИМнинг 30 % ини ташкил этади, ЯИМ 1996 йилда 5 % га, 1997 йилда 1,6 % га ўсгани холда, 1998 йил якуни бўйича 2,5 % га камаяди<sup>69</sup>.

Инқироз натижасида япон молия институтлари акцияларининг нархлари тушиб кетди. Натижада чет эл банкларидан кредитлар олиш учун фоиз ставкаларни ошириш бошланди.

Инқирозга қарши дастур доирасида Япония парламенти 30 трлн. иен (ўша пайтдаги курс бўйича 215 млрд. АҚШ доллар) миқдорида маблағ ажратиш ҳусусида қонун қабул қиласди. 1998 йил ноябрь ойига келиб мамлакат банкларини кутқариш учун ЯИМнинг 12 % и миқдоригача бўлган маблағ ажратилиди<sup>70</sup>. Давлатнинг инвестициялаш миқдори оширилди, солик ставкалари камайтирилди. Дастурни амалга ошириш учун Молия тизимини қайти тикилаш қўмитаси (МТҚТК) ташкил қиласди.

Банклар соғломлаштириш қоидаларига риоя қилмаган ҳолатларида давлат мазкур имтиёзли акция ёки облигацияларни кейинчалик оддий акцияни конвертация қилиш хуқуқи билан сотиб олиб, дастур доирасида чора-тадбирларни амалга ошириди. Молия вазирлигининг ташаббуси ва назорати остида давлат активларини кўшиш орқали молия институтларини бирлаштириш чоралари кўрилди.

Япония кредит банки ва Япония узок муддатли кредит банклари вақтингчалик миллийлаштирилди. 1999 йилда Американинг Ripplewood Holdings компанияси Япония узок муддатли кредитлар банкни сотиб олади.

Шу йилнинг ўзида Япония банки ликвидликни ошириш учун давлат облигацияларини сотиб олиш, репо операцияларида қабул қилинувчи кимматли қозозлар турларини кўпайтириш каби чораларни амалга ошириди.

Ушбу минтақавий молия инқирозининг келиб чиқиши сабабларини таълил қиласди эканмиз, инқирознинг келиб чиқишига молия секторидаги муаммолар, аникрофи, “кўпиклар” сабаб бўлганини кўришимиз мумкин. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, “кўпиклар” бирданнага эмас, балки бир неча йиллар давомида пишиб етилган. Япония молия ва банк секторида “кўпик”ларнинг авж олиши ва инқироз келиб чиқишига сабаб бўлишини кўйидаги кетма кетлиқда кўришимиз мумкин.

Япония иқтисодиётида кўпикларнинг пайдо бўлиши ва инқироз жараёйларининг кечиши 1-иловада батафсил келтирилган.

Японияда инқирозга қарши молиявий соғломлаштириш чоралари амалга оширилишининг муҳим жиҳати шунда эдики, бунда молия сектори тўлиқ ислоҳ қилинади, лекин курилиш ва савдо каби реал секторнинг асосий контрагентлари фаолияти ислоҳ этилмайди. “Sony” ва “Toyota” каби асосий

<sup>69</sup> Ивантер А. Япония: Гримасы бума Хейсей // Эксперт. № 48, 2007, www.cfin.ru.

<sup>70</sup> Ивантер А. Япония: Гримасы бума Хейсей // Эксперт. № 48, 2007, www.cfin.ru.

## *Иқтисодий инқиrozларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишининг устувор йўналишлари*

экспортёр компаниялар япон банкларининг мижозлари бўлмаганлиги сабаби чет элда кредитлаш фаолиятини амалга оширади ва глобал капитал бозорида маблағларни таъсарруф этади. Соғломлаштириш дастурида бу каби компаниялар ҳам тўлик ислоҳ этилмаган. Асосий қарз олувчиларнинг барчаси тўлик молиявий соғломлаштирилганда дастур муваффакиятли амалга оширилган, деб айта олардик.

Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида содир бўлган молия инқиrozидан катта зарар кўрган яна бир гуруҳ мамлакатлар борки, бу мамлакатлар Халқаро валюта жамгармасининг ёрдам дастурлари асосида ўз иқтисодиётларини тиклаб олдилар. Булар Индонезия, Корея ва Таиланд. Бу мамлакатларда инқиroz даврида кузатилган молия ташкилотлари портфелидаги муаммолар, молиявий ва корпоратив тизимлардаги етишмовчиликлар асосан қўйидаги омиллар билан боғлик:

– чет эл валютасида хеджирланмаган қарз маблағларининг кредит сифатида олиниши. Бу миллий валюта курси пасайганда маҳаллий компанияларда катта йўқотиш хавфини вужудга келтирди;

– қисқа муддатли ташқи қарзлар, кўчмас мулк нархи ва акция курсларининг сунъий равишда оширилиши натижасида рискли инвестицияларга фавқулодда боғликларнинг юзага келиши.

Айниқса, бу омиллар молия тизимининг либераллаштирилиши, катта миқдорда капитал оқими ва ички кредитлар ҳажмининг ортиши билан вазиятни янада муракаблаштириди. Натижада молия бозорини ўнглаш учун қилинган чора-тадбирлар натижасида миллий валюта курси пасайди, тўловга қобилиятсизлик вужудга келди ва мамлакатдан капитал оқими ташқарига йўналди.

Индонезия, Корея ва Таиландда ХВЖнинг кўмагида амалга оширилган инқиrozга қарши дастур 4 та асосий қисмдан иборат<sup>71</sup>:

Молиялаштириш. Дастур доирасида мамлакатдан хусусий капитал чиқиб кетишини олдини олиш мақсадида ушбу учта мамлакатга дастлаб 35 млрд. АҚШ доллар, кейинчалик бошқа манбалар ҳисобидан 85 млрд. АҚШ доллар маблағ ажратилди;

Макроиктисодий сиёсат. Валюта курси ва инфляция билан боғлик муаммоларни бартараф қилиш мақсадида тизимли пул-кредит сиёсати амалга оширилди;

Таркибий ислоҳотлар. Молия ва корпоратив сектордаги етишмовчиликларни бартараф қилиш, инқиrozнинг ижтимоий оқибатларини юмшатиш ва иқтисодий ўсишга замин ҳозирлаш учун таркибий ислоҳотлар ўтказилди. Таркибий ислоҳотлар доирасида тўлов қобилиятига эга бўлмаган молия институтлари тутатилди, келажакда ўзини ўнглай оладиган молия ташкилотлари давлатнинг кўмагида қайта капитализация қилинди, кучсиз

<sup>71</sup> Халқаро валюта жамгармасининг расмий сайти ([www.imf.org](http://www.imf.org)) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

молия муассасалари Марказий банклар томонидан қатъий назоратга олинди, молиявий назоратни жаҳон стандартлари талабларига олиб чиқиш ва келажакда янги инқирозлар рўй беришини олдини олиш мақсадида молиявий назорат ва тартибга солиш фаолияти мустаҳкамланди. Молия институтларига бўлган ишончни тиклаш мақсадида корпоратив қарздорлик тубдан ислоҳ этилди. Молия, корпоратив ва давлат сектори корхоналарининг шаффоғлигини ва бозорлар самарадорлигини ошириш ҳамда ракобатни кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Ижтимоий химоя. Аҳолининг кам таъминланган ва инқироз талофатларидан азият чеккан қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида асосий истеъмол товарларига давлат дотациялари ажратилди.

ХФЖ Ижроия кенгашининг 1997 йил 20 августдаги қарорига асосан Таиландга дастур доирасида 4 млрд. АҚШ доллар ажратиш маъқулланди. Бундан ташқари, икки ва кўп томонлама ҳамкорлик хужжатларига асосан яна 17,2 млрд. АҚШ доллар маблағ ажратиш кўзда тутилди. Амалда Таиланд хукумати томонидан ҳаммаси бўлиб 14,1 млрд. АҚШ доллар маблағ ўзлаштирилди<sup>72</sup>.

Дастур доирасида Таиланд хукумати томонидан қўйидаги ишлар амалга оширилди:

- миллий валютанинг тартибга солинган сузуб юрувчи курсини рағбатлантирувчи пул-кредит сиёсати амалга оширилди;
- 56 та банкротлик ҳолатидаги молия муассасалари ёпилди, ночор ахволдаги молия ташкилотларида ислоҳотлар ўтказишига имконият яратилди;
- молия секторини қайта ташкил қилиш ва жорий операциялар счётини яхшилашга маблағ ажратиш учун бюджет ҳаражатлари камайтирилди;
- мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг ролини оширишга қаратилган чоралар кўрилди;
- чет эл капитали кириб келишини кўллаб-куватловчи иқтисод сиёсат юритилди;
- иқтисодий пасайиш даврида аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиши тадбирлари кўрилди.

Иқтисодиётга давлат аралашувининг кучайиши ҳамда банклар ва конгломератлар ўртасидаги жуда яқин алоқалар натижасида XX асрнинг сўнгига саноати ривожланган Кореяда молия тизимида муаммолар кузатила бошлади. Инқироз натижасида Кореяга нисбатан ишончсизлик кучайиб кетади, натижада мамлакат олтин-валюта заҳираларини сезиларли қисмини сарфлашга мажбур бўлади.

<sup>72</sup> Халқаро валюта жамғармасининг расмий сайти ([www.imf.org](http://www.imf.org)) мъалумотлари (июнь, 2000 йил).

Инқирозга қарши дастур доирасида 1997-1999 йиллар давомида ХВЖ томонидан 21 млрд.АҚШ доллар маблағ ажратилди<sup>73</sup>.

Кореянинг инқироз талофатларини бартараф этиш ва оқибатларини юмшатишга қаратилган дастури икки қисмдан иборат бўлиб, булар макроқитисодий чоралар ва таркибий ислоҳотлардан иборат эди. Дастурнинг бошқа давлатларда амалга оширилган инқирозга қарши чоралардан энг асосий фарқи унинг, аввало, Кореяга нисбатан ишончни тиклашга қаратилганинига эди. Дастур доирасида вон курсини мўътадиллаштириш ва инфляцияни олдини олишга қаратилган қисқа муддатли фоиз ставкаларини ошириш амалиёти ўтказилди, узок вакт давомида кузатилаётган турғунликни бартараф этиш учун экспансион бюджет курси қабул килинди.

Жамоат ишлари, вақтнинчалик ҳимоя воситалари каби элементлар орқали ишсизларга моддий ёрдам суммалари ажратилди, ишсизлик сугуртаси йўлга кўйилди.

Таркибий ислоҳотлар доирасида капитал счёtlарни либераллаштириш, молия ва корпоратив секторни реструктризациялаш, меҳнат бозорини тартибга солиш ва ҳисобот бериш механизмини сифат даражасини ошириш каби тадбирлар амалга оширилди. Энг сўнги жаҳон тажрибаси асосида молиявий назоратни кучайтиришнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш, банкларни қайта капитализация қилиш ва истиқболсиз молия ташкилотларини тутатиш каби чоралар кўрилди.

Соф рақобат мухитини ривожлантириш ва бошқарув тизимини яхшилаш орқали корхоналарни қайта ислоҳ этишга алоҳида эътибор қартилди.

Индонезияда молия секторида таркибий ислоҳотларнинг амалга оширилмаганилиги ва хусусий секторнинг қисқа муддатли ташки қарз маблағлари ҳажмининг юқорилиги минтақавий молия инқирози даврида вазиятни янада оғирлаштириди. 1997 йилда Индонезия хукумати ХВЖ билан 3 йил муддатга 10 млрд. АҚШ долларларлик “стэнд-бай” битимини тузди ва инқироз натижасида бу сумма 1998 йилда яна 1,4 млрд. АҚШ долларга оширилди. Бундан ташқари, инқирозга қарши дастур доирасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик битимларига асосан бошқа манбалардан 26 млрд. АҚШ доллар маблағ жалб қилиш тўғрисида келишувга эришадилар<sup>74</sup>. Дастур доирасида 16 та тўлов қобилиятига эга бўлмаган банклар ёпилади. Инқироз даврида мамлакатда кузатилган президентлик сайловлари билан боғлик сиёсий муаммолар вазиятни янада оғирлаштиради. Озиқ-овқат маҳсулотларига субсидиялар ва уларни тақсимлаш тизими мустаҳкамланади. Бошқарувни такомиллаштириш, банкротликни тартибга солиш ва хусусийлаштириш жараёнларининг самарали тизими ва корпорацияларни реструктризациялаш билан банк тизимини ислоҳ этишга эътибор берилади.

<sup>73</sup> Халқаро валюта жамғармасининг расмий сайти ([www.imf.org](http://www.imf.org)) маълумотлари (июнь, 2000 йил).

<sup>74</sup> Халқаро валюта жамғармасининг расмий сайти ([www.imf.org](http://www.imf.org)) маълумотлари.

Амалга оширилган дастурлар натижасида ушбу мамлакатларнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари қўйидагича кўриниш олди (2.1-жадвал).

2.1-жадвал маълумотлари Таиландда 1997 ва 1998 йилларда мамлакат ЯИМ салбий кўриниш олган бўлишига қарамасдан, 1999 йилдан бошлаб 4 % дан юқори ўсиш суръатлари қайд қилинганинги кўрсатади. Шуниси аҳамиятлики, инқирозга қарши дастур доирасида чет эл мамлакатлари ва ташкилотларидан қарз маблағлари олинишига қарамасдан мазкур йиллар давомида узоқ муддатли ташқи қарз маблағларини камайтирилишига эришилган.

#### 2.1-жадвал.

**Таиланд, Корея ва Индонезиянинг асосий макроиқтисодий  
кўрсаткичлари, 1996-2000 йиллар<sup>75</sup>**

Мамлакат	Кўреаткич номи	1996	1997	1998	1999	2000
Таиланд	Реал ЯИМ, % да	5,65	- 2,75	- 7,63	4,57	4,45
	Жорий операциялар счёти сальдоси, ЯИМга нисбатан % да	-8,03	-2,01	12,53	9,81	7,37
	Ташки қарз, млрд. АҚШ доллар	112,88	109,73	104,94	96,90	79,83
Корея	Реал ЯИМ, % да	7,59	5,92	- 5,47	11,31	8,92
	Жорий операциялар счёти сальдоси, ЯИМга нисбатан % да	-4,09	-1,94	10,72	4,49	1,81
	Ташки қарз, млрд. АҚШ доллар	164,4	158,1	148,7	маълумотлар келтирилмаган	
Индонезия	Реал ЯИМ, % да	7,82	4,70	-13,13	0,79	4,92
	Жорий операциялар счёти сальдоси, ЯИМга нисбатан % да	-3,37	-2,27	4,29	4,13	4,84
	Ташки қарз, млрд. АҚШ доллар	129,0	136,34	151,48	151,81	144,05

Жорий операциялар счётида ҳам 1998 йилдан ижобий кўрсаткичини қайд этган. Кореяда вазият 1998 йилда мураккаб кечган, лекин тўғри танланган дастур ёрдамида тез орада макроиқтисодий кўрсаткичлар яхшиланган. Ушбу йиллар давомида ташқи қарзи ҳам қисман камайган.

<sup>75</sup> World Bank. Current Account Balance.

<https://data.worldbank.org/indicator/BN.CAB.XOKA.GD.ZS?locations=TH>;

<https://data.worldbank.org/indicator/BN.CAB.XOKA.GD.ZS?locations=KR>;

<https://data.worldbank.org/indicator/BN.CAB.XOKA.GD.ZS?locations=ID>. (09.04.2020); World Bank. External debt stocks, total (DOD, current US\$). <https://data.worldbank.org/indicator/DT.DOD.DECT.CD?locations=ID,TH>. (09.04.2020); World Bank. GDP growth (annual %).

<https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.KD.ZG?view=chart>. (09.04.2020); IMF. Подъём после азиатского кризиса и роль МВФ. <https://www.imf.org/external/np/exr/ib/2000/rus/062300r.htm#box2>. (апрель 2020 й.)

***Иқтисодий инқизорларга қарши дастурлар самараадорлигини  
оширишининг устувор йўналишлари***

Индонезияда мамлакатнинг узоқ муддатли ташки қарз маблағларининг юкори суръатлари сакланиб қолган бўлиб, бу мамлакатдаги сиёсий вазият билан боғлиқдир. Мамлакат ЯИМ 1998 йилда салбий натижани қайд этган бўлиб, кейинчалик иқтисодий ўсиш кузатила бошланган.

2008 йилда содир бўлган жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорига қарши дастлабки дастур АҚШда ишлаб чиқилиб, амалга оширилди (2.2-жадвал).

**2.2-жадвал.**

**“Американи тиклаш ва реинвестициялаш режаси” бўйича сарфланиши  
белгиланган ҳаражатлар ва кутилган натижалар<sup>76</sup>**

№	Маблаг ажратилган йўналишлар	Маблаг, млрд. АҚШ доллар	Кутилган натижка
1.	Солиқ юкини камайтириш, штатлар ва маҳаллий ҳокимият органларини солиқлардан озод килиш	432	129 млн. иш билан банд уй хўжаликларини ҳар биринга 800 доллар микдорида маблаг ажратиш, 3 млн. ишчи ўрнини яратиш ва саклаб қолиш
2.	Соғлиқни саклаш тизимини кўллаб-куватлаш	59	Соғлиқни саклаш тизимини модернизациялаш
3.	Энергетика соҳасини кўллаб-куватлаш	43	Муқобил манбалар ҳисобидан энергия ишлаб чиқариши йўлга кўйиш ва унинг ҳажмини ҳар уч йилда иккى баробар ошириш
4.	Инфратузилма, фан, ижтимоий ҳимоя ва маорифни кўллаб-куватлаш	253	Федерал мулк ҳисобланган мактаблар ва хусусий уйларни 75 % ини қайта таъмирлаш, 7 млн. талаба учун грант тизимида ўқиши молиялаштиришни амалга ошириш, ўқиш тўловлари солигини пасайтириш, йўллар, кўприклар, дамбалар, жамоат транспорт тизими, темир йўл ва аэропортлар куриш ва таъмирлаш
Жами сарфланадиган маблаг			787 млрд. АҚШ доллари

Дастурнинг биринчи кисми солиқ юкини камайтириш, штатлар ва маҳаллий ҳокимият органларини солиқлардан озод этишини назарда тутиб, бу тадбирлар учун жами 432 млрд. АҚШ доллар маблаг ажратилган.

Режанинг иккинчи кисми инфратузилма, фан, соғлиқни саклаш, маориф, ижтимоий ҳимоя ва энергетика соҳаларини кўллаб-куватлашни назарда тутиб, 355 млрд. АҚШ доллар маблаг сарфлаш белгиланган эди.

<sup>76</sup> [www.recovery.gov](http://www.recovery.gov) веб сайтини маълумотлари асосида: American Recovery and Reinvestment Act of 2009, USA муаллиф томонидан тузилган.

“Обама режаси”га мувофиқ молиявий тизимни ислоҳ этиш учун 825 млрд. АҚШ доллар маблағ ажратиш назарда тутилган эди<sup>77</sup>.

АҚШда инқирозга қарши дастурларнинг иккинчи қисми доирасида “Иқтисодий барқарорлик тӯғрисида”ги фавқулодда Қонунга мувофиқ 700 млрд. АҚШ доллар, “Американи тикилаш ва реинвестициялаш режаси”га мувофиқ 787 млрд. АҚШ доллар ва “Обама режаси”га мувофиқ 825 млрд. АҚШ доллар ҳаммаси бўлиб, 2008-2010 йилларда 2,3 трлн. АҚШ доллар маблағ сарфланган бўлиб, бу 2010 йилдаги АҚШ ЯИМнинг 15,3 % ини ташкил қиласди (14,99 трлн. АҚШ доллар).<sup>78</sup>

Япония ҳукумати томонидан 2008 йилнинг ўзида 75 трлн. иенага тенг учта дастур ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинди. Дастур молия тизимини қўллаб-куватлаш, ижтимоий ҳимоя ва инфратузилмани яхшилаш тадбирларини ўз ичига олган<sup>79</sup>.

2009 йилда навбатдаги 4-инқирозга карши чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Инқирозга қарши дастурлар доирасида Японияда жами 1,06 трлн. АҚШ доллар ёки мамлакат 2010 йилдаги ЯИМнинг 18,6 % и миқдорида маблағ сарфланган<sup>80</sup> (2-илова).

Японияда инфляция даражаси бошқа мамлакатларга қараганда анча паст эканлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози пайтида мамлакатнинг жиддий зарар кўришига олиб келди. 2008 йилнинг охирига келиб мамлакатда хом ашё нархларининг ўсиши кузатилди. Инқирознинг илк салбий оқибатларини бартараф килиш учун Япония ҳукумати иена ревалвациясини ўтказди. Натижা ҳукумат ўйлагандан бошқачароқ тарзда якун топди. Ревалвация натижасида хом ашё, озиқ-овқат ва ёқилғи каби ресурслар нархлари ўсишининг олди олинди, лекин экспорт ҳажмини оширишнинг имкони бўлмади. Чунки жаҳон бозорида талаб тобора пасаймоқда эди.

Мамлакат экспорт товарлари таркибини таҳлил қиласиган бўлсан, асосий маҳсулотлар машинасозлик ва электротехника асбоб-усқуналаридан иборат эканлигини кўрамиз. Инқироз пайтида юқоридаги каби узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотларга талаб бутун дунёда кисқарган эди.

Инқироз даврида мамлакатда ишсизлик даражаси 2008 йилдаги 4,0 % дан 2009 йилда 5,1 % га етади. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 2009 йилда 8,0 % атрофида бўлишига қарамасдан Япония учун 2008 йилга нисбатан 127,5 % лик ўсиши жуда катта ўзгариш ҳисобланади<sup>81</sup>. Бундай

<sup>77</sup> [www.recovery.gov](http://www.recovery.gov) веб сайти маълумотлари асосида: American Recovery and Reinvestment Act of 2009, USA муаллиф томонидан тузилган.

<sup>78</sup> <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?locations=US>

<sup>79</sup> [www.boj.or.jp](http://www.boj.or.jp) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>80</sup> Жаҳон банки маълумотлари.

[https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?cnd=2010&locations=JP&start=1960&year\\_high\\_desc=true](https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?cnd=2010&locations=JP&start=1960&year_high_desc=true)

<sup>81</sup> World Economic Outlook 2010, April. IMF. - P. 65.

шароитда япон фирма ва компаниялари давлатнинг бандликни сақлаб қолиш учун ажратган мақсадли субсидиялари хисобига ишчиларни иш ўрниларида сақлаб қолдилар.

Япония ЯИМда экспорт ҳажмининг салмоқли ўрин эгаллаши мамлакат учун яна битта муаммоли вазиятни келтириб чиқарди. Инқироз натижасида экспорт қилувчи компаниялар фойдасининг камайиши ва уларнинг чет эллардаги ваколатхоналаридағи тушумнинг пасайиши Никкей 225 индексининг 2009 йилнинг апрель ойида 2008 йилнинг мос даврига нисбатан 6840 пунктта пасайиб кетишига олиб келди<sup>82</sup>. Бу ҳодиса асосан япон компаниялари акцияларига эгалик қилувчи чет эллик инвесторларнинг инқироз бошланиши билан ўз акцияларини сотишни бошлашлари тарзида содир бўлди.

“Синъхуа” ахборот агентлигининг маълумотларига кўра, Хитойда инқирозга қарши Дастан доирасида 4 трлн.юан (586 млрд.АҚШ доллар) кийматидаги маблағ ажратилди<sup>83</sup> (3-илова).

Хитойда дастур доирасида энг кўп маблағ темир йўллар, аэропортлар ва автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилгани бежизга эмас. Чунки учинчи минг йиллик бошида Хитой ҳукумати олдида турган асосий вазифалардан бири миллий иқтисодиётнинг тарқоқ элементларини бирлаштиришдан, яъни миллий инфратузилмани яхшилашдан иборат эди. Ҳудди шу каби муаммога АҚШ XIX асрнинг охирида дуч келган эди. Масалан, олдинлари Шанхайдан юк ортилган контейнерни АҚШнинг Сиэтл шаҳрига етказиб бериш, ҳудди шу контейнерни Шанхайдан Чунцинга етказиб беришдан кўра камроқ вақт олар эди. Ҳозирда провинцияларни бири-бири билан боғлайдиган автомагистраллар, темир йўл ва авиа йўналишларнинг оптималлаштирилиши натижасида мазкур муаммо ўз ечимини топмокда. Мамлакатда фойдаланишдаги темир йўллар узунлиги 2005 йилда 75 438 км.ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йилда 112 000 км.га етган, автомобиль йўллари узунлиги 2004 йилда 1 870 661 км. бўлган бўлса, 2014 йилга келиб бу рақам 4 464 000 км.дан иборат бўлган<sup>84</sup>.

Хитойда инқирозга қарши дастур доирасида амалга оширилган тадбирлардан қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

Бозорларни барқарорлаштириш мақсадида 2015 йилнинг 1 июнидан эътиборан қиммат баҳо косметика воситалари, Европа давлатларида ишлаб чиқарилган кийим-бошлар ва шу каби бошқа маҳсулотлар учун импорт тарифи пасайтирилди.

<sup>82</sup> Токио фонд биржасининг [www.jpx.co.jp](http://www.jpx.co.jp) расмий сайти маълумотлари.

<sup>83</sup> [www.xinhuanet.com/cn/16/04/2009.html](http://www.xinhuanet.com/cn/16/04/2009.html).

<sup>84</sup> Все страны и территории мира: Новый географический справочник ЦРУ. – Екатеринбург: У - Фактория; М.: АСТ МОСКВА, 2009. – 299 с.

БРИКС. Совместная статистическая публикация. 2015, Бразилия, Россия, Индия, Китай, ЮАР/ Росстат. – М: ИИЦ «Статистика России», 2015. 15 с.

Фоиз ставкаларни пасайтириш билан бирга банкларга ўз депозитларини молиявий ресурсларидан ва имкониятларидан келиб чишиб 1,5 баробаргача оширишга рухсат берилди. Бунда мамлакат Марказий банки кредит ва депозитлар учун фоиз ставкасини 0,25 процент пунктга (п.п.) пасайтириши муҳим аҳамият касб этди<sup>85</sup>. 2008 йилнинг учинчи чорагида базавий фоиз ставкаси беш баробарга, тижорат банкларининг депозит операциялари бўйича мажбурий заҳира талаблари эса 16 фоиздан 15,5 фоизгача пасайтирилди. Кредит хажмини ошириш мақсадида нотижорат кредитлаш билан шуғулланувчи Хитой ривожланиш банки, Хитой экспорт-импорт банки ва Хитой қишлоқ хўжалигини ривожлантириш банклари томонидан 15 млрд. АҚШ доллар атрофида кўшимча молиявий маблағлар жалб қилинди<sup>86</sup>.

Мажбурий заҳира нормаларини камайтириш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида 2015 йил 5 апрелдан қишлоқ хўжалиги соҳасида кредитлашни янада рағбатлантириш мақсадида қишлоқ хўжалиги банкларида заҳира воситалар нормаси 4 п.п.га, бошқа банкларда 0,5 п.п.га пасайтирилди. Бу сайд-харакатлар кредит муомаласига яна 1 млрд. АҚШ доллари микдорида пул массаси кириб келишига имконият яратди<sup>87</sup>. Ушбу чора-тадбирлардан кўзланган асосий мақсад тадбиркорлик субъектларига кредитлар микдорини ошириш орқали инқирозни бартараф этишда тадбиркорлик фаолиятининг муносиб ўрнини таъминлашдан иборат эди.

### 2.3-жадвал.

#### Ривожланган давлатлар, Хитой ва жаҳон ЯИМнинг 2006-2010 йилларда ўзгариш тенденцияси<sup>88</sup>, % да

Т.р.	Мамлакатлар	2006	2007	2008	2009	2010
1.	АҚШ	2,86	1,88	-0,14	-2,54	2,56
2.	ЕИ	3,39	3,05	0,52	-4,32	2,17
3.	Япония	1,42	1,65	-1,09	-5,42	4,19
4.	Хитой	12,72	14,23	9,65	9,40	10,64
5.	Россия	8,20	8,50	5,20	-7,80	4,50
6.	Жаҳон	4,38	4,32	1,85	-1,68	4,30

<sup>85</sup> PBC Decides to Cut RMB Benchmark Loan and Deposit Interest Rates and Expand Deposit Interest Rate Floating Range. //www.pbc.gov.cn (27.07.2015).

<sup>86</sup> National Bureau of Statistics of China, Statistical Communique on the 2013 National Economic and Social Development; www.stats.gov.cn/english.

<sup>87</sup> Михеев В., Луконин С., Чже С. Многовариантность: Большой стратегический ответ Си Цзиньпина //Мировая экономика и международные отношения, 2015, № 12, с. 5-14.

<sup>88</sup> The World Bank. GDP growth (annual %).

<https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.KD.ZG?view=chart>. (09.04.2020)

## *Иқтисодий инқирозларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишининг устувор йўналишилари*

---

Хитойда инқирозга қарши дастур доирасида амалга оширилган чоратадбирлар натижасида иқтисодий ўсиш суръатлари яна ўси (2,3-жадвал).

2,3-жадвал маълумотларидан маълум бўлишича, 2008 йилда дунё ЯИМи 1,85 %га, Россияяда 5,20 %, ЕИда 0,52 % АҚШ ва Японияда ЯИМ салбий кўрсаткичга эга бўлган бир пайтда Хитойнинг ЯИМи 9,65 % га ўсан, 2009 йилда Хитойнинг қўшимча йиллик ўсиши 9,40 %, 2008 йилга нисбатан 0,3 % га камайган. Жаҳон ЯИМ 2009 йилда 1,7 фоизга камайган, 2008 йилга нисбатан пасайиш 3,6 % га тенг бўлган.

Кейинги йилларда таҳлил қилинаётган барча мамлакатларда ва жаҳонда иқтисодий ўсиш кузатилган. Хитой, Япония ва Россия 2010 йил якунларига кўра барқарор ўсиш суръатларини намоён этган. 2010 йил якунларига кўра факатгина Японияда ўсиш суръатлари инқироздан олдинги даврдан ҳам яхши бўлган. Қолган мамлакатлар 2006 йилдаги қўшимча йиллик ўсиш суръатларига эриша олмаганлар.

## 2.2. Инқирозга қарши миллий дастурларнинг иқтисодиётни циклик ривожланишига таъсири

Жаҳон амалиётида ўтмишда бир неча маротаба содир бўлган инқирозларнинг илмий таҳлиллари ва улар асосида чиқарилган хулосалар ҳамда мавжуд вазият 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари чукурлашиб кетмасидан инқирозга қарши чоралар дастурларини ишлаб чиқишга имконият яратди.

Ривожланган мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Европа иттифоқи мамлакатлари ва Японияда инқирозга қарши чоралар дастурлари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Бу мамлакатлардаги инқирозга қарши чоралар дастурлари доирасида амалга оширилган тадбирларнинг бошқалардан фарқи шундаки, ривожланган мамлакатларнинг инқирозга қарши дастурлари икки қисмдан ташкил топган. Биринчи қисми, банк тизимидағи ликвидлик муаммолини бартараф этиш мақсадида Марказий банклар томонидан амалга ошириладиган, қайта молиялаш ставкаларини пасайтиришга қаратилган “миқдорий юмшатиш (Quantitative Easing, QE)” деб номланган чоратадбирлар дастуридан иборат. Иккинчи қисми, мамлакатда инқирозни олдини олишга қаратилган Дастурдан ташкил топган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози натижасида ҳажми камайган хусусий инвестицияларнинг ўрнини коплаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш мақсадида АҚШ ҳукумати “миқдорий юмшатиш” пул-кредит сиёсатини амалга ошириди.

2008 йилнинг ноябрь ойида АҚШда “миқдорий юмшатиш №1” дастури доирасида 600 млрд. АҚШ долларлик ипотека қимматли қофозлари сотиб олинди<sup>89</sup>. 2010 йилнинг ноябридан 2011 йил июни ойигача “миқдорий юмшатиш №2” дастури доирасида 770 млрд. АҚШ долларлик маблаг Федерал заҳира тизими томонидан мамлакат иқтисодиётига киритилган. Мазкур иккинчи босқичда молия бозорларида амалга оширилган ипотека ва газначилик қимматли қофозларини сотиб олиш дастури доирасида Федерал заҳира тизими 2006 йилдаги 800 млрд. АҚШ доллар миқдоридаги ўз балансини 2011 йилда 2 919 трлн. АҚШ долларгача кўпайтиришга мувваффақ бўлган<sup>90</sup>. Шунингдек, 2012 йил 13 сентябрда “миқдорий юмшатиш №3” дастури доирасида Федерал заҳира тизими ҳар ойда 40 млрд. АҚШ долларлик ипотека қимматли қофозларини сотиб олишини маълум қилди. Амалга оширилган “миқдорий юмшатиш” тадбирлари натижасида АҚШда

<sup>89</sup> Солисев Р. Иқтисодий инқирозга қарши кураш: дунё мамлакатлари таърибаси // Бозор, пул ва кредит. № 11 (186), 2012. – Б. 34.

<sup>90</sup> Солисев Р. Иқтисодий инқирозга қарши кураш: дунё мамлакатлари таърибаси // Бозор, пул ва кредит. № 11 (186), 2012. – Б. 34.

Федерал захира тизимининг фоиз ставкалари амалдаги 5,25 % дан 1 % гача пасайтирилди<sup>91</sup>.

АҚШда инқирозга қарши дастур доирасида амалга оширилган навбатдаги қадам 2009 йилнинг январида қабул килинган “Американи тиклаш ва реинвестициялаш тўғрисида”ги Қонунидан иборат эди. Мазкур конун доирасида “Американи тиклаш ва реинвестициялаш режаси” ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Бу режа икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм имтиёзлар тақдим этиш ва иккинчи қисм қўллаб-кувватлаш чораларидан иборат эди<sup>92</sup>.

Инқирозга қарши дастурнинг чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида АҚШда ЯИМ ўсиши жонланди, ишсизлик даражаси камайтирилди. АҚШда ЯИМ 2009 йилда -2,54 % ни ташкил қилди, бу пайтда ишсизлик кўрсаткичи 9,25 % га етди. ЯИМ 2010 йилдан барқарор ўса бошлиайди ва 2018 йил якунида энг яхши даража – 2,93 % га етди. Инқирозга қарши чора-тадбирларнинг ўз вактида ва тўлақонли амалга оширилиши натижасида 2018 йил якунига кўра, 2006 йилдаги ЯИМнинг мутлақ ҳажми 149 % ўсиб, 20,544 трлн. АҚШ долларига етди. Ишсизлик даражаси 2010 йилдан муттасил камайиб, 2019 йил якунига кўра 2006 йилги 4,62 % кўрсаткичдан ҳам яхшиланиб, 3,87 % га етди (2.1-расм).



**2.1-расм. АҚШда 2006-2019 йилларда реал ЯИМ суръати ва ишсизлик даражасининг ўзгариши<sup>93</sup>, % да**

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ривожланган мамлакатлар қатори Европа Иттифоқи мамлакатларига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Бу

<sup>91</sup> Солниев Р. Иқтисодий инқирозга қарши кураш: дунё мамлакатлари тажрибаси // Бозор, пул ва кредит. № 11 (186), 2012. – Б. 34.

<sup>92</sup> www.recovery.gov веб сайти маълумотлари асосида: American Recovery and Reinvestment Act of 2009, USA муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>93</sup> Жаҳон банкининг data.worldbank.org сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

айниқса, Буюк Британия ва Германия иқтисодиётида сезиларли даражада бўлди.

Инқирозга қарши дастурларнинг биринчи қисми сифатида АҚШ сингари Европа Иттифоқи давлатларида ҳам Европа Марказий банки томонидан “миқдорий юмшатиш” сиёсати амалга оширилди.

Европа Марказий банки дастлаб 214 млрд. АҚШ доллар маблағни банкларга бериш билан “миқдорий юмшатиш” амалиётини бошлаб берди. Шундан сўнг 2011 йил декабрь ойида 523 та Европа кредит ташкилотларига 489 млрд. евро, 2012 йил февраль ойида асосан Италия ва Испания банкларидан иборат бўлган 800 та банкка 529,5 млрд.евро миқдорида уч йил муддатли бир фоизлик кредит маблағлари ажратилиді<sup>94</sup>. 2012 йилнинг сентябрь ойида Европа Марказий банки ЕИдаги муаммоли мамлакатларнинг (Греция, Исландия, Португалия, Испания ва Италия) 1-3 йил муддатли давлат қимматли қоғозларини Outright Monetary Transactions дастури доирасида чексиз равишда сотиб олинишини эълон қилди<sup>95</sup>. “Миқдорий юмшатиш” сиёсатини амалга ошириш доирасида қайта молиялаш ставкаси 2007 йил январь ойидаги 5,25 фоиздан 2009 йил март ойида 0,5 фоизгacha туширилди<sup>96</sup>.

Буюк Британия ҳам Европа Марказий банки билан ҳамоҳанг равиша қайта молиялаш ставкасини 2008 йилдаги 4,25 % дан 2009 йилда 2,0 % гача тушириді<sup>97</sup>. Халқаро хисоб-китоблар банки (BIS) маълумотига кўра, олиб борилган “миқдорий юмшатиш” сиёсати оқибатида Европа Марказий банкида 18 трлн.евро, аникрофи, жаҳон иқтисодиётининг 30 % ига тенг муаммоли маблағлар тўпланган.

ЕИ мамлакатлари учун “Барқарорлик ва ўсиш” деб номланган инқирозга қарши дастур 2008 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, 2009-2010 йилларда амалиётта жорий қилиш учун 200 млрд.евро миқдорида маблағ ажратилиган<sup>98</sup>. Юқоридаги дастурнинг ЕИ амалиётига жорий этилиши натижасида 2,6 трлн.евродан ортиқ ёки Еининг 2010 йилдаги ЯИМнинг 15,8 % иш миқдорида маблағ сарфланган (17,015 трлн. АҚШ доллар)<sup>99</sup>.

Бундан ташқари, евро худуднинг мамлакатлари томонидан ҳам алоҳида равиша инқирозга қарши дастурлар доирасида муайян ишлар амалга оширилди.

<sup>94</sup> Солиев Р. Иқтисодий инқирозга қарши кураш: дунё мамлакатлари тажрибаси // Бозор, пул ва кредит. № 11 (186), 2012. – Б. 35.

<sup>95</sup> [www.ecb.europa.eu/press/pr/date/2012/html/pr120906\\_1.en.html](http://www.ecb.europa.eu/press/pr/date/2012/html/pr120906_1.en.html). Technical features of Outright Monetary Transactions

<sup>96</sup> [www.ecb.europa.eu](http://www.ecb.europa.eu) маълумотлари

<sup>97</sup> [www.ecb.europa.eu](http://www.ecb.europa.eu) маълумотлари

<sup>98</sup> [www.investopedia.com](http://www.investopedia.com) веб сайтни маълумотлари асосида: Stability and growth Pact (SGP) муаллиф томонидан тузишган.

<sup>99</sup> Жаҳон банки маълумотлари

[https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?end=2010&locations=XC&start=1960&year\\_high\\_desc=true](https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?end=2010&locations=XC&start=1960&year_high_desc=true)


## *Иқтисодий инқирозларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишининг устувор йўналишилари*

Инқирозга қарши дастурларни биринчилардан бўлиб амалиётта жорий килган мамлакат Буюк Британия ҳисобланади. Буюк Британиядага амалга оширилган инқирозга қарши Дастурнинг асосий жиҳатлари куйидагилардан иборат бўлган<sup>100</sup>:

- банк тизимини барқарорлаштириш чоралари амалга оширилди ва улар доирасида хукумат 50 млрд. фунт стерлинг қийматидаги муаммоли активларни банклардан сотиб олди;
- молиявий муаммолар билан тўқнашган банкларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш ва ликвидлигини ошириш мақсадида банклар ихтиёридаги облигацияларни фаол сотиб олиш чоралари кўрилди;
- банклар томонидан муомалага чиқарилган қисқа ва ўрта муддатли қарз мажбуриятларини Англия банки томонидан кафолатлаш амалиёти жорий қилинди;
- молия бозорлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича чоратадбирлар амалга оширилди.

Германиянинг инқирозга қарши чора-тадбирлар дастуридан куйидагилар ўрин олган<sup>101</sup>: солиқларни камайтириш, автомобилсозлик корхоналарини рагбатлантириш, мамлакат иқтисодий ўсишини экспортга боғлиқларни камайтириш чоралари.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин ЕИ мамлакатлари иқтисодиётiga ташки суверен қарзлар инқирози ва Брексит жараёнлари катта таъсир ўтказди (2.2-расм).



**2.2-расм. ЕИда асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденцияси<sup>102</sup>, 2006-2019 йиллар, % да**

2.2-жадвал маълумотларидан маълум бўлишича, ЕИ да 2009 йилда ЯИМ ҳажми олдинги йилга нисбатан 9,84 % га камайиб кетади. 2010-2011 йилларда иқтисодий ўсиш кузатилди, лекин 2012 йил якунларига кўра

<sup>100</sup> [www.bertelsmann-transformation-index.de/crisis](http://www.bertelsmann-transformation-index.de/crisis) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>101</sup> [www.bertelsmann-transformation-index.de/crisis](http://www.bertelsmann-transformation-index.de/crisis) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>102</sup> Жаҳон банкининг [data.worldbank.org](http://data.worldbank.org) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ЯИМнинг мутлоқ ҳажми ЕИ мамлакатларида ташқи суверен қарзлар инқирози сабабли яна -0,42 % га камаяди. Кейинги йилларда иқтисодий ўсиш кузатилади, Брексит жараёни сабабли ўсишнинг бекарорлиги сакланниб қолган.

Тахлил қилинаётган давр оралигига ЯИМ мутлоқ ҳажмининг энг яхши кўрсаткичи 2008 йилда 19,157 трлн. АҚШ долларини ташкил қилган. ЯИМ ҳажми 2018 йил якунларига кўра 18,768 трлн. АҚШ долларига тенг бўлган. Инқироздан кейинги 2009-2017 йилларда ишсизликнинг юқори даражаси сакланниб қолган. Лекин 2018-2019 йилларга келиб ишсизлик даражаси ўзининг 2008 йилдаги даражасига яқинлашиб, 6,49 % ни ташкил қилган.

Ривожланган мамлакатларда 2008 йилдаги инқирозга қарши дастурлар доирасида амалга ошириш деярли “урф” тулага кирган “микдорий юмшатиш” сиёсати Японияда ҳам амалга оширилди. Инқирознинг дастлабки босқичи 2007-2008 йилларда Япония банки 8,5 млрд. АҚШ доллар маблағларни банкларга бериб “микдорий юмшатиш” сиёсатини кўллади. 2012 йилга келиб Япония банки навбатдаги “микдорий юмшатиш” сиёсатини иена курсининг ўсишига қарши ўтказиб, давлат узоқ муддатли кимматли қофозларни сотиб олиш дастурини 2013 йилгача чўзди. Натижада 10 трлн. иена (124 млрд. АҚШ доллар) микдоридаги кимматли қофозлар сотиб олинди ва иқтисодиёт оборотидаги Марказий банк маблағи 80 трлн.иенага етди<sup>103</sup>.

Япония хукумати томонидан 2008 йилнинг ўзида 75 трлн. иенага тенг учта дастур ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинди. Дастур молия тизимини кўллаб-куватлаш, ижтимоий ҳимоя ва инфратузилмани яхшилаш тадбирларини ўз ичига олган<sup>104</sup>.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши дастур самарадорлиги юқори бўлишига қарамасдан Японияда 2011 йилда Фукусима АЭСдаги авария ва сунами содир бўлиши оқибатида иқтисодий ўсиш салбий кўрсаткич касб этди (2.3-расм).

Японияда иқтисодий сиёсатнинг тўғри юритилиши натижасида ЯИМ суръати 2009 йилда -5,42 % бўлишига қарамасдан 2010 йил якунлари бўйича 4,19 % га етди. 2011 йилда АЭСдаги авария оқибатида иқтисодий ўсиш салбий кўрсаткичга эга бўлди. Бошқа мамлакатлар учун нормал ишсизлик даражаси ҳисобланмиш 5,1 % Япония учун ҳавотирли вазият ҳисобланади ва шу сабабли амалга оширилган ислоҳотлар натижасида тахлил қилинаётган даврда энг яхши кўрсаткич 2019 йилда қайд этилган бўлиб, 2,41 % га тенгdir. Кўриб чиқилаётган даврда Япония иқтисодиётida иш билан бандликнинг юқори даражаси иқтисодий ўсишнинг кам суръати билан бирга кузатилган. Мазкур даврда ЯИМнинг мутлоқ ҳажми 2012 йилда 6,20

<sup>103</sup> Солиев Р. Иқтисодий инқирозга қарши кураш. дунё мамлакатлари тажрибаси // Бозор, пул ва кредит. № 11 (186), 2012. – Б. 35.

<sup>104</sup> [www.boj.or.jp](http://www.boj.or.jp) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

## **Иқтисодий инқизорларга қарши дастурлар самараадорлигини оширишининг устувор йўналишилари**

трлн.АҚШ долларига, 2006, 2018 йилларда мос равиша 4,53 ва 4,97 трлн. АҚШ долларига тенг бўлган.

Юкорида таҳлил қилинган АҚШ, ЕИ ва Япония инқизорзага қарши дастурлар доирасида 2010 йилдаги ЯИМнинг 15-19 % и миқдорида маблағ сарфлашган.



**2.3-расм. Япониянинг макроиқтисодий қўрсаткичларин<sup>105</sup>, % да**

Ривожланган мамлакатларда амалга оширилган инқизорзага қарши дастурларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари мавжуд. Мамлакатлар ўзларининг миллий хусусиятлари ва иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи тармоқлар таркибидан келиб чиқиб чора-тадбирларни белгилаган ва амалга оширган. Қўйида шундай амалга оширилган чора-тадбирлардан умумий жиҳатларга эга бўлганларини мамлакатлар кесимида кўриб чиқамиз:

- иқтисодиётни алоҳида тармоқларини кўллаб-кувватлаш: автомобил курилиши (АҚШ, Франция ва Канада); энергетика (АҚШ, Швейцария); транспорт инфраузилмаси (Канада, Франция, Италия); уй-жой курилиш (Буюк Британия);
- тўғри ва эгри солиқларни камайтириш (Япония, Германия ва Франция);
- кичик бизнесни рағбатлантириш (Германия, Буюк Британия, Италия);
- маҳсус бюджет жамғармаларини ташкил этиш (Франция) каби чоралар<sup>106</sup>.

Таҳлил натижаларига асосланиб шуни яна бор айтишимиз мумкинки, тараққий этган давлатларда инқизорзага қарши курашиш дастурлари икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми “миқдорий юмшатиш” пул-кредит сиёсати ва иккинчи қисми реал секторни кўллаб-кувватлаш,

<sup>105</sup> Жаҳон банкининг [data.worldbank.org](http://data.worldbank.org) сайти мәълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

<sup>106</sup> Вахабов А.В., Жумасев Н.Х., Хошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзасабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётта таъсирини юмшатиш йўллари. Монография. Т., 2009. 83-бет.

инфратузилмани ривожлантириш ва ижтимоий ҳимоя каби йўналишлардан ташкил топган.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ривожланган давлатларга зарар етказган даражада Хитойга таъсир қилмаган бўлса ҳам, 2008 йилда инқирозга қарши дастур ишлаб чиқилиб, реализация қилинди.

Халқаро валюта жамғармаси Хитойга инқирозга қарши чоралар дастурлари доирасида ички истеъмолни рағбатлантириш ва банк тизимида аҳоли маблағларини саклаш ҳажмини ошириш тавсиясини берган эди. Шунингдек, Хитойда ҳукумат томонидан инқирозга қарши амалга оширилган дастлабки чоралардан бири бу инқироз таъсирида қисқарган хусусий инвестициялар ўрнини қоплаш ва ракобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида давлат ҳаражатларининг кенгайтирилгани бўлди. Чунки 2008 йилнинг ўзида Хитойга кириб келадиган хорижий инвестициялар 159 трлн.долларга камайиб, улар ЯИМга нисбатан 3,7 % га қисқарган<sup>107</sup>.

Инқироз натижасида Хитойдан Европа Иттифоқи мамлакатларига экспортнинг камайиши ва охирги йилларда инвестицияларнинг уй-жой сектори каби йўналишларда самарасиз ишлатилиши натижасида сўнги чорак аср давомида кузатилаётган иктисолиётнинг йиллик кўшимча ўсиши 2012 йилга келиб пасайиши кузатилди. Мамлакатда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2004-2007 йилларда ўрта ҳисобда 12,7 % ни, 2008-2014 йилларда эса 8,9 % ни ташкил қилди<sup>108</sup>.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, иктисолий инқироз шароитида мамлакат иктисолиётининг ташки бозорларга боғлиқлик даражаси муҳим аҳамият касб этади. 2008 йилги глобал иктисолий инқирозгача бўлган шароитда Хитой Халқ Республикасининг иктисолиётидаги экспортта йўналтирилган товарлар асосий улушга эга эди. Сўнги йилларда мамлакатда мазкур муаммонинг ечими сифатида ички истеъмолни оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда аҳолининг юқори суръатлар билан қўпайиши асосий ўрин тутади. 2015 йилда ҳукумат томонидан бир фарзандли оиласларга иккичи фарзандни ҳам дунёга келтиришига рухсат берилди. Бу каби демографик ислоҳотларнинг ўтказилиши ўз навбатида ҳукумат томонидан миллатнинг қарид боришини ва ички талабнинг камайиб боришини олдини олиш учун бўлаётган сай-ҳаракатларни ҳам назарда тутади.

Инқирозга қарши чора-тадбирларнинг тизимли равишда амалга оширилиши натижасида мамлакатда ички бозор субъектларини кредитлаш ҳажми ортди. Инқироз даврида кредитлар ҳажми 355,9 млрд.юандан (52 млрд.АҚШ доллар) 410,4 млрд.юан (60 млрд. АҚШ доллар)гача кўпайди. 2009 йилнинг биринчи ярмида 1,1 трлн. АҚШ доллар ҳажмидаги кредитлаш амалга оширилган. Натижада мамлакатдаги компанияларнинг сармоя инвестициялари ҳажми 33,5 % га ортган. 2014 йилнинг I ярим йиллигига

<sup>107</sup> Фролова Е. В. Мировой финансовый рынок: до и после кризиса. ЭКО, 2010, № 6. - С. 169.

<sup>108</sup> UNCTAD Handbook of statistics 2015. - Р. 350.

бўлса, мамлакатдаги барча молиявий муассасалар томонидан миллий ва хорижий валютада ажратилган кредитларнинг умумий хажми 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 13,7 % га ўсиб, 82,9 трлн.юангга етган<sup>109</sup>.

Сўнги йилларда Хитойнинг глобал иқтисодиётга таъсир доираси кенгайиб, жаҳон ЯИМда улуши йил сайин ортмоқда ва шу билан бирга АҚШнинг дунё иқтисодиётидаги салмоғи эса камайиб бормоқда. Ҳисобкитобларга кўра, 1970 йилда дунё ЯИМнинг 4,1 % и Хитойга тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 14,4 %, 2015 йилда 15,6 % ни ташкил қилган. АҚШда бу рақам 1970 йилда 21,2 %, 2010 йилда 17,3 % ва 2015 йилда 16,7 % бўлган. 2025 йилга бориб Хитой 17,2 % лик улуш билан АҚШнинг 14,9 % лик кўрсаткичидан ўзбекетиши таҳмин қилинмоқда<sup>110</sup>.

Хитойда глобал иқтисодий инқизор изори шароитида ЯИМнинг ўсиш суръатлари пасайганлиги, ишсизлик ва бюджет дефицити юқорилиги шароитида 2015 йилнинг бошида “Янги нормалар” деб аталувчи аҳоли турмуш даражасининг ортиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши даражасининг камайиши ва “яшил иқтисодиёт”нинг ривожланиши ҳамда инновацияларнинг ўзлаштирилиши каби параметрлардан ташкил топган ноанъянавий ривожланиш кўрсаткичларига ўтиши тадбирлари амалга ошира бошланди. Чунки 2014 йилда Тибетдан ташқари Хитойнинг ҳеч қайси маъмурӣ бирлигига ЯИМ ўсиш кўрсаткичлари белгиланган режада бажарилмади. 2015 йилдан эътиборан мамлакатда пул-кредит сиёсатини юмшатиш ишлари амалга оширила бошланди. Бу чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг ўзида қайта молиялаш ставкаси 5,35 % га пасайтирилди ва банкларга кредит ставкаларини шу кўрсаткичнинг 30 % и оралиғида амалга оширишга рухсат берилди. Бу асосан кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит ажратиш тамоилларини такомиллаштириш чора-тадбирларининг узвий давоми эди. 2015 йил бошидан маҳаллий хукуматларга Хитой фонд бозорларига облигациялар жойлаштириш орқали қарзларни сўндириш учун кўшимча молиявий ресурсларни жалб этишга рухсат берилди.

“Янги нормалар” концепциясига асосан ЯИМнинг 2015 йиллик ўсиш суръати 7 % прогноз қилинган эди. Халқаро Валюта Фондининг 2016 йилда чоп этган ҳисоботига кўра, Хитойда ЯИМнинг 2015 йилдаги ўсиш суръати 6,9 % ни ташкил қилган. Демак, белгиланган режа кўрсаткичи деярли бажарилган. Бу “Янги нормалар” концепциясининг ҳақиқатга қанчалик яқин эканлигининг исботидир.

Мазкур инқизор ўтиши иқтисодиёти мамлакатларидан Россияга ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Чунки мамлакат иқтисодиётининг экспорт таркиби асосан хом ашё маҳсулотларидан иборат эди. Бу эса инқизор даврида жаҳон бозорида ялпи талабнинг пасайиб кетишига олиб келди. Россияда 2008 йилда бутун дунёда бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инқизорининг

<sup>109</sup> Жаҳон банки маълумотлари. [www.worldbank.org/country/china](http://www.worldbank.org/country/china).

<sup>110</sup> Экономика Китая обгонит США в 2018 году. [www.erreport.ru](http://www.erreport.ru)

талофатлари тўлиқ бартараф этилмасдан ва юмшатилишга улгуримасдан 2014 йилда пул массаси ўсиш суръатларининг секинлашиши натижасида бошланган ва ҳали шу кунгача давом эташтаган навбатдаги иқтисодий инқизор мамлакат иқтисодиётидаги оғир оқибатларни келтириб чиқарди.

Россияда инқизорзга қарши чора-тадбирлар дастуридан ўрин олган асосий тадбирлар кўйидагилардан иборат бўлган<sup>111</sup>:

- солиқ имтиёзларини жорий этиш орқали реал ишлаб чиқаришни кўллаб-кувватлаш;
- кредит тизимини кўллаб-кувватлаш;
- йирик корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатиш;
- миллий валютани девалвация қилиш.

Мамлакатда тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш йўли билан ликвидигини тиклаш мақсадида уларга Марказий банк ва хукумат маблағлари ҳисобидан 2008 йилдан 2020 йилгача бўлган муддатда, йилилк 8 фоиз ставкасида субординар кредитлар берилди. Ушбу кредитларнинг 52,6 % Марказий банк маблағлари ҳисобидан ажратилди<sup>112</sup>.

Фонд бозорларидаги инқизорзинг чукурлашишини олдини олиш мақсадида Россия хукумати миллий фонд бозорини кўллаб кувватловчи қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ бозорнинг барқарорлигини саклаб қолиши учун хукумат 500 млрд.рубл ажратди, шундан 250 млрд.рубль давлат бюджети ҳисобидан.

Россияда инқизорзга қарши курашиш учун 222 млрд. АҚШ доллар молиявий маблағ сарфланган бўлиб, бу мамлакатнинг 2008 йилдаги ЯИМнинг 13,9 %ини ташкил этади. Бу кўрсаткич Хитойда мос равишда 570 млрд.АҚШ долларга тенг ва Хитойнинг 2008 йилдаги ЯИМнинг 13 %ини ташкил этган. Инқизорзга қарши курашиш учун сарфланган маблағлар дунё бўйича 9400 млрд.АҚШ долларга тенг деб баҳоланган ва бу 2008 йилда дунё ЯИМнинг 15 %ини ташкил этган. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, мазкур йўналишида сарфланган маблағлар тенденцияси бўйича Хитой ва Россия дунё бўйича ўртача меъёрдан пастроқ эканлигини кўришимиз мумкин<sup>113</sup>.

2008 йилги глобал молиявий-иқтисодий инқизордан кейин барча мамлакатлarda инқизор шароитида иқтисодиётдаги Резерв микдори қанча бўлиши кераклигiga жиддий эътибор берила бошланди. Чунки инқизор даврида деярли 8 ой мобайнида кўпчилик мамлакатлар (юкори резерв заҳирасига эга 13 та мамлакат) ўзларининг резерв заҳираларининг тўртдан бир кисмидан учдан бир кисмигача йўқотишиди<sup>114</sup>.

Халқаро резерв валюталари ичida АҚШ долларининг жаҳон молиявий инқизоризидан кўрган талофатлари учча катта эмас эди. Чунки 2014 йилда

<sup>111</sup> [www.cbr.ru](http://www.cbr.ru) маълумотлари

<sup>112</sup> Кувшинова О., Писеменная Е., Шпигель А., Панов А. Две трети бюджета // Ведомости. 199, 2008.

<sup>113</sup> Исманалов А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизори шароитида пул тизимини тартиба солиш. //Бозор, пул ва кредит. № 03(154), 2010. 59-61 б.

<sup>114</sup> Semianual Report on International Economic and Exchange Rate Polices, October 2014.

## ***Иқтисодий инқизатларга қарши дастурлар самараадорлигини оширишининг устувор йўналишилари***

жаҳон валюта бозорларида амалга оширилган операцияларда умумий айланманинг 62 % и АҚШ доллари хиссасига тўғри келган (2010 йилда бу кўрсаткич 87 % бўлган). Ўз вактида жуда ишончли хисобланган Европа Иттифоки, Япония ва Бирлашган Қиролликнинг давлат облигациялари ҳам инқизоздан кейин ўзига бўлган ишончни бироз йўқотди. Чунки бу мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг прогнози ҳамда қарз маҳбuriятларини кескин ўсиши билан боғлиқ муаммоларнинг пайдо бўлиши бунга замин ҳозирлаб берди. Шу сабабли мамлакатлар инқизатга қарши курашиб ва уларнинг олдини олиш фонида ўзларининг молиявий активлардан иборат захираларини АҚШнинг молиявий активлари хисобига кескин ошира бошлиши. Бугунги кунга келиб 5,6 трлн. АҚШ доллар миқдоридаги АҚШ давлат қимматли қофозларига чет эл инвесторлари эгалик қилади. Бу кўрсаткич 2000 йилда 1 трлн. АҚШ долларни ва 2006 йилда 3,5 трлн. АҚШ долларни ташкил қилган<sup>115</sup>. Бунинг натижасида мазкур давлатлар иқтисодиёти АҚШ иқтисодиёти билан узвий боғланниб қолди. Пировард натижада мазкур активларнинг таклифи тушиб, талаби кескин ошиши кузатилмоқда. Мамлакатларда инқизоздан кейинги даврдаги асосий мақроиқтисодий кўрсаткичларининг ўзгариши динамикасини таҳлил қиласидан бўлсан, ажойиб тенденциянинг гувоҳи бўламиз (2.4-жадвал).

### 2.4-жадвал.

**Хитой, Россия ва жаҳонда ЯИМнинг 2006-2018 йилларда ўзгариш тенденцияси<sup>116</sup>, % да**

№	Жаҳон, мамлакатлар	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
1.	Хитой	12,7	14,2	9,65	9,40	10,6	9,55	7,86	7,77	7,30	6,91	6,74	6,76	6,57
2.	Россия	8,20	8,50	5,20	-7,8	4,50	4,30	3,70	1,80	0,70	-2,3	0,33	1,63	2,26
3.	Жаҳон	4,38	4,32	1,85	-1,7	4,30	3,13	2,51	2,65	2,83	2,81	2,48	3,11	2,97

Инқизат натижасида Хитойда кузатилаётган юқори иқтисодий ўсиш суръатлари 2009 йилга келиб 9,40 % гача пасаяди. 2010 йилда юқори ўсиш суръати қайта тикланади, лекин кейинги йилларда пасайиш тенденцияси кузатилди ва 2015 йилда 6,91 % ўсишга эришилди.


2015 йилдан Хитой мамлакатда кузатилаётган экологик инқизат ва энергия ресурслар тежкамкорлигига ўтиши натижасида иқтисодий сиёсат “Яшил нормалар” концепцияси асосида юритила бошлианди. Шунга мувофиқ иқтисодий ўсиш 2015-2018 йилларда ўртacha 6,75 % атрофида бўлди. Хитой

<sup>115</sup> Коллектив авторов. Экономическая система современной России: пути и цели развития. Монография. МГУ имени М.В.Ломоносова. Экономический факультет. – М.: Научное электронное издание, 2015. – С. 749

<sup>116</sup> Жаҳон банкининг data worldbank.org сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

18,345 трлн. АҚШ долларлик ЯИМ билан АҚШнинг 17,522 трлн. АҚШ долларлик кўрсаткичидан ўзib кетди. 2018 йил якунларига кўра Хитой ва АҚШнинг ЯИМ (PPP) ҳажми мос равиша 25,399 трлн. ва 20,544 трлн. АҚШ долларларни ташкил этмоқда. Россия иқтисодиётининг хом ашё экспортига йўналтирилганлиги 2008 йилда бошланган инқироз даврида жуда катта иқтисодий зарар кўришига сабаб бўлди. Лекин Россия хукумати томонидан оптимал иқтисодий дастурнинг амалга оширилиши натижасида 2010 йилга келиб иқтисодий ўсиш қайта тикланди. 2015 йилда Украина билан муносабатларнинг ёмонлашуви ва АҚШ ҳамда ЕИ давлатларининг иқтисодий санкциялари таъсирида ўсиш янга пасайди. Сўнгি йилларда иқтисодий ўсиш жонланиб, 2018 йилда 2,26 % га етди. Жаҳон иқтисодиёти ҳам 2009 йилгача пасайиб, 2010 йилдан ҳозирги давргача ўсиш суръатларини намоён этмоқда. Охирги йилларда Япониядаги АЭС аварияси ва табиий оғатлар, Россия билан Украина муносабатларининг ёмонлашуви, Европа Иттифокидаги ташки қарзлар муммомлари, Брексит жараёни, АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо урушлари натижасида дунё иқтисодиётининг ўсиш суръатлари секинлашди.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози иқтисодий ривожланишнинг драйвери ҳисобланган инвестиция оқими йўналишлари ривожланган давлатлардан жадал суръатлар билан ривожланадиган мамлакатларга, жумладан, Хитой ва Ҳиндистонга йўналтирилди (2.4-расм).



2.4-расм. Мамлакатларнинг муомаладаги капитал ҳажми ўзгарини<sup>117</sup>, трлн. АҚШ долларда

<sup>117</sup> The world Bank. Gross capital formation.

[https://data.worldbank.org/indicator/NE.GDI.TOTL.CD?end=2018&name\\_desc=true&start=2006](https://data.worldbank.org/indicator/NE.GDI.TOTL.CD?end=2018&name_desc=true&start=2006). (09.04.2020)

Бу ривожланган давлатларда инқироз шароитида ликвидлик муаммоси, банк инқирози ва тўлов қобилиятининг пасайиши ҳамда молия бозорларидаги кулашлар таъсирида содир бўлди.

2006-2018 йилларда ривожланган давлатлардан АҚШда, ривожланаётган давлатлардан Хитой ва Ҳиндистонда капитал ҳажмининг ошии тенденцияси кузатилди. Айниқса, таҳлил қиласанаётган даврда Хитойда капитал ҳажми 5,3 марта ўсиб, 5,99 трлн. АҚШ долларга етган. Ҳиндистонда ушбу даврда капиталлар ҳажми 2,3 марта ортиб, 2018 йил якунига кўра 0,85 трлн. АҚШ долларга етган. АҚШ бу даврда 33 % лик ўсиш кўрсаткичини намоён этган. Япония, ЕИ давлатлари ва Россияда таҳлил қилинаётган даврда капитал ҳажмининг ўсиш суръатлари паст бўлган.

2008 йилда юз берган инқироз таъсирида 2006-2018 йиллар мобайнида жаҳондаги ТТҲИ ҳажми 2,152 трлн. АҚШ доллардан 850,924 млрд. АҚШ долларгача камайган ёки инвестициялар оқими 60 % га қисқарган.

### 2.3. Ўзбекистоннинг инқирозга қарши дастури ва уни амалга ошириш жараёнларининг таҳлили

Ўзбекистон Республикаси мустакилликка эришганидан сўнг инқирозга қарши яхлит дастур 2008 йилда рўй берган жаҳон инқирозидан кейин қабул қилинди. Чунки 1997 йилда Осиё мамлакатларида инқироз содир бўлганда мамлакатимизнинг банк-молия тизими ўтиш даврида эди. Шу сабабли бу инқирозга қарши дастур қабул қилинмаган.

Шу ўринда мамлакат банк-молия тизими ҳақида қисқача изоҳ бериш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон мустакилликка эришганидан сўнг режали иқтисодиёт асосида фаолият юритган банк-молия тизими ўрнига янги тизим бунёд этиш бошланди. Шартли равишда бу жараённи 3 та фазада ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи фаза. Собиқ иттифоқда “қайта куриш” сиёсати оқибатида 1985 йилда банк соҳасини ривожлантириш, рақобат мухитини шакллантириш мақсадида Саноаткурилишбанк, Агросаноатбанк ва Уйжойкурилишбанк каби банклар ташкил қилинди. Бу ривожланган давлатлар тажрибасидан олинган Марказий банк ва тижорат банклари форматида фаолият юритишни йўлга кўйилиши эди. Бу босқич мустакилликкача давом этди.

Иккинчи фаза. Ўтиш даври хисобланиб, XXI асрнинг бошларигача бўлган босқични қамраб олади.

Учинчи фаза. Бу фаза тўлиқ бозор муносабатларига асосланган банк-молия тизиминининг йўлга кўйилиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадирилар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Фармонининг қабул қилиниши учинчи фазанинг янги даврини бошлаб берди<sup>118</sup>.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон иқтисодиётига қуидаги йўналишларда таъсир кўрсаттан:

- жаҳон бозорида талабнинг тушиб кетиши оқибатида мамлакатта четдан кириб келадиган валюта тушумининг камайиши;

- халқаро молия бозорларида фоиз ставкаларининг ошиши натижасида мамлакат ташки қарзи билан боғлиқ ҳисоб-китобларда муаммоларнинг вужудга келиши;

- меҳнат бозоридаги муаммолар туфайли чет элларда иш билан банд бўлган резидентларимиздан келадиган пул оқимининг камайиши;

<sup>118</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари милий базаси, <http://lex.uz/docs/3326421>.

## *Иқтисодий инқирозларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишининг устувор йўналишилари*

- мамлакатимиз билан ташки иқтисодий ҳамкор давлатларнинг иқтисодий аҳоли ёмонлашиши сабабли миллий экспорт ҳажмининг пасайиши ва бошқалар.

Мамлакат иқтисодиётiga биринчи галда салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган жиҳатлар ҳисобга олиниб, 2008 йилнинг сўнгига бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг таъсирини камайтириш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида Инқирозга қарши дастурлар ишлаб чиқилиб, Дастурда белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш бошланди.

Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида 2009-2012 йилларга мўлжаллаб Ўзбекистон Республикасининг Инқирозга қарши чоралар дастури қабул килинди. “Шундан келиб чиққан ҳолда, ўз-ўзидан аёнки, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистоннинг 2009 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади”<sup>119</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан қабул қилинган Инқирозга қарши чора-тадбирлар ўз вақтида ва узоқни кўзлаб амалга оширилганлиги бугун ўз мевасини бермоқда. Инқироз даврида айрим давлатлар инқирозга қарши дастурларни инқироз ўзининг салбий оқибатларини тўла номоён этгандан сўнг, иқтисодиёт танглик ҳолатига келиб қолганидан кейингина қабул қилиб, амалий чораларни кўрдилар. Иқтисодни мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, фақаттина 2008-2009 йилларда жаҳон иқтисодиёти инқироз натижасида 9,4 трлн. АҚШ долларлар зарар кўрган, 25 миллион иш ўрни қисқарган.

Ўзбекистоннинг 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши дастурининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат<sup>120</sup>:

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш;

Жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташки бозорларда рақобатдош бўлишини кўллаб-куватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рагбатлантириш учун кўшимча омиллар яратиш, хусусан:

<sup>119</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т. “Ўзбекистон” НМИУ, 2009. – Б. 30

<sup>120</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т. “Ўзбекистон” НМИУ, 2009. – Б. 32-35.

– айланма маблағларни тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

– тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштироқида ташкил этилган корхоналарни бюджеттага барча турдаги солиқ ва тўловлардан – кўшимча қўймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

– банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар микдорини қайта кўриб чиқиш, бюджеттага тўланадиган тўловларнинг пенисидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш;

Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харакатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш хисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш. Шу мақсадда 2008 йили ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармок ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чоратадбирларни амалга ошириш;.

Шунингдек, таннархни камайтириш бўйича белгиланган параметрларга эришиш учун раҳбар ва масъул ҳодимларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш.

Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6-8 фоиздан оширмаслик механизми ишлаб чиқилган.

Электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш натижасида иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаравонлигини юксалтиришга эришилади.

Жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-кувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиша мухим аҳамиятга эга.

Бу вазифани бажаришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш катта ўрин тутади. Ушбу дастур доирасида лойиҳалар ҳажмини 3-4 баробар кўпайтириш режалаштирилган.

Юқорида санаб ўтилган асосий вазифаларни амалга ошириш учун хукумат томонидан қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб берилди:

- тижорат банкларининг устав капиталини ошириш орқали экспортбоб маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектларга имтиёзли кредит ажратиш тизимини йўлга кўйиш;

- инфратузилмани яхшилаш учун “Ўзбек миллий автомагистрали” лойиҳасини амалга ошириш;

## *Иқтисодий инқирозларга қарши дастурлар самараадорлигини оширишининг устувор йўналишлари*

- аҳолининг реал даромадларини ошириш учун солик тизимини тақомиллаштириш;
- манзилли ижтимоий қўллаб-кувватлашни амалга ошириш учун бюджет ҳаражатларини ижтиоий соҳага кўпроқ йўналтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш.

Дастур доирасида 2008 йил 28 ноябдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-кувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик кайта жиҳозлаш, экспорттоб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рабbatлантириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларни қўллаб-кувватлаш, маҳсулот таннархини пасайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиш хисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган микдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш белгилаб берилган эди.

Бундан ташкири, дастур доирасида тијкорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш борасидаги устувор вазифалар ҳам қайд этилган эди. Республика бўйича тијкорат банкларининг устав капиталини ошириш учун 490,5 млрд.сўм маблағ ажратилди<sup>121</sup>.

Инқирозга қарши дастур доирасида яна бир нечта норматив-хукукий хуҗакатлар қабул қилиниб, улар асосида солик, божхона имтиёзлари ва преференциялари жорий этилди.

Дастурда белгиланган вазифаларни изчил бажариш натижасида маҳсулот таннархини 15-20 %га пасайтиришга эришилди. 2012 йил якунни бўйича моддий ҳаражатлар ва маҳсулот энергия истеъмолини яна 10-15 % га қисқартиришга эришилди<sup>122</sup>.

Умуман олганда Инқирозга қарши дастур доирасида реал сектор корхоналарини қўллаб-кувватлаш мақсадида бюджет ва бюджетдан ташкири жамғармаларга тўловлар ҳамда жорий кредиторлик қарзлари кайта кўриб чиқилди ва 350 миллиард сўмдан зиёд маблағлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун корхонлар ихтиёрида қолдирилди, тадбиркорлик субъектларига 1,8 трилион сўмдан ортиқ кредит ресурслари ажратилди, солик имтиёзлари ва преференциялари бериш хисобидан 500 миллиард атрофидаги маблағ хўжалик субъектлари тасарруфида қолдирилди<sup>123</sup>.

<sup>121</sup> Вахабов А.В., Жумасев Н.Х., Хошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози сабаблари, хусусиятлари ва иктисолиётга таъсирини юмшатиш йўллари. Монография. Т., 2009. – Б. 120-121.

<sup>122</sup> Акрамов Э. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози сабоблари ва Ўзбекистон иктисолиётни. Молия илмий журнали. 2013 йил апрель 4-сон. – Б. 50.

<sup>123</sup> Гадовс Э. Инқирозга қарши чоралар солик имтиёзларининг мақсади, устувор йўналишлари ва хусусиятлари. Bozor, PUL va Kredit / 12(163), 2010. – Б. 16.

Мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар Дастурини сўзсиз амалга ошириш натижасида иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Хусусан, ЯИМнинг 2008 йилдаги 9 % лик кўшимча йиллик ўсиш кўрсаткичига яқинлашиб, кўрсаткич 2012 йилда 7,4 % ни ташкил этган. 2016 йилдан эътиборан статистик ҳисоблашлар тизимида янгича ёндашув амалиётининг кўлланилиши оқибатида ЯИМ суръати бироз пасайгандек, лекин мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 5,1 % ўсиш кузатилган (2.5-жадвал).

2.5-жадвал.  
**Ўзбекистонда асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси<sup>124</sup>**

Кўрсаткичлар	2008 йил	2012 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
ЯИМ, % да	9,0	7,4	6,1	4,5	5,1
Инфляция, % да	7,8	7,0	5,7	14,4	14,3
Асосий капиталга киритилган инвестиция, % да	134,1	110,6	104,1	119,4	129,9
Ташки қарз, млрд. АҚШ долл.	5,07	9,11	15,80	16,87	17,63
Ташки савдо баланси сальдоси, млн. АҚШ долл.	762	783,1	-43	-1 458,7	-5 448,5

2008-2012 йиллар давомида инфляция дарајасини 0,8 фоиз пасайтиришга эришилган. 2017 йилдан валюта муносабатларининг либераллаштирилиши сабабли инфляциянинг бироз юқори суръатлари сакланниб қолмокда.

Иқтисодий сиёсаннинг тўғри юритилиши оқибатида иқтисодий ривожланишининг драйверларидан асосий капиталга киритилётган инвестициялар миқдорининг ошишига эришилмокда. Ташки қарз миқдори гарчанд ҳалқаро белгиланган миқдордан анча кам бўлса ҳам, ортиш тенденциясига эга. Бу мамлакатимизнинг ҳалқаро биржаларда ўз узоқ муддатли қимматли қофозлари билан операцияларни амалга ошириши ва катта миқдордаги чет эл инвестицияларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқдир. Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ташки савдо баланси 2008-2012 йилларда ижобий якунлангани ҳолда, сўнги йилларда салбий кўрсаткич намойиш этган. Бу ҳолат сўнги йилларда саноатда асосий фондларнинг қийматининг оширилиши ва иқтисодиётни технологик янгилаш жараёнлари билан ҳам боғлиқдир. Экспорт маҳсулотларидан импорт маҳсулотлари улуши кўп. Келгусида миллий маҳсулотларимиз сифатини ошириб, рақобатбардошлигини мустаҳкамлашимиз, шунингдек, экспорт қилинадиган чет эл маҳсулотларини маҳаллийлаштишимиз зарур.

<sup>124</sup> Давлат статистик кўмитаси ва Жаҳон банки мъалумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

## Икътисодий инқизорзларга қарши дастурлар самараадорлигини оширишнинг устувор йўналишилари

Инқизорзга қарши дастур амалга оширилгандан кейин 2010 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда икътисодий фаолият турлари бўйича ЯИМнинг таркибида саноат тармоғи 20,2 % дан 26,3 % лик улушга эришиб, ўсиш тенденциясига эга бўлган (2.5-расм).



**2.5-расм. Икътисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ таркиби<sup>125</sup>, жамига нисбатан % хисобида**

Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, курилиш ва хизматлар тармоқлари улуши камайган. 2010 йилда ЯИМ таркибида 41,1 % лик улуш билан хизматлар асосий ўринни эгаллаган бўлса, 2018 йил якунига кўра 35,6 % лик кўрсаткич билан энг катта улушга эришган. Ундан кейинги ўринни 2010 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги банд этган бўлса, таҳлил килинаётган даврда 32,9 % дан 32,4 % га пасайиш билан тармоқ катталиги бўйича иккинчи улушга эга бўлган. Худди шунингдек, курилиш тармоғи ҳам 5,8 % дан 5,7 % га пасайган. Инқизорзга қарши дастур доирасида саноатни ривожлантиришига қаратилган чора-тадбирлар натижасида таҳлил килинаётган даврда ЯИМдаги саноат улуси 6,1 % га ўсган, лекин шундай бўлишига қарамасдан ЯИМдаги улушнинг катталиги бўйича хизматлар ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоқларидан ортда қолмокда.

Сўнги йиллар мобайнида асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг катта қисми саноатга сарфланаётган бўлсада, бироқ тармоқнинг рақобатбардошлиги кўзланган даражага етмаган (2.6-расм).

<sup>125</sup> Йиллик статистик тўплам: 2010-2018. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси. - Т., 2019. -Б. 32.

2018 йил якунига кўра асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг деярли ярми – 48,1 % и саноат тармоғида ўзлаштирилган ёки 2010 йилга нисбатан 18,6 % лик соф ўсиш кузатилган. Аксинча, таҳлил этилаётган даврда қишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги, хизматлар ва бошқа тармоқларда асосий капиталга киритилган инвестиациялар миқдори камайган. Курилиш тармоғида 2018 йилда 2010 йилга нисбатан 0,8 % лик ўсиш билан жами инвестиацияларнинг 2,1 % и ўзлаштирилган. Охиригина ийлар мобайнида саноатга йўналтирилган асосий капиталга инвестиациялар миқдорининг кескин оширилиши ва хизматлар тармоғига йўналтирилган инвестиациялар миқдорининг деярли икки баробарга кискартирилишига қарамасдан, шу давр мобайнида мамлакат экспорти таркибида кимё маҳсулотлари экспортি 5,1 % дан 6,5 % га, қора ва рангли металлар экспортি 6,9 % дан 8,4 % га ҳамда хизматлар 10,2 % дан 21,7 % га етган<sup>126</sup>.



2.6-расmi. Истисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестиациялар<sup>127</sup>, жамига нисбатан %

Хизматлар соҳасида икки мартадан зиёдроқ ўсиш кўрсаткичига эрнишилган. Таҳлил қилинаётган даврда мамлакат экспорт таркибида қолган товарлар бўйича ўсиш кайд этилмаган.

<sup>126</sup> Ўзбекистон статистик тўплам: 2010-2018. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси. - Т., 2019.

- 126.

<sup>127</sup> Ўзбекистон статистик тўплам: 2010-2018. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси. - Т., 2019.

- 128.

## *Иқтисодий инқизорларга қарии дастурлар самарадорлигини оширишининг устувор йўналишлари*

Инвестицияларни янги қувватларни қуришга йўналтиргандан кўра, мавжуд обьектларни технологик қайта қуроллантириш ва ривожлантиришга сарфлаш иқтисодиётни модернизациялашга ва таркибий ислохотларни амалга оширишга олиб келади. Натижада иқтисодиётда самарадорлик ортади. Мазкур йўналишда мамлакатимизда охирги йилларда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда (2.7-расм).



**2.7-расм. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби<sup>128</sup>, якунга нисбатан фоиз ҳисобида**

Инвестицион фаолиятнинг қайтими тезлашиши ва самарадорлиги юқори бўлиши учун асосий капитал таркибида актив қисмнинг улуши юқори бўлиши керак. 2010-2017 йилларда мамлакатимизда асосий капиталга киритилган инвестициянинг асосий қисми ўртacha 50,2 % и курилиш-монтаж ишларига сарфланган. Натижада асосий капитал таркибида пассив қисм кўпайган. 2018 йил якунига келиб курилиш-монтаж ишларига сарфланган инвестициялар 2010 йилга нисбатан 4 % га камайиб, асбоб-ускуна ва жиҳозларга йўналтирилган инвестициялар мос равиша 7,5 % га ўсган.

Иқтисодиётда “куваб етубчи” модернизациялаш стратегияси муваффакиятли амалга оширилиши устун даражада миллий иқтисодиётнинг саноатлашиш даражаси ва асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўзлаштирилишига боғлиқdir. Мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилган иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ислоҳ этиш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар қўйидаги кўринишга келган (2.6-жадвал).

<sup>128</sup> Йиллик статистик тўплам: 2010-2018. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси. - Т., 2019. -Б. 226.

ЯИМ 2000-2009 йиллар оралигига ўсиш тенденциясига эга бўлган ва 2009 йил якунинга кўра 8,4 % га етган. 2010 йилдан 2018 йилгача 7,5 % дан 5,8 % гача пасайган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилгача ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2010-2014 йиллар давомида бироз пасайган ҳамда 2015-2018 йилларда ўрта хисобда 9,7 % ўсган. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳам 2005-2009 йилларда 19,9 % лик ўсишини қайд этгани ҳолда, 2010-2014 йилларда 7,7 % гача пасайган ва 2015-2018 йилларда 15,7 % гача ўсган. 2015-2018 йиллар мобайнида саноатнинг йиллик кўшимча ўсишини ва иқтисодиётни модернизациялашнинг янги босқичга кўтаришганини кўришимиз мумкин.

#### 2.6-жадвал. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатлари<sup>129</sup>, фоизда

Йиллар, кўрсаткичлар	2000-2004	2005-2009	2010-2014	2015-2018
ЯИМ	104,7	108,4	107,5	105,8
Саноат	107,4	110,4	108,1	109,7
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	105,2	119,9	107,7	115,7

Бундан ташқари, сўнгги йилларда мамлакатда изчилик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сабаб бўлмоқда. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятiga ижро хокимиёти органлари маъсъул ходимлари аралашувининг чекланиши, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган сабый-харакатларнинг амалга оширилиши ва чет эл технократларининг миллий иқтисодиётни баркарор ривожлантириши учун таклиф қилиниши каби ижобий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон нуфузли The Economist журнали томонидан “2019 йил мамлакати” деб эътироф этилди<sup>130</sup>. Бу иқтисодиётнинг либераллаштирилиши ва чет эл инвестицияларини жалб килиш учун замин вазифасини ўтайди.

2.6-жадвал маълумотлари ва 2019 йилда Ўзбекистонда ЯИМ 5,5 % ни ташкил этганлигини инобатга олиб<sup>131</sup>, ЯИМ ҳажмининг ўсишини вақт омилига боғлик ҳолда таҳлил қилиш мақсадида вақтли қаторлар асосида эконометрик модель тузилди:

$$y = 0.0682 * t + 106.02$$

Мазкур чизиқли функция асосида Microsoft Excel дастурида ЯИМ ҳажмининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган ўсиш суръатларининг


<sup>129</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий веб сайти маълумотлари асосида ичмалий томонидан тузилган.

<sup>130</sup> <http://www.economist.com/leaders/2019/12/21/which-nation-improved-the-most-in-2019>

<sup>131</sup> <http://mineconomy.uz/tu/news/view/3020>

сирғалувчи ўртача усулидан фойдаланиб прогноз даражалари аниқланди (2.8-расм).

2.8-расмдан маълум бўлишича, ЯИМ ҳажми 2030 йилгача барқарор юқори ўсиш тенденциясига эга, йиллик ўртача ўсиш суръати 7,5 фоизни ташкил этади ҳамда ЯИМ ҳажми ( $1,075^{11} = 2,22$ ) 2,2 баробарга ошади.



**2.8-расм. ЯИМнинг 2030 йилгача бўлган давр учун прогноз кўрсаткичлари, % да**

Жаҳон иқтисодиётida бугунги кунда кузатилаётган иқтисодий пасайишлар, Евropa мамлакатларида қайд этилаётган ишсизлик даражасининг ортиши ва шу каби кўплаб иқтисодий муаммолар хавф солиб турган пайтда Инқизорзга қарши дастурда эътироф этилган устувор вазифаларнинг мантикий давоми сифатида Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан белгилаб берилган, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари бугунги кунда иқтисодиётимизда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришишда асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу устувор йўналишлар қўйидагилардан иборат<sup>132</sup>:

- Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорларни модернизация қилиш бўйича кучли миллий фоя, миллий дастур ишлаб чиқиш;

- фаол тадбиркорлик, инновацион фоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили давлат дастурини амалга ошириш;

- мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини самарали таъминлаш;

<sup>132</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатнома// Жалқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь

- солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқариши ва соликқа тортладиган базани кенгайтириш;
- тез ривожланётган, йириклишиб бораётган корхоналарни рағбатлантириш сиёсатига ўтиш;
- бюджет тизимини қайта кўриб чиқиш, бюджет даромадлари ва ҳаражатлари халқимиз учун очиқ ва ошкора бўлишини таъминлаш;
- инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узок муддатга мўлжалланган ягона концепцияни яратиш;
- миллий юқ ташувчиларни қўллаб-кувватлаш, тадбиркорларга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида “Миллий логистика портали”ни ташкил этиш;
- кишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш;
- ҳудудларни жадал ривожлантириш;
- қурилиш соҳасини 2030 йилгача инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.

Инқирозларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб, уларни гурухлаш, инқирозларга қарши қабул қилинган дастурлардаги асосий чора-тадбирлар, уларни натижаларидан чиқарилган хulosаларни мамлакатимиз миллий хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзимизда қўллаш ҳамда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун биринчи навбатда куйидаги чора-тадбирлар амалга оширилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- “кувив етувчи” модернизациялаш шароитида давлат иқтисодиётни асосий тартибга солувчиси, иқтисодий мувозанатни таъминловчиси бўлиши керак;
- иқтисодиётни модернизациялаш инновацион иқтисодиётни шакллантиришга, импорт ўрни босувчи ва экспортга йўналтирилган саноат тармоғини барпо этишга йўналтирилиши зарур;
- мамлакатда инновацион иқтисодиётни шакллантириш мақсадида инсон капиталини ривожлантиришга ва ҳудудларнинг ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда инновацион инкубаторлар ва технопаркларни ташкил қилишини рағбатлантириш лозим;
- иқтисодиётда чет эл инвестицияларни ўзлаштиришни янада жадаллаштириш зарур.

### **Иккинчи боб бўйича хulosалар**

Иккинчи бобда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хulosалар олинди:

1. Инқирозларга қарши дастлабки яхлит дастур АҚШнинг 32-президенти Ф.Рузвельт томонидан ишлаб чиқилиб, амалга оширилган “Янги курс” (New Deal) иқтисодий дастури бўлиб, ушбу дастурнинг асосий мазмуни умум ишлаб чиқариш жараёнини давлат томонидан тартибга

солишдан иборат бўлган. Дастур доллар девальвациясини амалга ошириш, даромадларни қайта тақсимлаш, меҳнат бозорини тартибга солиш, касаба ўюшмаларини расман тан олиш ва уларнинг фаолият юритишига имконият яратиб бериш каби тадбирлардан ташкил топган.

2. Ривожланган мамлакатларда 2008 йилда рўй берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқизоризига қарши дастур доирасида “микдорий юмшатиш” пул-кредит сиёсатининг амалга оширилиши натижасида глобал иқтисодиётдаги пул маблағлари реал товар ва хизматлар кўламидан анча кўпайиб, 2012 йил якунига кўра мамлакатларнинг ялпи ташки қарзи 59,4 трлн. АҚШ долларига етган. Бу 2012 йилдаги жаҳон ЯИМнинг 79,3 % ини ташкил қиласди<sup>133</sup>;

3. Инқизорга қарши чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида АҚШда 2006-2018 йилларда ЯИМнинг мутлак ҳажми 149 % га ўсиб, 20,544 трлн. АҚШ долларга етди. ЕИда ЯИМ 2008 йилда 19,157 трлн. АҚШ долларини ташкил қиласми ҳолда 2018 йил якунларига кўра 18,768 трлн. АҚШ долларига тенг бўлди. Японияда 2011 йилда АЭСдаги авария натижасида ЯИМнинг мутлоч ҳажми 2012 йилда 6,20 трлн. АҚШ долларига, 2006, 2018 йилларда мос равишда 4,53 ва 4,97 трлн. АҚШ долларига тенг бўлди ҳамда иш билан бандликнинг юқори даражаси иқтисодий ўсишнинг кам суръати билан бирга кузатилди.

4. Жаҳон иқтисодиёти 2009 йилгача пасайиб, 2010 йилдан ҳозирги давргача ўсиш суръатларини намоён этмоқда. Охирги йилларда Япониядаги АЭС аварияси ва табиий оғатлар, Россия билан Украина муносабатларининг ёмонлашуви, Европа Иттифоқидаги ташки қарзлар муаммолари, Брексит жараёни, АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо урушлари натижасида дунё иқтисодиётининг ўсиш суръатлари секинлашди.

5. Глобал молиявий-иқтисодий инқизор натижасида инвестициялар оқими ривожланган давлатлардан жадал суръатлар билан ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Хитой ва Ҳиндистонга қайта йўналтирилди. Бу ривожланган давлатларда инқизор шароитида ликвидлик муаммоси, банк инқизори ва тўлов қобилиятининг пасайиши ҳамда молия бозорларидағи қулашлар таъсирида содир бўлди. 2006-2018 йилларда ривожланган давлатлардан АҚШда, ривожланаётган давлатлардан Хитой ва Ҳиндистонда капитал ҳажмининг ошиш тенденцияси кузатилди. Айниқса, Хитойда 2006-2018 йилларда капитал ҳажми 5,3 марта ўсиб, 5,99 трлн. АҚШ долларга етди. Ҳиндистонда ушбу даврда капиталлар ҳажми 2,3 марта ортиб, 2018 йил якунига кўра 0,85 трлн. АҚШ долларга етди. АҚШ бу даврда 33 % лик ўсиш кўрсаткичига эришди. Япония, ЕИ давлатлари ва Россияда таҳлил қилинаётган даврда капитал ҳажмининг ўсиш суръатлари паст бўлган. Инқизор таъсирида 2006-2018 йиллар мобайнида жаҳондаги ТТХИ ҳажми

<sup>133</sup> Жаҳон банки маълумотлари.

<https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?end=2016&start=1960>.

2,152 трл. АҚШ доллардан 850,924 млрд. АҚШ долларгача камайган ёки инвестициялар оқими 60 % га кисқарган.

6. Кейнс концепцияига асосан иқтисодиётнинг мунтазам равиша давлат томонидан тартибга солиниши ва ривожланишининг бозор иқтисодиёти модели биргаликда амалга оширилиши натижасида Хитойда глобал молиявий-иктисодий инқироз талофатлари катта бўлмади. Шунингдек, глобал молиявий-иктисодий инқироз натижасида мамлакатда ички талабнинг рафбатлантирилиши ва катта ҳажмдаги ҳорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилиши натижасида Хитой жаҳон иқтисодиётининг лакомативига айланди ҳамда 2014 йилдан ЯИМнинг ҳарид қобилияти паритети қиймати бўйича АҚШдан ўзиб, дунёда биринчи рақамли иқтисодиётта айланди.

7. Ўзбекистонда фонд бозорларининг фаолияти тўлиқ йўлга кўйилмаганлиги ва бошқа давлатлар билан иқтисодий интеграция жараёнларининг жуда чукур эмаслиги сабабли 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири унчалик жиддий бўлмаган. Шунга қарамасдан глобал молиявий-иктисодий инқироз Ўзбекистон иқтисодиётига куйидаги йўналишларда таъсир ўтказди:

жаҳон бозорида талабнинг тушиб кетиши оқибатида мамлакатга четдан келадиган валюта тушумининг камайиши;

халқаро молия бозорларида фоиз ставкаларининг ошиши натижасида мамлакат ташқи қарзи билан боғлиқ ҳисоб-китобларнинг қийинлашиши;

мехнат бозоридаги муаммолар туфайли чет элларда иш билан банд бўлган резидентларимиздан келадиган пул оқимининг камайиши;

мамлакатимиз билан ташқи иқтисодий ҳамкор давлатларнинг иқтисодий аҳоли ёмонлашиши сабабли миллий экспорт ҳажмининг пасайиши ва б.

8. Ўзбекистонда саноатга йўналтирилган асосий капиталга инвестициялар миқдори 2010 йилга нисбатан 18,6 % лик соф ўсиш билан 2018 йилда 48,1 % етишига ва хизматлар тармоғига йўналтирилган инвестициялар миқдорининг деярли икки баробарга қисқартирилишига қарамасдан, 2010-2018 йилларда мамлакат экспорти таркибида саноат тармоғидан кимё маҳсулотлари экспорти 5,1 % дан 6,5 % га, қора ва рангли металлар экспорти 6,9 % дан 8,4 % га ҳамда хизматлар 10,2 % дан 21,7 % га етган, шунингдек, мамлакат экспорт таркибида қолган товарлар бўйича ўсиш кузатилмаган. 2010-2017 йилларда мамлакатимизда асосий капиталга киритилган инвестициянинг асосий қисми – ўртacha 50,2 % и қурилиш-монтаж ишларига сарфланниб, асосий капитал таркибида пассив қисм ортган. 2018 йил якунинг келиб қурилиш-монтаж ишларига сарфланган инвестициялар 2010 йилга нисбатан 4 % га камайиб, асбоб-ускуна ва жиҳозларга йўналтирилган инвестициялар мос равиша 7,5 % га ўсган. Бу

тенденциянинг сакланиб турилиши келгусида инвестицион фаолиятнинг қайтими тезлашиши ва самарадорлиги юқори бўлиши учун хизмат қиласди. Иқтисодиётда “кувив етувчи” модернизациялаш стратегияси муваффакиятли амалга оширилиши устун даражада миллий иқтисодиётнинг саноатлашиш даражаси ва асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўзлаштирилишига боғлиқдир. Мамлакатда ЯИМ 2000-2009 йиллар оралигида ўсган ва 2009 йили якунига кўра 8,4 % га етган. 2010 йилдан 2018 йилгача 7,5 % дан 5,8 % гача пасайган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилгача ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2010-2014 йиллар давомида бироз пасайган ҳамда 2015-2018 йилларда ўрта хисобда 9,7 % ўсган. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳам 2005-2009 йилларда 19,9 % лик ўсишни қайд этгани ҳолда, 2010-2014 йилларда 7,7 % гача пасайган ва 2015-2018 йилларда 15,7 % гача ўсган. Бу сўнги йилларда иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ислоҳотларни амалга ошириш янги босқичга кўтарилиганидан далолат беради.

## **ШІ-БОБ. “ҚУВИБ ЕТУВЧИ” ИҚТИСОДИЁТДА ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **3.1. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш инқирозга қарши дастурлар самарадорлигини ошириш омили сифатида**

Мамлакатимизда мустақиликнинг илк кунларидан ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Чунки, ишлаб чиқариш жараёни ва хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожлантирилиши аҳолининг турмуш даражаси ва даромадининг ортишига, истеъмолчилар эҳтиёжларини янада кўпроқ қондирилишига ҳамда рақобатбардошликтининг ортишига хизмат килади. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун манзилли Дастурлар ва чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация килишни чукурлаштириш, бандлукни таъминлаш, аҳолининг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омили ва йўналишларидан бири тариқасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда”<sup>134</sup>.

Сўнги пайтларда мамлакат Президенти Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3928-сонли “Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>135</sup> Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан фаолият кўрсатмаётган ва фойдаланилмасдан турган объектлар мулкдорлари, барча даражадаги раҳбарларнинг мазкур объектлардан оқилона ва максадли фойдаланилиши бўйича масъулиятини кучайтириш, шунингдек, корхоналарни хўжалик фаолиятига кенг жалб этиши ҳамда шу асосда янги иш ўринларини яратиш асосий вазифа этиб белгиланган.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига инновацияларни самарали жорий этиш, уларни оптималь равишда ривожлантириш иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартидир. Чунки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ўзининг турлари, сифати, ҳажми бўйича талабга жавоб бермаслиги, яъни муомаладаги пул миқдори билан товарлар ва хизматлар ҳажми ўртасидаги нисбатнинг бузилиши иқтисодий пасайишга, охир-оқибат иқтисодий инқирозга олиб келади. Шу сабабли ишлаб чиқариш

<sup>134</sup> „Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йида мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган маъжлисига маъруясаси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий веб сайти – [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz) (16.01.2016).

<sup>135</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуқуқатлари маълумотлари мислий базаси, <http://lex.uz/docs/3892819>.

ва хизмат кўрсатиш жараёнининг ҳар тарафлама ривожлантирилиши, бу жараёнларни модернизациялаш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш, диверсификациялаш ҳамда мувозанатли ва мутаносибли ривожлантириш иқтисодий инқироздан қутилишнинг ёки унинг олдини олишнинг муҳим йўлидир<sup>136</sup>.

Шунингдек, иқтисодиётдаги 4 та боскичдан иборат узун цикларнинг юксалиш, рецессия, депрессия ва жонланиш фазаларининг энг муҳимларидан бири, жонланиш фазаси товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилар саъй-ҳаракати ва давлатнинг бевосита аралашувида иқтисодий мувозанатни қайта тиклаш учун комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида юзага келади. Ушбу фазада инновацияларнинг иштироки алоҳида аҳамиятга эгаdir<sup>137</sup>.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида белгилаб берилган муҳим устувор вазифалар қаторида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади<sup>138</sup>. Бундан ташқари, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилган<sup>139</sup>. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш бир вактнинг ўзида ҳам иқтисодий инқирозларни олдини олишда, ҳам фуқароларнинг турмуш ва ҳаёт сифатининг ошишида, иш ўрни ва даромадларнинг кўпайишида ўз ифодасини топади. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишда ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасига инновацияларни кўллаш муҳим аҳамият касб этади. Бу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини инновацион гоялар ва талаб даражасида ривожлантириш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг узвий қисми эканлигининг яна бир далилидир.

Олдинги параграфларда кўриб чиққанимиздек, Россияда глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг авж олишига сабаб бўлган ички омиллардан бири иқтисодиётда инновацияларни кўллаш кўламининг пастлигидадир. Чунки инновацион иқтисодиёт мамлакат иқтисодий ўсиш

<sup>136</sup> Б.Ю.Ходиев, Ш.Ш.Шодмонов. Иқтисодиёт назарияси. (Дарслук). – Т.: “Барқамол файз медиа”, 2017. – Б. 45.

<sup>137</sup> Жаббаров К.Й. Иқтисодиётта ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этили иқтисодий инқирозларга карши дастурларни самарадорлигини оширишининг омили сифатида // Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академииси Кораллогистон бўлимининг Ахборотномаси. № 1(250), 2018. – Б. 70.

<sup>138</sup> Ш.Мирзиёев. Тақиҷий таҳлил, катъий тартиб-иғтизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаoliyatiнинг кунидалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишиларни бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.

<sup>139</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4974-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармони, [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

суръатларига ижобий таъсир қиласи ва инқирозга қарши чоратадибирларнинг асосий элементларидан бири хисобланади. 2007-2014 йиллар мобайнида инновацион индекс ривожланган мамлакатларда ўсиш тенденциясига эга. Жумладан, Жанубий Кореяда 4,8 %, Хитойда 3,6 %, Европа Иттифоқида 2,4 % ва АҚШда 1,0 % ўсиш суръатлари қайд этилган бўлса, Россияда бу кўрсаткич салбий бўлиб, -1,6 % га тенгdir<sup>140</sup>. Бу борадаги энг юкори кўрсаткич Хитойга тегиши бўлиб, мамлакатда инновацияни ривожлантиришнинг давлат сиёсати даражасида юритилиши натижасида бу кўрсаткич қайд этилган. Бошқача айтганда, 2008 йилда ривожланган давлатларда ЯИМнинг қўшимча йиллик ўсиши 0,1 %, дунёда 2,8 % бўлганда, Хитойда 9,6 % ни ташкил этган<sup>141</sup>.

Фикримизча, ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасини инновацион ривожлантириш куйидаги занжирсизон харакатда содир бўлиб, домино эффекти сингари инқирозларга қарши курашишда жуда муҳим аҳамият касб этади:

ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасини инновацион ривожлантириш → соҳага энг сўнги фан ва техника ютукларининг кириб келиши → ушбу йўналишларга инвестициялар оқимининг кучайиши → инфратузилманинг яхшиланиши → энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш → маҳсулот ва хизматлар таннархининг пасайиши → маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар рақобатбардошлигининг ортиши → жаҳон бозорига илм-фан сарфи юкори бўлган маҳсулотлар билан чиқиш имконияти → жаҳон бозори конъюнктурасига тез мослашиш ва ўз сегментини мустаҳкам эгаллаш → мамлакат рақобатбардошлигининг мустаҳкамланиши → барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминланиши<sup>142</sup>.

Жамиятда ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодий жараёнларга жорий этилиши маҳсулот ва хизматлар таннархини камайтиришга кўмаклашади; маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлигини оширади; ишлаб чиқариш самарадорлигини ва хизматлар ҳажмини кўпайтиради; электрон савдоларни йўлга кўйиш ва ривожлантиришга имконият яратади; маълумотлар олиш ва уларни жўнатишга кетадиган молиявий харажатларни камайтиради; маълумотларни қисқа муддатларда ва сифатли олинниши натижасида хўжалик фаолиятининг самарадорлиги кўтарилади<sup>143</sup>.

Сўнгги йилларда АҚТ соҳасида олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши ва АҚТининг ривожланиши ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. “АҚТ ҳозирги кундаги

<sup>140</sup> <https://ec.europa.eu/Growth/industry/innovation/facts>.

<sup>141</sup> Халқаро валотга фонди маълумотлари

<sup>142</sup> Муаллиф ишланмаси

<sup>143</sup> Арипов А.Н., Иминов Т.К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. Монография. Т.: “Фан ва технология”, 2005. – Б. 61 – 62.

глобал иқтисодиётнинг ажralmas қисми бўлиб, у нафақат жаҳон бозорининг самарали фаолият юритишини таъминловчи восита, балки дунё иқтисодиёти ривожланишининг локомотивидир. Ривожланган мамлакатларнинг хукуматлари бу соҳани иқтисодий ривожланишининг стратегик вектори сифатида кўриб, ҳозирги босқичда унга иқтисодий ўсишни тезлаштиришнинг асосий манбай сифатида қарайдилар”<sup>144</sup>.

Жаҳонда инновацион иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида АҚТга асосланган рақамли иқтисодиётнинг ЯЙдаги улуши муттасил ошиб бормоқда. Ривожланган давлатларнинг ялпи ички маҳсулотида рақамли иқтисодиётнинг улуши 2010 йилда 1,2 % га тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йил якунларига кўра 5,5 % га етган. Ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич мос равишда 2017 йилда 3,6 % дан 4,9 % га етган<sup>145</sup>.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, жаҳондаги инновацион жараёнларнинг кечиши АҚТнинг ривожланиши билан тўғри мутаносиблика эга эканлигини кўришимиз мумкин. Эндиликда дунёдаги инновацион жараёнлар кўйидаги ижобий ўзгаришлар фонида содир бўлмоқда:

- инвесторларнинг илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига қизиқишининг ортиши ва бу соҳани молиялаш ҳажмининг кейнинг йилларда ўсиши;
- глобал телекоммуникациялар тармоғининг шаклланиши;
- интернет технологияларидан фойдаланиш даражасининг ортиши;
- информацион, нано ва биотехнологиялар соҳасида конвергенция жараёнларининг кенгайиши;
- энергия тежовчи технологияларнинг қўлланилиш ҳажмининг ортиши ва пировардида экологик муаммоларнинг ҳал этилиши<sup>146</sup>.

Сўнги йилларда жаҳон иқтисодиётида интеграциялашувнинг кучайиши, глобаллашув жараённинг жадаллашуви ва технологик янгиланишининг тезлашиши сабабли иқтисодиётнинг цикли ривожланишининг даврий оралиғи Китчин циклигача қисқарди. Оқибатда инқизрзога қарши курашишининг қисқа фурсатларда ижобий натижалар намоён этадиган варианtlарини амалда кўллашга эҳтиёж сезилмоқда.

Бундай шароитда инновацион иқтисодиётни шакллантириш миллий иқтисодиётнинг хавф-хатарларга бардошлилиги даражасини ошишига хизмат киласди. Охирги йилларда жаҳонда инновацион ривожланишга сарфланадиган маблағлар ҳажмининг меъёр даражасида ушлаб турилиши иқтисодий ўсишга замин ҳозирламоқда. Ушбу қонуниятнинг исботи сифатида жаҳон

<sup>144</sup> Кадыров А.М., Севликянц С.Г., Отто О.Э., Ахмедиева А.Т. Информационно-инновационное развитие экономики Узбекистана. Монография. Т. I: “Иқтисодиёт” – 2011. – С. 32.

<sup>145</sup> Муминова Г.Б. Ахборот коммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш. И. ф. д. диссертацияси автореферати. – Т. 2019. – Б. 5.

<sup>146</sup> Исаджанов А. А. Инновационная политика и проблемы устойчивого экономического развития// Иқтисодиёт ва таълим илмий журнали. № 3, 2016 й.

иктисодиётида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ) билан ЯИМ ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилишимиз мумкин (3.1-расм).



3.1-расм. Жаҳонда ИТТКИга сарф-ҳаражатлар ва ЯИМ ўртасидаги боғлиқлик<sup>147</sup>, фоизда

2010 йилда ИТТКИга ҳаражатлар ҳажмининг 1,9 % дан 2,0 % га етказилиши ЯИМнинг -1,68 дан 4,3 % га кўтарилишига олиб келган. 2012 йилга келиб ИТТКИга ҳаражатлар миқдорининг камайтирилиши ЯИМ ҳажмининг 3,13 % дан 2,51 % га тушишига сабаб бўлган. Кейинги йиллар давомида ИТТКИга сарфларнинг камайтирилиши ЯИМ ҳажмининг камайишига ёки аксинча оширилиши, ЯИМ ҳажмининг ортишига туртки бўлган.

Ўзбекистонда изчилилк билан амалга оширилаётган чукур иктисодий ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам инновацион ривожланиш асосида мамлакатнинг баркарор иктисодий ўсишини таъминлашдан иборатdir. Жаҳон тажрибасидан маълумки, инновацион ривожланиш кўрсаткичи мамлакат ЯИМда ИТТКИларига ажратилган ҳаражатлар улуши билан ифодаланади.

Бутунги кунда ривожланган мамлакатларда ИТТКИга ЯИМнинг 3 % атрофида маблағ сарфланади (3.1-жадвал).

Ривожланаётган мамлакатларда эса, бу кўрсаткичининг камида 1,5 % атрофида бўлиши тавсия этилади. Бундай тавсия Халқаро Академик Кенгаш томонидан ишлаб чиқилган.

3.1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, инқироздан кейинги йилларда барча давлатларда ИТТКИга ҳаражатларни ошириш тенденцияси кузатилган. Энг катта кўрсаткич Хитойга тегишли бўлиб, 2018 йилда 2010 йилга нисбатан 335,8 % кўп натижани қайд этган.

<sup>147</sup> Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

**3.1-жадвал.**

**Мамлакатларда ИТТКИга сарфланган маблағларнинг ўзгариш тенденцияси<sup>148</sup>**

№	Мамлакат	Йиллар давомида ИТТКИга ажратилган маблағ ЯИМга нисбатан, % да (млрд. АҚШ долларида)				Ўзгариш, 2010 йилга нисбатан, % да
		2010	2012	2015	2018	
1.	АҚШ	2,8 (395,8)	2,85 (436,0)	2,77 (496,84)	2,84 (552,98)	139,7
2.	Германия	2,4 (68,2)	2,87 (90,6)	2,92 (112,16)	2,84 (116,56)	170,9
3.	Япония	3,3 (142,0)	3,48 (157,6)	3,41 (164,59)	3,50 (186,64)	131,4
4.	Хитой	1,4 (141,4)	1,60 (198,9)	1,92 (372,81)	1,97 (474,81)	335,8
5.	Россия	1,0 (22,1)	1,08 (26,9)	1,5 (55,77)	1,52 (58,62)	265,2

Миллий инновацион тизими ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг ташқи таъсирларга бардошлилик даражаси юкори бўлиб, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари сезиларсиз даража бўлган<sup>149</sup>. Бунга яна мисол сифатида Хитойни келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётда илм-фан ва техника ютуқларини кенг кўллаш ҳамда замонавий инновацион технологияларни жорий этиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур хужжат билан ИТТКИга сарфланадиган давлат ҳаражатларини 2021 йилга бориб ЯИМнинг 0,8 фоизига етказиш вазифаси кўйилган<sup>150</sup>.

2008 йилда инқирозга қарши дастур доирасида ажратилган маблағларнинг асосий қисми инқирозга қарши чоралар сифатида кўлланилиб, мамлакатда ялпига талабни рағбатлантиришга қаратилган (3.2-жадвал).

АҚШда инқирозга қарши дастур доирасида 2,3 трлн. АҚШ доллар миқдорида маблағ сарфланган, бу мамлакат томонидан 2010 йилда ИТТКИга сарфланган маблағдан 5,5 марта кўпидир. Ёки Японияда мазкур кўрсаткич 5,6 марта зиёдроқдир. Мос равишда бу кўрсаткич Хитойда 6,7 ва Россияда 14,4 мартадан юкоридир. Инқирозга қарши дастур доирасида ЕИ мамлакатларида амалга оширилган чора-тадбирларнинг энг асосий йўналишларидан бири инновацияларни ривожлантиришга қаратилган.

<sup>148</sup><https://www.rdmag.com/article/2010/12/2011-global-r-d-funding-forecast-stability-returns-r-d-funding>,  
<https://www.battelle.org/docs/default-source/misc/battelle-2012-misc-rd-funding-forecast.pdf?sfvrsn=4>, 2017  
 Global R and D funding Forecast Industrial Research Institute, 2017.P.5.,  
[https://digital.rdmag.com/researchdevelopment/2018\\_global\\_r\\_d\\_funding\\_forecast?pg=5#pg5](https://digital.rdmag.com/researchdevelopment/2018_global_r_d_funding_forecast?pg=5#pg5).

<sup>149</sup> НТР и мировая политика: Учебное пособие /Под. ред. А.В.Бирюкова, А.В.Крутских. МГИМО (Университет) МИД России. М.:МГИМО – Университет, 2010. - С. 7.

<sup>150</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари мальумотлари миллий базаси, <http://lex.uz/docs/3913188>.

3.2-жадвал.

Инқирозга қарши чора-тадбирлар йўналишлари<sup>151</sup>

Мамлакат	Дастур доирасида сарфланган маблаг		Инқирозга қарши дастурнинг асосий йўналишлари		
	трлн. \$	2010 йил ЯИМга нисбатан, % (трлн. АҚШ долларида)	Банк тизимини баркарорлашти- риш	Солик имтиёзлари тақдим этиш	Инфратузилма- ва ижтимоий соҳани кўллаб- куватлаш
АҚШ	2,3	15,4 (14,992)	Ички истеъмолни рагбатлантириш, солик имтиёзлари	Инновациялар- ни рагбатланти- риш, тадқиқот ишлигини жадаллашти- риш	Ижтимоий химоя, инфратузилма- ни яхшилаш
ЕИ	2,64	15,5 (17,015)	Молия тизимини кўллаб-куватлаш	Ижтимоий химоя	Инфратузилма- ни яхшилаш
Япония	1,06	18,6 (5,7)	Инфратузилмани яхшилаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш	Ички талабни ривожлантириш	Реал секторни ривожлантириш
Хитой	0,57	9,4 (6,087)	Солик имтиёзлари, кредитлашни ошириш	Йирик корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатиш	Миллӣ валютани деваливация килиш
Россия	0,22	14,4 (1,525)			

Сўнгига йилларда жаҳонда ИТТКИга сарфланаётган маблаг ҳажми ортиб бормоқда. Жадвалда келтирилган бешта мамлакатда ҳам 2010 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврда сарфланаётган маблаг микдори муттасил ўсиб бормоқда. Бу иқтисодиётни инновацион ривожлантириш орқали иқтисодий хавф-хатар ва инқирозларга қарши қурашда ўз самарасини бермоқда. Чунки иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш ва талофатларини юмшатишдан кўра унга қарши қурашиб мақсадга мувофиқдир. Эътибор берадиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда биргина 2008 йилда рўй берган молиявий-иқтисодий инқирозга қарши дастур доирасида мамлакатлар

<sup>151</sup> Жаҳон банки маълумотлари ([data.worldbank.org](http://data.worldbank.org)); [www.investopedia.com](http://www.investopedia.com) веб сайти; Emergency Economic Stabilization Act (EESA) of 2008, USA ва [www.recovery.gov](http://www.recovery.gov) веб сайти; American Recovery and Reinvestment Act of 2009, USA; [www.investopedia.com](http://www.investopedia.com) веб сайти; Stability and growth Pact (SGP); [www.boj.or.jp](http://www.boj.or.jp) сайти маълумотлари; [www.xinhuanet.com/cn/16.04.2009/](http://www.xinhuanet.com/cn/16.04.2009/); Исмаилов А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шаронитида пул тизимини тартиғида солиши. //Бозор, пул ва кредит. № 03(154), 2010 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилиди.

## **Иқтисодий инқизроларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишининг устувор йўналишилари**

ЯИМНИНГ 15-19 % миқдоридаги қисми сарф этилган, ривожланаётган давлатларда 13 % ва Россияда 13,9 % миқдорида маблағ сарфланган.

Дунё бўйича ИТТКИ энг кўп маблағ сарфлайдиган давлатларда ишлаб чиқариш самарадорлигининг юқорилиги, хизмат кўрсатиш соҳасининг юксак даражада ривожланганлиги, иқтисодиётнинг барқарорлиги, жаҳон экспорт бозорида уларнинг маҳсулотларига талабнинг юқорилиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг рақобатбардошлити ва мунтазам ўсиш суръатлари таъминланганлиги ҳолатларини кўришимиз мумкин.

Инқирознинг салбий оқибатларини бартараф қилиш учун катта миқдордаги маблағларни сарфлагандан кўра иқтисодиётни инновацион ривожланиришга маблағ ажратиши орқали инқизроларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш бир мунча арzonга тушади. Чунки “инновацион иқтисодиёт, чуқур билимга асосланган ҳолда, ҳар қандай инқирозларнинг олдини олади”<sup>152</sup>.

Шунинг учун ҳам жаҳон мамлакатлари айнан инқироз даврида инновацияларга катта маблағ йўналтирганлиги кўпчиликка маълум (3.3-жадвал).

### **3.3-жадвал.**

#### **2018 йил мобайнида бутун дунёда ИТТКИга энг кўп маблағ ажратган мамлакатлар ўнталиги<sup>153</sup>**

№	Давлатлар	ЯИМ, млрд. АҚШ доллари	ИТТКИга харажат, ЯИМга нисбатан % да	ИТТКИга харажат, млрд. АҚШ долларида	ИТТКИга харажат 2017 йилга нисбатан ўзгариши, млрд. АҚШ долларида / %	2018 йил халкаро Ракобатбардошлик рейтингидаги ўрни, 2017 йилга нисбатан ўзгариш
1.	АҚШ	19 921	2,84	565,76	+ 28,17 / 0,052	1
2.	Хитой	24 646	1,97	485,53	+ 40,71 / 0,091	28
3.	Япония	5 469,9	3,50	191,45	+ 5,92 / 0,032	5(+3)
4.	Германия	4 253,8	2,84	120,81	+ 5,97 / 0,052	3
5.	Хинди斯顿	10 146,1	0,85	86,24	+ 9,33 / 0,121	58(+5)
6.	Жанубий Корея	2 087,8	4,32	90,19	+ 4,76 / 0,055	15(+2)
7.	Франция	2 885,4	2,25	64,92	+ 2,79 / 0,045	17(+1)
8.	Россия	4 068,0	1,52	61,83	+ 4,02 / 0,069	43(+2)
9.	Бирлашган Қироллик	2 926,1	1,72	50,33	+ 1,17 / 0,024	8(-2)
10.	Бразилия	3 293,0	1,17	38,53	+ 1,39 / 0,037	72(-3)

<sup>152</sup> Гулъимов С., Акбарова М. Иқтисодий барқарор ривожланишда интеллектуал таълимнинг роли. Совершенствование мер и механизмов по укреплению макроэкономической стабильности, обеспечению устойчивого развития и повышению конкурентоспособности национальной экономики: материалы VIII Форума экономистов/под общей редакцией к.э.н. Ахмаджанова Ш.Х. и к.п.н. Каримова К.Х. Т.: ИПТД имени Чулпан, 2017. – С. 89.

<sup>153</sup> Муаллиф томонидан “2019 Global R and D Funding Forecast” ҳамда “The Global Competitiveness Report 2018” маълумотлари асосида тузиленган.

3.3.-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан ИТТКИга кўпроқ маблағ сарфлаган мамлакат Хитой бўлиб чиқмоқда. Хитой рейтингда 2-ўринни банд этиши билан бир қаторда, соҳага ажратилаётган маблағлар кўламини кенгайтириб бормоқда. Бу Хитойнинг дунё иқтисодиёти локомативига айланishiга замин ҳозирламоқда. Рўйхатдаги аксарият мамлакатлар ИТТКИга маблағ сарфлаш ҳажмини ошириши билан халқаро рақобабатбардошлик рейтингида ҳам ўз ўринини мустаҳкамлаб бораётганини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш борасида сўнги йиллар мобайнида самарали ишлар амалга оширилиши натижасида 2017 йилда ИТТКИга 0,59 млрд. АҚШ доллар ажратилган бўлиб, бу кўрсаткич 2018 йилда 0,62 млрд. АҚШ долларга етган<sup>154</sup>.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизни жадал ривожлантириш, иқтисодиётни туб ислоҳотларни амалга ошириш ҳисобига инновацион ривожлантириш учун худудларда инновацион технопаркларни ташкил этиш, инновацион инкубаторларни шакллантириш, инновацияларга давлат буюртмаларининг қамровини кенгайтириш ва инновацион фаолиятнинг ҳукукий асосларини такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кластерлар фаолиятини давлат томонидан кўллаб-куватлаш лозим.

Учинчи минг йиллик бошларига келиб мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш учун индустрiali иқтисодиётдан инновацион ривожланган иқтисодиётга ўтиш зарурати кун тартибидағи асосий масалага айланди. Бу билимлар иқтисодиётига асосланган инсон капиталини ривожланишида янги даврни бошлаб берди. Бу куйидаги омиллар билан изоҳланади:

— Америкалик иқтисодчи Л.Туро инсон капиталига оид тадқиқотлари натижасига кўра, иқтисодий ўсиш, иқтисодиётда даромадлар тақсимоти, ишлаб чиқариш даражаси ва сифати, ижтимоий соҳа каби қатор иқтисодий кўрсаткичлар бевосита инсон капитали билан боғлиқ деган хуносага келади, бошқача айтганда “инсон капитали концепцияси замонавий иқтисодий изланишиларнинг асосини ташкил этади”<sup>155</sup>;

— 1988 йилда америкалик иқтисодчи Р.Лукас ўз илмий изланишиларида инсон капиталининг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ролини тадқиқ этиб, мамлакатнинг иқтисодий ва инсон капитали кўрсаткичлари ўзаро тўғри мутаносиблика эга деган хуносага келади<sup>156</sup>;

<sup>154</sup> Studt T. GS 3 GFF. 2018 Global R and D funding Forecast. R and D 100-conference. P. 31.

<sup>155</sup> Thurow L. Investment in Human Capital. Belmont, 1970. – P. 2.

<sup>156</sup> Lucas R. On the Mechanism of Economic Development // Journal of Monetary Economics. 1988. Vol. 22. – P. 3-32.

## ***Иқтисодий инқизорзларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишининг устувор йўналишлари***

— завод, асбоб-ускуна ёки ишлаб чиқариш захираси эмас, балки айнан инсон капитали рақобатбардошлик, иқтисодий ўсиш ва самарадорликнинг омили сифатида юзага чиқади<sup>157</sup>;

— жаҳон иқтисодиётидаги глобал қиймат занжирларига биринчи тоифа мамлакатлар фикат ҳом ашё ва кўшилган қиймати паст бўлган маҳсулот ва хизматлар етказиб берса, бошқа тоифа мамлакатлар кўшилган қиймати юкори бўлган маҳсулотлар етказиб беришади. Биринчи тоифа мамлакатлар якуний маҳсулотлар тайёрлайди ва уни қайта экспорт қиласди. Глобал қиймат занжирда бу тарзда қатнашиш backward, якуний маҳсулот тайёрловчига оралиқ маҳсулотлар ёки ҳом ашё етказиб бераидиган иккинчи тоифа мамлакатлар forward тарзда иштирок этишади. Глобал қиймат занжирда backward тарзида иштирок этувчи мамлакатлар экспорт салоҳияти кучаяди ва мамлакатнинг ташки тъсисрларга сезувчанлиги паст бўлади, яъни мамлакат рақобатбардош бўлади<sup>158</sup>.

Юкорида келтирилган жиҳатлар ишлаб чиқариш омиллари таркибининг ўзгаришига олиб келди. Ер, табиий ресурслар ва капитал каби ишлаб чиқариш омиллари қаторида инсон капитали ҳам тилга олинадиган бўлди. Жаҳон хўжалиги тизимида мамлакат рақобатбардошлигини ва инновацион ривожланишини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири сифатида инсон капиталини ривожлантириш даражаси эътироф этила бошланди.

2013 йилдан эътиборан Жаҳон иқтисодий форуми, Гарвард университети ва Меркер инсон ресурслари бўйича халқаро консалтинг компанияси томонидан инсон капитали тўғрисидаги йиллик ҳисобот эълон қилина бошланди.

Аср бошига келиб Скандинавия мамлакатларида инсон капиталини ривожлантиришга бўлган эътибор натижасида Швецияда иқтисодиёт инсон капитали назарияси асосида қайта ислоҳ этилди ва 2000 йилга келиб жаҳон иқтисодиётидаги етакчилар қаторига қўшилди. Финландия ўз тараққиётининг кисқа даврида инновацияларга асосланган иқтисодиётини бунёд этиди ва юкори технологиялар соҳасида рақобатбардош мамлакатта айланди. Мазкур давлатларда инновациялашган иқтисодиёт ва ахборотлашган (ахборот алмашинуви юкори бўлган) жамиятнинг фундаментал асосини инсон капитали яратганига гувоҳ бўлишимиз мумкин<sup>159</sup>. 1990-2017 йилларда Инсон капитали индексининг юкори суръатлар билан ўсишига эришган мамлакатлар сирасига мазкур йилларда

<sup>157</sup> Акрамова Ш.Г. Инсон капитали мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширувчи омили сифатида. “Ўзбекистонда рақобат муҳитининг шаклланиши: назарин ва амалиёт” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2015. – Б. 474.

<sup>158</sup> Kowalski P., et al. (2015), “Participation of Developing countries in Global value chains: implications for trade and trade related policies”, OECD Trade policy papers, No. 179, OECD Publishing, Paris

<sup>159</sup> Kiker B. F. The Historical Roots of the Concept of Human Capital // Journal of Political Economy. 2001. P.486.

ўртача 1,51 % ўсиш билан Хитой, 0,97 % билан Сингапур, 0,80 % билан Корея, 0,82 % билан Малайзия каби мамлакатлар киради<sup>160</sup>.

Мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожлантириш жамиятда бир қатор ижобий ўзгаришлар содир бўлиши билан муҳимдир. Хусусан:

- мамлакат иқтисодиётига четдан кириб келадиган инвестициялар миқдорининг ортиши;
- венчурли молиялаш тизимининг ривожланиши;
- миллий иқтисодиётнинг ташки таъсир ва иқтисодий инқирозларга нисбатан иммунитетининг шаклланиши;
- ўзгарувчан жаҳон бозорида ўз миллий маҳсулотларига нисбатан катъий талабнинг мавжудлиги ва ўз харидорлар сегментига эга бўлиши;
- мамлакатда энг сўнги илм-фан ютуқларининг жамланиши;
- миллий иқтисодий хавфиззликнинг таъминланишига эришилиши;
- иқтисодиётда рақобатбардошликтнинг ортиши;
- барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш ва бошқалар.

Бугунги кунда жаҳон тажрибасида синалган, ўзининг ижобий самарасини намоён этаётган, барқарор иқтисодий ривожланиш ва жамият мулкини бошқариш самарадорлигини ошириш учун мавжуд ресурс базасини кенгайтириш ва фойдаланилмаётган ресурсларни жойлаштиришнинг асосий механизмларидан бири давлат-хусусий шерикчилиги ҳисобланади.

Давлат-хусусий шериклиги иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида кўшимча молиялаштириш манбаларини жалб этиш, хусусий секторнинг харажатларни иқтисод килиш ва аҳоли учун сифатни ошириш каби ижобий жиҳатлардан ҳамда инфратузилмани ривожлантиришини ошириш имкониятидан унумли фойдаланишга замин ҳозирлайди. Давлат-хусусий шериклик механизмидан дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида иқтисодиёт соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. Бугунги кунда давлат-хусусий шериклиги бўйича дунёда Буюк Британия, Германия, АҚШ каби мамлакатлар пешқадамлик қилмоқда, МДҲ мамлакатларида Россия Федерацияси ва Қозогистонда бундай лойиҳалар ривожланмоқда<sup>161</sup>.

Давлат-хусусий шериклиги иқтисодиётга хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ижтимоий аҳамиятга эга ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш учун ресурсларни бирлаштириш ҳамда тақсимлаш мақсадида тузилади. Бутунжаҳон банкининг маълумотларига кўра, XXI асрнинг ўтган даври мобаёнида ушбу механизм тобора оммалашиб, ҳозирда 130

<sup>160</sup> Индексы и индикаторы человеческого развития. Обновленные статистические данные 2018. UNDP. – С. 26–27.

<sup>161</sup> Давлат-хусусий шерикчилигининг мөхияти. <https://tiaame.uz/uz/page/pdf/1-05-19-6>

## **Иқтисодий инқизорларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари**

дан ортиқ ривожланаётган мамлакатларда кўлланилмоқда ва инфратузилмага 15-20% инвестиция жалб қилинишига замин хозирламоқда<sup>162</sup>.

Мамлакатда давлат-хусусий шериклик механизмини кўллаб, инновацияни иқтисодиётни шакллантириш учун илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, уларнинг амалий натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш амалда “буортмачи-тадқиқотчи-инвестор” узлуксиз занжиридан фойдаланиш даражасига боғлиқдир. Мамлакатта кириб келган хусусий инвестицияларни мавжуд илмий ишланмаларни амалиётта жорий этишга йўналтириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга кўйиш ва илмий ишланмалар самарадорлигини оширишда ушбу жараённи манзилли равишда ташкил қилиниши маблағларни беҳуда харажат қилишнинг олдини олади. Шу билан бирга тадқиқотчини илмий ишланмани муваффақиятли тутатиш учун рағбатлантиради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ИТТКИни молиялаштириш даражаси халқаро стандартлардан паст бўлиб, бу омил инновацион фаолиятни инвестициялашда хусусий сектор маблағларини жалб этишини тақозо этмоқда. Чунки АҚШ, Хитой, Япония, Германия ва Корея Республикаси каби инновацион ривожланган мамлакатларда ИТТКИни молиялаштиришда хусусий сектор маблағларининг улуши 60-70 % ни, давлат маблағларининг улуши 17-30 % ни ташкил этади<sup>163</sup>.

Бундан ташкири сўнги йилларда иқтисодиёт ривожланган сари, инновацион фаолиятни инвестициялашнинг нодавлат манбалари, айниқса, хусусий секторнинг улуши ўсиб бормоқда<sup>164</sup>.

Тадқиқотларимиз жараённида республикамизда инновацион соҳада амалга оширилаётган бир қатор чора-тадбирлар билан яқиндан танишдик. Ушбу чора-тадбирлар ва тадқиқотларимиз натижасидан келиб чиқиб, рақобатбардош, билимларга асосланган, инвестицияларни фаол жалб этишга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш мақсадида куйидаги таклифларни амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб топдик:

- иқтисодиётга, жумладан, таълим жараёнига давлат хусусий-шериклик механизмини жорий этиш, илмий тадқиқотларни тижоратлаштириш учун маҳсус “буортмачи-тадқиқотчи-инвестор” занжирини яратиш;

- янги илмий ишланмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва тижоратлаштириш учун корхоналарда мукаммал менежмент тизимини йўлга кўйиш, сифатли илмий ва техник нашрлар тизимини йўлга

<sup>162</sup> БМТ Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклиги жорий этилишини кўллаб-куватламоқда. <http://www.un.uз/uzb/news/display/268>

<sup>163</sup> National Science Board. Arlington, VA: National Science Foundation Science and Engineering Indicators 2018 (NSB-2016-1), p. 4/45-46.

<sup>164</sup> Шадиева Д.Х. Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини таомиллаштириш. И.ф.д. диссертацияси автореферати. – Т, 2020. Б. – 18

қўйиш, инновацион фаолиятни яхши йўлга қўйиш учун мамлакатга четдан кириб келадиган ТТИ ҳажмини ошириш;

- мамлакатнинг барча миңтақаларини бир-бiri билан боғлайдиган бутун ифратузилмани яратиш, соғликни сақлаш тизимини меъёр даражасида молиялаштириш, аҳолининг соғлом ва билимли мутахассис бўлиши учун етарли шарт-шароитларни яратиш, юқори даражадаги инновацион экотизим барпо этиш.

Мамлакатимизда иқтисодиётда инновацион фан ва техниканинг энг сўнги ютукларини тез фурсатларда ўзлаштирилиши, иқтисодиёт ракобатбардошлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш иқтисодий инқирозларга қарши курашишда асосий платформалардан бири вазифасини ўтайди.

## *Иқтисодий инқирозларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишинг устувор йўналишлари*

### **3.2.Иқтисодий мувозанатни тъминлашнинг замонавий усулларини жорий этиш хусусиятлари**

Иқтисодиёт фанида макроиктисодий мувозанат энг асосий иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. Макроиктисодий мувозанат бу миллий иқтисодиётнинг барча бозорларда бир вақтда талаб ва таклифнинг tengligiga эришган холатидир. Инқирозлар макроиктисодий мувозанатлар бузилганда вужудга келади. Иқтисодий адабиётларда макроиктисодий мувозанатлар сифатида жами талаб ва жами таклиф мувозанати, товар ва пул мувозанати, даромадлар ва ҳаражатлар мувозанати ҳамда истеъмол ва жамғариш ўртасидаги мувозанати келтириб ўтилади.

Такрор ишлаб чиқариш нисбатларининг бузилишидан содир бўладиган ортиқча ишлаб чиқариш инқирози ёки тақчил ишлаб чиқариш инқирози талаб билан таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши – тўлри наф келтирадиган неъматларни кўй ишлаб чиқариш, лекин уларни тўла реализация кила олмаслик ёки инқироз даврида етишмовчилик натижасида етарли даражада ишлаб чиқармаслик билан изоҳланади.

Бундан ташқари иқтисодий ривожланишинг драйвери бўлган хорижий инвестиция ва кредитлар, жумладан, ТТҲИни жалб қилиш “кувуб етувчи” модернизациялаш шароитида жуда мухим ўрин тутади. Бунга жамғарма ва истеъмол ўртасидаги барқарор нисбатни тъминлаш орқали хорижий инвестиция ва кредитларни жалб этиш кўламини кенгайтириш воситасида эришиш мумкин<sup>165</sup>.

Иқтисодиётда мувозанатликни тъминлашнинг объектив зарурлигини куйидаги жаҳатлар ўзида намоён этади:

- мамлакатда иқтисодий ўсишининг таъминланиши;
- ижтимоий-иктисодий самарадорликка эришиш;
- иқтисодий ресурсларнинг тўла бандлиги;
- нархларнинг барқарор даражасини тъминлаш;
- иқтисодий эркинлик тамойилларининг амал қилиши;
- даромадларнинг адолатли таксимланиши тъминлаш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларининг амалга оширилиши;
- жаҳон бозорида иштирок этиш, ижобий савдо балансига эришиш<sup>166</sup>.

Умумий макроиктисодий мувозантликнинг таъминланиши ялпи талаб ва ялпи таклифнинг teng келишида намоён бўлади.

<sup>165</sup> Алладустов Р.Д. Халкаро молиявий-иктисодий инқирозининг капитал оқими ва инвестицияларга тъьシリнни баҳолаш. И.ф.д. диссертацияси автограферати. -Т., 2018. – Б. 9.

<sup>166</sup> Шадманов Э.Ш. Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантришнинг асосий йўналишлари. - Т.“ИҚТИСОД-МОЛӢЯ”. 2010. – Б.33.

Ялпи талаб, бу барча истеъмолчиларнинг муайян нарх даражасида қандай микдорда ва турдаги товар ва хизматларни сотиб олишларининг умумий йигиндишидир. Бошқача қилиб айтганда, миллий иқтисодиётдаги реал пул даромадлари ҳажми жами талабни ташкил қиласиди. Бундан иқтисодиётда яратилган ялпи ички маҳсулот жами талаб йигиндишини шакллантиришида аён бўлади.

Ялпи талабнинг шаклланиши ва унга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш масала моҳиятини янада чукуррек тушунишга имкон туғдиради. Турли иқтисодий адабиётларда иқтисодчи олимлар томонидан ялпи талаб микдорига таъсир қилувчи омилларга ёндашувлар хилмажилдир. Ялпи талаб ҳажми товарлар турлари, микдори, сифати ва нархига боғлик бўлади.

Шу билан бирга иқтисодий адабиётларда ялпи талаб микдорига пул таклифи ва унинг айланиш тезлиги ҳам таъсир этиши хусусида ёндашувлар келтирилади.

Пул таклифи доимий бўлгандан нарх ўсиши ялпи талабни кискартиради, нарх пасайганда эса, ялпи талаб ортади. Бу боғлиқлик содда қилиб куйидаги формулада ифодаланади:

$$MV=PQ,$$

бу ерда:

M – иқтисодиётдаги пул микдори;

V – пулнинг айланиш тезлиги;

P – нарх даражаси;

Q – талаб билдирилган ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми.

Иқтисодиётдаги пул массаси, унинг оптималь микдори ва уни Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати билан тартибга солиш ҳамда мамлакатда барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш масалалари иқтисодчи олим М.Фридманнинг ишларида батафсил ёритилган бўлиб<sup>167</sup>, бунда асосан қайта молиялаш ва мажбурий заҳира сиёсатидан фойдаланиш тавсия этилади.

Марказий банк қайта молиялаш ставкасини белгилаш орқали республикадаги тижорат банкларининг кредит ставкаларига тўғридан-тўғри таъсир қиласиди. Бу реал сектор корхоналарини кредитлаш ҳажмининг ортишига хизмат қиласиди, шунингдек, муомаладаги пул массаси ҳажмининг ортиши натижасида тўлов қобилияти рағбатлантирилади.

Қайта молиялаш ва мажбурий заҳиралаш ставкаларининг ҳамоҳанг равишда кўлланилиши инфляцияни жиловлаш имконини беради. Марказий банк томонидан қайта молиялаш ва мажбурий заҳиралаш ставкалари орқали монетар сиёсатнинг юритилиши инфляциянинг

<sup>167</sup> Friedman M. A monetary and fiscal framework for economic stability // The American Economic Review, 1948. Vol. 38, No. 3. – P. 256-264.

## *Иқтисодий инқизорларга қарши дастурлар самарадорлигини оширишининг устувор йўналишлари*

барқарор даражасини таъминлашдан ташқари, банкларда депозитларнинг ортиши, кредит бериш ҳажмининг ўсиши ва банк умумий капиталининг кўпайишига олиб келади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда валютани тартибга солиш фаолиятининг либераллаштирилиши натижасида асосий макроиктисодий кўрсаткичларда ўзгариш тенденцияси кузатилди (3.4-жадвал).

3.4-жадвал.

### **Ўзбекистонда МБнинг қайта молиялаш ва мажбурий захиралаш ставкалари, инфляция суръати ҳамда ЯИМ даражаси<sup>168</sup>, фонзларда**

Кўрсаткичлар ва йиллар	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019
Қайта молиялаш ставкаси	16	14	9	9	9/14	14/16	16
Йиллик инфляция даражаси	7,8	7,3	5,6	5,7	14,4	14,3	15,2
ЯИМ ўсиши	7,0	7,3	7,4	6,1	4,5	5,1	5,5

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2005 йилдан 2015-2016 йилларгача пасайиши тенденциясига эга бўлиб, 2017 йилдан эътиборан ошиб, 2019 йил якунига кўра 2005 йилдаги кўрсаткич билан бир хил бўлган. Таҳлил килинаётган давр мобайнида қайта молиялаш ставкаси 2019 йилда 2005 йилда қайд этилган кўрсаткичта тенг бўлгани ҳолда, мазкур давр мобайнида инфляция суръати 1,9 мартадан зиёдрокка ошган, ЯИМнинг йиллик кўшимча ўсиши бўлса, мос равишида 1,5 % га камайган.

Бизнинг фикримизча, 2017 йилдан мамлакатимизда валюта сиёсатининг либераллаштирилиши, фонд бозорлари фаолиятининг ривожлантирилиши ва капитал оқимининг фаоллашиши ҳамда инвестиция жараёнларининг кучайтирилиши шароитида нархлар барқарорлигига эришиш ва иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солиш ҳамда инфляция суръатларини жиловлаш учун ўрта муддатларда мослашувчан ва узок муддатларда қаттиқ инфляцион таргетлаш сиёсатини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Чунки иқтисодиётнинг либераллаштирилиши шароитида ҳалқаро иқтисодий ва молиявий муносабатларга фаол интеграциялашишга, ҳалқаро капиталлар оқимининг самарали тақсимланишига ҳамда мамлакат инвестицион жозибадорлигини оширишга ундовчи омиллардан бири валюта сиёсати ҳисобланади<sup>169</sup>.

Ялпи таклиф муайян вақт мобайнида мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг қийматдаги умумий миқдоридир.

<sup>168</sup> Марказий банк расмий сайти [cbu.uz](http://cbu.uz) маълумотлари; Ўзбекистон ракамларда. Ўзбекистон Республикаси Даълат статистика кўмитаси. Тошкент, 2018. - Б. 204; Ўзбекистон ракамларда: 2017-2018. Ўзбекистон Республикаси Даълат статистика кўмитаси. Тошкент, 2019. - Б. 25, 220; Йиллик статистик тўплам: 2010-2018. Ўзбекистон Республикаси Даълат Статистика кўмитаси. Тошкент, 2019. - Б.30; <http://mineconomy.uz/ru/news/view/3020> маълумотлари асосида музалиф томонидан тузилиди.

<sup>169</sup> Бердиназор З.У. Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсати методологиясини таомиллаштириш. и.ф.д диссертацияси автореферати. - Т., 2019. - Б. 5.

Бошқача айтганда, муайян вақт мобайнида мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулотдир.

Юқорида айтиб ўтилган ялпи талаб ва ялпи таклиф, уларга таъсир килувчи омиллар ва уларнинг ўзгариши тўғрисидаги фикрлардан хulosса киладиган бўлсак, улар ўртасидаги мутаносибликда неъматларнинг олди-сотдиси, маълум бир муддат давомида миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган ҳамда якуний истеъмол қилишга йўналтирилган жамғариш, истеъмол ва соф экспорт билан боғлиқ жами муносабатлар йигиндиси намоён бўлади.

Лекин амалиётда бундай ҳолатлар хар доим ҳам кузатилавермайди. Чунки талаб ҳам, таклиф ҳам ўзгариб туради. Бу ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсир этувчи омиллар таъсирида рўй беради.

Мамлакатда ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатини, шунингдек, макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш бир нечта кўрсаткичларни меъёр даражасида бўлишини тақозо этади. Мазкур кўрсаткичлар тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар учун алоҳида ҳисобланади (3.5-жадвал).

### 3.5-жадвал.

#### **Макроиқтисодий барқарорлик мезонлари<sup>170</sup>**

Кўрсаткичлар	Ривожланаётган мамлакатлар учун макроиқтисодий барқарорлик мезонлари	
	Мазмуни	Даражаси
Иқтисодий ўсиш	Реал ЯИМнинг йиллик ўсиши, фоиз	min 5
Пул массасининг ўсиши	ЯИМ ўсишига мутаносиб равишда, фоиз	min 5
Инфляция даражаси	Истеъмол нархлари индекси бўйича, фоиз	max 10
Ишсизлик даражаси	Иқтисодий фаол аҳолига нисбатан, фоиз	max 7
Давлат бюджети камомади	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз	max 3
Давлат карзи	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоиз	max 60
Ташки қарзлар бўйича тўловлар	Йиллик экспорт ҳажмига нисбатан, фоиз	max 20
Олтин-валюта заҳиралари ҳажми	Ялпи ички маҳсулотта нисбатан, фоиз	min 8
Валюта алмашув курси девальвацияси	Миллий валютани жаҳоннинг “қаттиқ” валюталарга нисбати, фоиз	max 15
Миллий бозорда хорижий товарлар улуши	Бозор ҳажмига нисбатан, фоиз	max 40
ЯИМда жамғармалар улуши	Ялпи ички маҳсулотта нисбатан, фоиз	min 10
Ахолининг даромадлари бўйича табақаланиши	Дицел коэффициенти, марта Жинни коэффициенти, индекс	max 10 max 0,35

Мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари тузилганда макроиқтисодий барқарорлик мезонларини чукур таҳлил этиш тақозо этилади. Чунки миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий

<sup>170</sup> Махмудов Н., Ҳакимов Ҳ. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шарти // Иқтисодиёт ва таълим. № 2, 2017. – Б. 9.

## *Иқтисодий инқиrozларга қарши дастурлар санарадорлигини оширишинг устувор йўналишилари*

барқарорлиги мамлакат иқтисодий ҳавфсизлигининг асосини ташкил килади.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар Стратегияси”да белгилаб берилган устувор вазифаларнинг амалда ижро қилиниши ва мамлакатда оқилона иқтисодий сиёсатнинг юритилиши натижасида давлатнинг ташки қарзи ва унга хизмат кўрсатиш белгиланган меъёрлар даражасида бўлиши таъминланмоқда. Шунингдек, республика бюджетининг профицит билан якунланишига эришилмоқда (3.6-жадвал).

### **3.6-жадвал.**

#### **Ўзбекистоннинг макроиқтисодий барқарорлик мезонлари кўрсаткичлари<sup>171</sup>**

Кўрсаткичлар ва йиллар	2010	2015	2016	2017	2018
Реал ЯИМ йиллик ўсиши, фонз	8,5	7,4	6,1	4,5	5,1
Инфляция даражаси, истеъмол нархлари индекси бўйича фонза	7,3	5,5	5,6	9,5	17,5
Ишсизлик даражаси, фонз	5,1	5,2	5,2	5,8	9,3
Давлат бюджети камомади, ЯИМга нисбатан фонзда, камомад(-), профицит(+)	0,3	0,13	0,06	0,11	0,01
Давлат қарзи, ЯИМга нисбатан фонзда	9,9	7,5	8,6	20,2	20,6

ЯИМнинг йиллик ўсиши 2010-2016 йиллар давомида белгиланган меъёр даражасида бўлгани ҳолда, 2017 йилда меъёрдан пасайган, 2018 йилда яна меъёр кўрсаткичига етган. 2010-2017 йиллар мобайнида инфляция суръати меъёр даражасида бўлиб, 2018 йил якунларига кўра белгиланган чегарадан ошган. Худди шундай, ишсизлик даражаси ҳам 2010-2017 йиллар оралиғида меъёр даражасида бўлган, 2018 йил якунига кўра белгиланган меъёрдан ўсан. Таҳлил этилаётган йиллар мобайнида давлат бюджети камомади ва давлат қарзининг меъёр даражалари сақлаб турилган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш жараёнини шартли равишда 4 та босқичга ажратиб кўрсатиш мумкин. Бунда 1991-2016 йиллар уч даврга бўлинади ва мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ислоҳотлар алоҳида даврда ажратиб кўрсатилиди (3.7-жадвал).

Бунда 1991-1996 йилларда макроиқтисодий бекарорлика бархам бериш учун амалга оширилган ишлар, 1997-2004 йилларда

<sup>171</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти cbu.uz маълумотлари, Ўзбекистон ракамларда: 2017. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси. Тошкент, 2017. – Б. 27, 204; Ўзбекистон ракамларда: 2017-2018. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси. Тошкент, 2019. – Б. 27, 220; Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиши ва турмуш даражаси: 2015-2018. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси. Тошкент, 2019. – Б. 22, 99; pubdocs.worldbank.org сайти data-uzb.pdf маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

**3.7-жадвал.**

**Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш босқичлари<sup>172</sup>**

1991-1996 йиллар	1997-2004 йиллар	2005-2016 йиллар	2017-2019 йиллар
Макроиктисодий бекарорликка барҳам бериш	Макроиктисодий барқарорликка эришиш	Макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш	Иктиносидиётни либераллаштириш шароитида макроиктисодий барқарорликни таъминлаш
-мустақил давлатнинг асосий институтларини шакллантириш; -бозор иктиносидиётни тамойиллари ва асосларини шакллантириш; -миллӣй валотани муомалага киритиш; -нархларни ёркинлаштириш; -реал сектор корхоналарини давлат томонидан кўллаб-куватлаш; -кичик ва ўрта дараҷадаги хусусийлаштиришни амалга ошириш; -ижтимоий химоянинг янги тизимини шакллантириш ва бошқалар.	-ғалла ва энергия мустақилилгига эришиш; -стратегик инвесторларни камраб олган йирик хусусийлаштиришни амалга ошириш; -янги, йирик саноат корхоналарини барпо этиш; -саноат секторида маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш; -иктиносидиёт тармоқларида бошқарув тизимини ислоҳ килиш; -кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш; -макроиктисодий сиёсатни такомиллаштириш ва бошқалар.	-экспортни рағбатлантириш учун имтиёзлар бериш; -китоб бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун ишбилармонлик мухитини яхшилаш; -иктиносидиётни модернизациялаш тармоқ дастурларини амалга ошириш; -саноат кооперациясини рағбатлантириш; -эркин иктиносидий зоналар, транспорт ва логистика марказларини барпо этиш; -корпоратив бошқарув тизимидағи тартиб-таомилларни янгилаш; - АҚТдан кенг фойдаланиш ва бошқалар.	-ЖСТ аъзо бўлиб кириш жаҳаёнини тезлаштириш; -иктиносидиётни инновацион ривожлантириш; -иктиносидиётнинг барча жабхаларида кластер тизимини йўлга кўйиш; -иктиносидиёт тармоқ ва секторларини ривожлантириш учун давлат-хусусий шерикчилик тамойилидан кенг фойдаланиш; -мамлакатда ишбилармонлик ва инвестицион мухитини янада яхшилаш; -халкаро фонд бозорларida иштирок этиш; -озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш; -бюджет тизими ошкоралиги ва шаффоғлигини таъминлаш; -қишлоқ хўжалиги соҳасини қайта ислоҳ этиш; -курилиш соҳасига инновацияларни жорий этиш ва бошқалар.

<sup>172</sup> Махмудов Н., Ҳакимов Ҳ. Макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш – барқарор иктиносидий ўсишини таъминлашнинг мухим шарти // Иктиносидиёт ва таълим. № 2, 2017. – Б. 10. асосида муаллиф томонидан тузишган.

***Иқтисодий инқизорларга қарши дастурлар самараадорлигини  
оширишнинг устувор йўналишилари***

макроиктисодий барқарорликка эришиш учун амалга оширилган иқтисодий чора-тадбирлар, 2005-2016 йилларда макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш борасида давлат сиёсати даражасида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар гурухланди.

Шунингдек, 2017-2019 йилларда иқтисодиётни либераллаштириш шароитида макроиктисодий барқарорликни таъминшлаш учун иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш хамда туб ислоҳотларни ўтказиш борасида устувор йўналишилар алоҳида гурухланди.

Мамлакатимизда аҳолининг турмуш сифати ва ҳаёт даражасини кўтариш, даромадлар миқдорини муттасил ошириш, ишбилиармонлик ва инвестицион мухитни яхшилаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиши соҳалари ривожланишини рафбатлантириш мақсадида амалга оширилган тизимли ишлар ўз самарасини бермокда (3.8-жадвал).

### 3.8-жадвал.

#### **Ўзбекистон Республикасининг сўнгги йиллардаги айрим кўрсаткичлари<sup>173</sup>**

Кўрсаткичлар, млрд. сўмда	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2016 йилга нисбатан ўзгариши	
				+ / -	%
Аҳолининг умумий даромадлари	151 676,8	220 811,8	285 553,1	133 876,3	188,26
Саноат маҳсулотлари ҳажми	111 869,4	148 816,0	235 340,7	123 471,3	210,37
Кишилоқ хўжалиги маҳсулотлари	50 834,4	148 199,3	187 433,7	136 599,3	368,71
Курилиш фаолияти	29 413,9	34 698,0	51 129,3	21 715,4	173,83
Чакана савдо ҳажми	88 071,6	105 229,9	133 195,2	45 123,6	151,24
Улгуржи савдо ҳажми	38 302,0	42 185,9	63 528,5	25 226,5	165,86
Хизматлар ҳажми	107 327,0	118 811,0	150 889,8	43 562,8	140,59
Экспорт, млн. АҚШ доллар	12 094,6	12 553,7	13 990,7	1 896,1	115,68
Импорт, млн. АҚШ доллар	12 137,6	14 012,4	19 439,2	7 301,6	160,15

3.8-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018 йил якунида 2016 йилга нисбатан аҳолининг умумий даромадлари 188,26 %, хизматлар ҳажми 140,59 %, курилиш фаолияти 173,83 %, саноат маҳсулотлари ҳажми 210,37 %

<sup>173</sup> Ўзбекистон ракамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси. Тошкент, 2018. - Б. 72, 114, 139, 154, 191, 200, 201, 212, Ўзбекистон ракамларда: 2017-2018. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси. Тошкент, 2019 - Б. 74, 125, 150, 166, 206, 215, 216, 227 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 368,71 % га ошган. Лекин мазкур даврда экспорт ҳажми 115,68 % га ошгани ҳолда, импорт 160,15 % га ошиб, ташки савдо баланси сальдоси салбий кўриниш касб этган. Таҳлил қилинаётган даврда келтирилган кўрсаткичларга асосан ўрта ҳисобда таклифнинг талабдан юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Фикримизча, мамлакатда ялпи талаб ва ЯИМ ўсишини рағбатлантириш, янги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга кўйиш орқали ишсизлик суръатларини пасайтириш мақсадида давлат органлари томонидан келишувлар ва руҳсат бериш тамойилларини оптималлаштириш ва солиқ тизимини ислоҳ этиб, миллий даромадни фискал сиёsat орқали қайта тақсимлаш чора-тадбирларини кўриш мақсадга мувофиқ.

Фанда ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатини таъминлаш моделлари иккига бўлинади:

классик модель;

кейнсча модель.

Бу моделларнинг бир-биридан фарқли ва ўхшашиб томонлари, шунингдек, ўзига хос жиҳатлари 3.9-жадвалда батафсил ёритиб берилган.

### 3.9-жадвал.

#### **Ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатини таъминлаш моделлари<sup>174</sup>**

Классик модель	
Шартлар	Натижаси
Ишчи кучи, тадбиркорлик қобилияти, табиат, капитал – ишлаб чиқариш омиллари тўлиқ бандлик шароитида	Ишлаб чиқариш потенциал даражада бўлади.
Нарх, фоиз ставкаси ва иш ҳаки мослашувчан	
Пировард натижа	Бозор мувозанати саклаб турилади.
Ишлаб чиқариш омиллари секин ўзгарганилигидан ялпи таклиф реал ишлаб чиқариш ҳажмини, ялпи талаб эса нарх даражасини белгилайди.	
Кейнсча модель	
Шартлар	Натижаси
Нархлар, фоиз ставкаси, иш ҳаки нисбатан ўзгармас	Бозор тебранишларга жуда секинлик билан мослашади.
Ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик тез мослашувчан	Бозор тебранишларга нисбатан тез жавоб беради.
Пировард натижа	
Ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатта яқинлашади.	

1929 йилда АҚШда содир бўлган Буюк Депрессия инқизоризидан сўнг классик модель ўзини оқламаганлиги учун, Ж.Кейнс томонидан иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш воситасида ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанати узоқ вакт давомида таъминланиб туриши

<sup>174</sup> Т.Жўраев, Д.Тожибоева. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: "Фан ва технология", 2015. асосида муаллиф томонидан гурухланди.

хусусидаги концепция исботлаб берилди ва кейинчалик бу концепция модель шаклига келтирилди.

Иқтисодий адабиётларда ялпи таклиф ҳажми ялпи талаб миқдоридан жадал равишда ортиб кетиши иқтисодиётнинг кизиб кетиши, аксинча, ялпи талабнинг ялпи таклифдан ўсиб кетиши иқтисодиётнинг совиб кетиши деб юритилади. Иқтисодиёт кизиб кетганда совитиш, совиб кетганда қиздириш орқали мувозанат ҳолат таъминланади. Бу вазифани амалга ошириш давлат зиммасида бўлади.

Халқаро тажрибада бу Швеция, Хитой, Хиндистон, Белоруссия ва Козофистон каби мамлакатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини давлат томонидан тартибга солиш дастаклари ёрдамида амалга оширилиши – аралаш иқтисодиёт моделида яққол кўзга ташланади. Аралаш моделни қўллаш натижасида ушбу давлатлар ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожланганинги тўлиқ намоён этди.

Иқтисодиётда давлатнинг тартибга солиш функциясининг мувваффақиятли амалга оширилиши натижасида макроиктисодий мувозанатнинг таъминланиши жаҳон молиявий-иктисодий инқирози даврида Швеция, Норвегия, Хитой, Вьетнам ва Финландия каби мамлакатларда иқтисодиётнинг барқарорлиги сақланиб туришига асос бўлди<sup>175</sup>.

Ялпи таклиф ялпи талаб миқдоридан ўсиб кетганда, иқтисодиётни совитиш учун давлат томонидан амалга ошириладиган тадбирлар таклифни қисқартириш учун зарур бўладиган қуйидаги иқтисодий чоралардан ташкил топади:

- давлат томонидан ишлаб чиқарувчиларга бериладиган буюртмалар қисқартирилади;
- ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт квотаси камайтирилади;
- соликлар миқдори оширилади;
- қимматли қофозлар (облигациялар) эмиссия қилинади;
- банклар кредит портфелини камайтириш орқали ялпи таклиф қисқаради ва талаб томон яқинлашади.

Ялпи талаб ҳажми камайиб кетганда, иқтисодиётни қиздириш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- муомалада (ишлаб чиқарувчилар ихтиёрида) бўлган давлат облигациялари қайтариб сотиб олинади;
- ишлаб чиқарувчилар томонидан чиқарилган акциялар давлат томонидан сотиб олинади;

<sup>175</sup> Татаркин А.И. Формирование смешанной экономики Российской Федерации как фактор преодоления последствий финансово-экономического кризиса. Тезисы докладов международной электронной конференции "Мировой финансово-экономической кризис и новые возможности реализации экономической политики". Алматы-Екатеринбург-Ташкент, 2016. С. – 10.

— банкларнинг кредит портфелини кенгайтириш орқали ишлаб чиқарувчиларнинг обороти кўпайиб янги иш ўринлари яратилади ва аҳолининг даромадлари ортиб, жами талаб ўсади.

Ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанатини таъминлаш нафақат инкиrozларни олдини олади, балки инкиrozнинг таъсирини юмшатишда ҳам ижобий натижаларга олиб келади. 2008 йилда рўй берган жаҳон молиявий-иктисодий инкиrozига қарши қабул қилинган дастурларда ҳам мазкур масала ўз аксини топган.

Буюк Депрессия даврида АҚШ тажрибасидан маълумки, иктиносидётни давлат томонидан, жумладан, даромадларни қайта тақсимлаш каби дастаклар орқали доимий назорат қилиниши ўзининг ижобий натижасини беради.

Давлат таклифни қисқартириш ва талабни ошириш ёки талабни камайтириб, таклифни ошириш орқали иктиносидий мувозанатни узоқ вакт давомида сақланиб туришини таъминлайди. Давлатнинг бу вазифани нафақат юқорида санаб ўтилганидек иктиносидий, балки солиқ, божхона ва иктиносидий процессуал қонунчиликни такомиллаштириш каби маъмурӣ, бозорда монополияларнинг ҳосил бўлишини олдини олиш, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил қилинишига қўмаклашиб сингари ташкилий дастаклар орқали амалга оширилиши иктиносидий мувозанатни таъминлаб, иктиносидётда танглик ҳолати (инкиroz) юз беришини олдини олади ва иктиносидий ўсишга эришилади.

### **3.3. Миллий иқтисодиётда тармоқлар ва соҳалар ўртасидаги мутаносибликка эришиш йўллари**

Мамлакатларнинг халқаро иқтисодий интеграция жараёнларида фаол иштирок этиши, халқаро савдо-иктисодий муносабатларнинг чукурлашиши, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан меҳнат тақсимоти масалаларининг кучайиши каби омиллар ва бу омиллар ўртасидаги иқтисодий алқоларнинг ташки ва ички таъсир этувчи кучлар таъсирида бири-бирига мос келмаслиги, яъни иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқлари ўртасида мутаносиблигидан бузаилиши инқизор келиб чиқишининг сабабларидан биридир. Чунки ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар ва муомаладаги пул массасининг ўзаро мутаносиблигининг бузаилиши, шу билан бирга мураккаб ҳосилавий қимматбаҳо қоғозларнинг эмиссия қилинишида ялпи таклиф миқдорининг эътиборга олинмаслигини аянчли ҳолатларга олиб келиши 2008 йилда рўй берган жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзи мисолида ҳаммамизга маълум.

Яқин ўтмишгача иқтисодий мувозанатлик, унинг амал қилиши, мавжуд бўлиш шартлари ва унга таъсир қилувчи омиллар борасида иқтисодий тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, мутаносиблигни тадқиқ этиш анча суст бўлган. Анъанавий тарзда фундаментал ва амалий хусусиятга эга бўлган долзарб материалларни чоп этувчи “Вопросы экономики” журналида 2004 йилдан бошлаб то инқизор бошланган 2008 йилнинг охиригача иқтисодиёт ривожланишининг барқарорлиги муаммоларига бағишланган бирорта ҳам мақола босиб чиқарилмаган<sup>176</sup>. Инқизор бошланганидан кейин эса мутаносиблигни таъминлаш, иқтисодиёт ривожланишининг барқарорлиги мавзусига бағишланган таҳлилий мақолалар маҳаллий, МДҲ давлатлари ва чет эл нашрларида босилиши анча жонланди.

Мамлакатимизда МДҲ давлатларида биринчилардан бўлиб, мутаносиблик масаласига жиддий эътибор берилиб, илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борила бошланди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов томонидан 2001 йил январь ойида ўтказилган Вазирлар Маҳкамасининг Идоралароро Мувофиқлаштирувчи Кенгаши мажлисида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасида жиддий номутаносиблик мавжудлигини таъкидлаб, уни бартараф қилишга кўрсатма берилгандиги бунга туртки бўлган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, мунтаносиблигка “иктисодий мутаносиблик – иқтисодиётнинг турли соҳалари, тармоқлари, томонлари ва бўлимлари ўртасидаги миқдор ва сифат жиҳатидан муайян нисбатлардаги ўзаро мослих бўлиб, барқарор равиша тақрорланиб турувчи

<sup>176</sup> Ички захира ва имкониятларни сафарбар қилиш стратегиясининг концептуал асослари: Жамоавий монография/муаллифлар жамоаси. А.С.Усмановнинг умумий таҳрири остида. – Т.:“Lesson Press”, 2017. – Б. 10.

доимо ривожланишда, ўзгаришда бўладиган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ифодаловчи умумиқтисодий категориядир<sup>177</sup>, тарзидағи умумлаштирилган таъриф берилган.

Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг кучайиши ва иқтисодиётнинг глобаллашуви натижасида иқтисодиётнинг бош масаласини ҳал қилиш кун тартибидаги асосий масалалардан бирига айланниб бормокда. Бу масаланинг ҳал қилиниши иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳалари ўртасидаги мутаносибликнинг таъминланиши биринчи галда ҳал қилиниши керак бўлган вазифалардан бирига айлантиради. Бу мутаносибликни иқтисодий категория сифатида мазмунини, турларини ва намоён бўлиш шакллари ҳамда амал қилишини тадқиқ этишни тақозо этади.

Турли соҳалар ва тармоқлар ўртасидаги мувозанат ва мутаносибликнинг таъминланиши иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига ва барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминланишига олиб келади.

Мувозанатли иқтисодий ўсиш деганда узок муддатли даврда миллий иқтисодиётнинг шундай ривожланиши тушуниладики, унда ялпи талаб ва ялпи таклифнинг бир даврдан бошқа бир даврга кўпавочи ҳажмлари доимо ўзаро тенг бўлади. Бундан шундай хуласа қилиш мумкинки, мувозанатли ўсишда ялпи талаб ва ялпи таклиф бир хил суръатларда кўпайиб, бу иқтисодиётда доимий нарх даражасини сақлаш имконини беради<sup>178</sup>.

Кептирилган фикрлардан маълум бўлишича, мутаносибликни таъминлаш иқтисодий ўсиш таъминланиши билан бирга кечадиган ҳодиса хисобланади.

Мазкур йўналишда ривожланган мамлакатларнинг иқтисодни олимлари илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар ҳамда мувозанатлик ва мутаносибликни таъминлаш омиллари сифатида қўйидаги моделлар орқали иқтисодий ўсишни таъминлаши жиҳатларига тўхталиб ўтганлар:

- Кобб-Дуглас модели орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- иқтисодий ўсишнинг кейнсча модели.

Иқтисодий ўсишнинг Кобб-Дуглас модели ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда капитал ва меҳнат омиллари (сарфлари)нинг ишлаб чиқариш турли омилларининг улушкини аниқлашга асосланади ва формула тарзида қўйидагича ифодаланади:

$$Y = AK^{\alpha}L^{\beta},$$

бу ерда,

Y-ишлаб чиқариш ҳажми;

<sup>177</sup> Шадманов Э.Ш. Мамлакатни модернизациялаш жараёнида иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ". 2010. – Б. 43.

<sup>178</sup> Экономическая теория: Учебник. – Изд. испр. и доп. /Под общ.ред.акт. В.И.Видяпина, А.И.Добринина, Г.П.Жураалевой, Л.С.Тарасевича. – М.:ИНФРА-М, 2005 – С.448.

К-капитал сарфлари;

L-ишли кучи (мехнат) сарфлари;

A, $\alpha$ , $\beta$  – ишлаб чиқариш функциясининг коэффицентлари;

A-мутаносиблик коэффиценти;

$\alpha$ ,  $\beta$  – ишлаб чиқариш ҳажмининг ишли кучи ва капитал сарфлари бўйича эластиклик коэффицентлари бўлиб,  $\alpha + \beta = 1$ .

Мазкур модель ишли кучи ва капитал сарфларининг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмига қандай таъсир кўрсатишини ўзида ифода этади. Модель муаллифлари Ч.Кобб ва П.Дуглас АҚШ қайта ишлаш саноатининг 1899-1922 йиллар мобайнидаги иш фаолиятини таҳлил этиб, капитал сарфларининг 1 % га оширилиши ишлаб чиқариш ҳажмини 0,25 % га, ишли кучи сарфларининг 1 % га оширилиши эса ишлаб чиқариш ҳажмини 0,75 % га ошишини аниқлашга муваффақ бўлганлар, яъни<sup>179</sup>

$$Y=1,01xK^{0.25} \times L^{0.75}.$$

Иқтисодий ўсишнинг кейнсча модели макроиктисодий мувозанат назариясини ривожлантириш ва унга танқидий ёндашиш натижасида вужудга келган. Бу моделга инглиз олими Р.Харрод ва америкалик олим Е.Домарнинг иқтисодий ўсиш моделлари ёрқин мисол бўла олади.

Бу моделларнинг умумий ва бири-биридан фарқ қиласидан жиҳатлари мавжуд бўлиб, куйида уларнинг умумий жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтамиз:

- хар иккала модель неоклассик моделлардан бир омилли эканлиги билан ажralиб туради. Бу моделларда миллий даромаднинг ўсиши фақат капитал жамғаришнинг функцияси ҳисобланниб, капитал самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ишли кучи бандлигининг ошиши, фан техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш даражасининг ўсиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишининг яхшиланиши каби омиллар ҳисобга олинмайди;

- ишлаб чиқаришнинг капитал сифими ишлаб чиқариш омиллари нархларининг нисбатига боғлиқ бўлмай, фақат ишлаб чиқаришнинг техник шароитлари орқали аниқланади.

Неокейнсча моделда иқтисодий ўсишнинг асосий шарти сифатида инвестициялар ҳажмининг ортиши белгиланади. Чунки инвестициялар ҳажмининг ортиши мамлакат миллий даромадининг ўсишига, ишлаб чиқариш кувватларининг кенгайишига ва иш ўринлари ортишига замин ҳозирлайди. Пировард натижада пул даромадларининг ўсиши кузатилади. Пул даромадларининг кўшимча ўсиши талабнинг ортишига ва ишлаб чиқариш кувватларининг кўшимча ўсиши таклифнинг ортишига олиб келади.

<sup>179</sup> Курс экономической теории. Под общ.ред.проф Чепуриной М.Н., проф. Киселевой К.А. Киров, изд. «АСА», 1995. С.602.

Бу модель Е.Домар номини олган бўлиб, у қуидагича ифодаланади<sup>180</sup>:

$$\Delta I \times 1/a = I \times \sigma$$

бу ерда,

$I$  – ҳар йиллик соф капитал қўйилмалар;

$\Delta I$  – соф капитал қўйилмаларнинг қўшимча ўсиши;

$1/a$  – мультипликатор, а-жамғаришга бўлган ўртача мойиллик;

$\sigma$  – капитал самарадорлиги.

Кейнсчиларнинг иккинчи вакили Р.Харроднинг иқтисодий ўсиш модели инвестициялар ва жамғармалар ўртасидаги макроиктисодий мувозанатга асосланади. Бу модель статистик ҳолдаги макромувозанат учун қуидаги формула билан ифодаланади:

$$G \times C = S,$$

бу ерда,

$G$  – миллӣ даромаднинг ўсиш суръати;

$C$  – капитал сифими;

$S$  – миллӣ даромад таркибидаги жамғаришнинг улуши.

Динамик ҳолдаги макромувозанат учун

$$Gw \times Cr = S,$$

бу ерда,

$Gw$  – ҳақиқий жамғарма ва таҳмин қилинаётган инвестициялар ўртасидаги динамик мувозанатни таъминловчи ўшишнинг кафолатланган суръати;

$Cr$  – капитал коэффициентининг талаб этилаётган миқдори.

Неокейнсчилар олиб борган тадқиқотлари натижасида бозор иқтисодиёти шароитида мувозанатга эришиш учун иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиши кераклиги хусусидаги хулосага келгандар.

Мамлакатимизда бўлса барқарор иқтисодий ўсиш ва унинг сифатини оширишда қуидаги омиллар мухимdir: ялпи талаб омиллари, жамғарма ва унинг самарадорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар, экспорт ва уни ошириш, асосий ва инсон капиталига йўналтирилган инвестициялар, технологиялар даражаси ва инновациялар ҳамда уларни ривожлантиришга қаратилган инфратузилма ҳолати, ишлаб чиқаришнинг етакчи тармокларни ривожлантириш ва таркибий ўзгаришларга қаратилган давлат сиёсати, ҳудудларнинг иқтисодий мутаносиб ривожланишини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати, таълим, фан ва соғликни сақлашга давлат томонидан ҳаражатлар даражасини ўстириш ва мақсадлилигини таъминлаш ҳамда хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга қаратилган чора-

<sup>180</sup> Курс экономической теории. Под общ.ред.проф Чепуриной М.Н., проф. Киселевой К.А. Киров, изд. «АСА», 1995. С.600-601.

## **Иқтисодий инқизорзларга қарши дастурлар самараадорлигини оширишининг устувор йўналишлари**

тадбирларни кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рақобат ва эркинликни кенгайтириш<sup>181</sup>.

Мувозанатлик ва мутаносиблик таъминлашишининг иқтисодий ўсиши таъсирини тадқиқ қилган мамлакатимиз олимларидан Э.Ш.Шодмонов мазкур йўналишда салмоқли натижаларга эришган<sup>182</sup>. Шодмонов тавсия қилган ёндашувнинг асосини иқтисодиёт тармоклари ёки соҳаларининг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига кўшган хиссасини баҳолаш амалиёти ташкил этади.

Муаллиф тавсиясига кўра, 1-босқичда иқтисодиёт тармоклари ёки соҳаларининг жорий йил ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги улуши

$$ТУ_{яим} = \frac{ТИХ_i}{ЯИМ} \times 100 \%$$

формуласи орқали аниқланади, бу ерда,

ТУ<sub>яим</sub> – i тармокнинг жорий йилдаги ЯИМ ҳажмидаги улуши;

ТИХ<sub>i</sub> – i тармокнинг жорий йилдаги ишлаб чиқариш ҳажми;

ЯИМ – жорий йилдаги ялпи ички маҳсулот ҳажми.

Ёндашувнинг 2-босқичида тармоклар ёки соҳаларнинг жорий йилдаги ЯИМнинг ўсишига кўшган хиссаси

$$\bar{Y}_{яим} = \frac{\sum Y_{яим}}{\sum Y_{Сяим}} \times 100 \%$$

формула орқали баҳоланади, бу ерда,

Ў<sub>яим</sub> – i тармокнинг жорий йилда ЯИМнинг ўсишига кўшган хиссаси;

Ў<sub>Сяим</sub> – ЯИМнинг жорий йилдаги ўсиш суръати.

Куйидаги 3.10-жадвал маълумотларига кўра, 2010 ва 2018 йилларда мамлакат ялпи ички йиллик кўшимча ўсиш суръатлари мос равишда 108,5 ва 105,1 фоизларни ташкил этган.

### **3.10-жадвал.**

#### **Иқтисодиёт фаолият турлари бўйича ЯИМ таркиби ва уларнинг ЯИМнинг қўшимчага йиллик ўсишига кўшган хиссаси<sup>183</sup>**

Тармоклар ва соҳалар	ЯИМда тармок улуши, %		ЯИМнинг йиллик қўшимча ўсишида тармок хиссаси, %	
	2010 йил	2018 йил	2010 йил	2018 йил
Саноат	26,7	26,3	28,97	27,6
Қурилиш	6,6	5,7	7,16	6,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги	19,8	32,4	21,48	34,1
Хизматлар	46,9	35,6	50,89	37,4
Жами ЯИМ	100	100	108,5	105,1

<sup>181</sup> Мадрахимов У.А. Иқтисодий ўсиш сифати омилларининг илмий-услубий асослари // Иқтисод ва молия, № 7, 2016. Б. – 29.

<sup>182</sup> Шадманов Э.Ш. Мамлакатни модернизациялаш жараённада иқтисодиётни мувозанатли ва мутаносибли ривожлантиришининг асосий йўналишлари. Т.: "ИҚТИСОД-МОЛӢ". 2010. – Б. 166-168.

<sup>183</sup> Йиллик статистик тўплам: 2010-2016. Ўзбекистон Республикаси. Давлат статистика кўмитаси йиллик статистик тўплами. Тошкент, 2017. 35-бет. Ўзбекистон ракамларда. 2017-2018. Ўзбекистон Республикаси. Давлат статистика кўмитаси. Тошкент, 2019. – Б. 44.

Ушбу жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, 2010 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда саноатнинг ЯИМнинг йиллик кўшичма ўсишига қўшган хиссаси бироз камайгандек кўринади, лекин ЯИМнинг йиллик ўсиш суръатлари ҳам 2010 йилдаги 108,5 % дан 2017 йилга бориб 105,1 % гача пасайган. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида мутлок ўсишли кузатишмиз мумкин. Қолган барча тармоқларда 2010 йилга нисбатан ЯИМдаги улуш пасайган.

Тармоқлар ва соҳалар ўртасидаги мутаносибликнинг таъминланиши мувозанатли ўсишга, яъни ялпи талаб ва ялпи таклиф миқдорининг мутаносиб ўсишига боғлиқдир. Сўнги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётда мутаносибликни таъминлаш ва макроиктисодий мувозанатни узоқ вақт мобайнида амалда бўлишига эришиш мақсадида салмоқли чоратадбирлар амалга оширилмоқда (3.11-жадвал).

### 3.11-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикасининг макроиктисодий кўрсаткичлари<sup>184</sup>

Кўрсаткичлар ва йиллар	2010	2015	2016	2017	2018	Ўзгариш нисбати
Ахоли жон бошига ЯИМ, минг сўм	2 184,3	5 489,3	6 279,6	9 340,8	12 356,6	5,66
Саноат маҳсулоти, млрд сўм	38 119,0	97 598,2	111 869,4	148 816,0	235 340,7	6,17
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, млрд сўм	17 497,9	46 116,7	51 991,2	154 369,4	195 103,7	11,15
Хизматлар, млрд сўм	26 040,8	75 356,8	92 536,0	118 811,0	150 889,8	5,79
Экспорт, млн. АҚШ доллар	13 023,4	12 507,6	12 094,6	12 553,7	13 990,7	1,07
Импорт, млн. АҚШ доллар	9 175,8	12 416,6	12 137,6	14 012,4	19 439,2	2,12
экспорт-импорт салдоси, млн. АҚШ доллар	3 847,6	91,0	-43,0	-1 118,9	-5 448,5	-1,42

3.11-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018 йилга келиб ахоли жон бошига ЯИМ 2010 йилга нисбатан 5,6 баробар, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,17 баробар, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 11,15 баробар, кўрсатилган хизматлар ҳажми бўлса 5,79 баробарга ошган.

Ялпи таклифнинг таркиби ортган бир пайтда ялпи талаб миқдори бунга мутаносиб равишда ошмаган. Агар экспорт ҳажми 1,07 марта ортгани

<sup>184</sup> Куйидаги маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси: Йиллик статистик тўплам: 2010-2016. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси йиллик статистик тўплами. Тошкент, 2017. – Б. 52. Ўзбекистон рақамларда: 2017-2018. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси йиллик статистик тўплами. Тошкент, 2019. – Б. 24.

ҳолда, импорт ҳажми 2,12 баробар кўпайганини ҳисобга оладиган бўлсак, амалда ялпи таклиф миқдорининг ялпи талабдан ўтиб кетганлиги маълум бўлади. Саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажми 2010 ва 2018 йиллар мобайнида юкори суръатлар билан ўсган. Бунга ҳамоҳанг равища экспорт ҳажми камайib, импорт ҳажми ортган. Натижада ташки савдо баланси сўнги йиллар салбий кўринишга эга бўлган. Бу саноат маҳсулотлари учун хом ашё, бутловчи ва ярим тайёр маҳсулотларни четдан экспорт қилиб олиб келинганилиги, бунинг натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархининг ортиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми сўнги икки йил ичида, 2016 йилдан бошлаб сезиларли равища ўсган. Бу президент ва ҳукуматимиз томонидан сўнги йилларда соҳага зътиборнинг кучайиши натижаси бўлиб, бугунги кунда мазкур соҳаларга кластер тизими жорий қилинмоқда, хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни экспорт қилишдан тайёр маҳсулотларни экспорт қилишга ўтилмоқда.

Бизнинг фикримизча, маҳсулотлар таннархини камайтириш, тайёр маҳсулотлар экспортини кенг йўлга кўйиш, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари мутаносиблигини таъминлаш учун куйидагиларни амалга ошириш зарур:

- ҳудудлар табиий иқтисодий салоҳиятини инобатга олган ҳолда маҳсус иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва ишлаб чиқаришни кластерлаштириш тамойили асосида маҳаллийлаштириш сиёсатини юритиш;
- иқтисодиётга инвестициялар кириб келишини ошириш учун қулай инвестицион муҳит ва мукаммал ҳуқуқий асослар биргаликда мавжуд бўлишини таъминлаш.

2010 йилдан бугунги кунгача бўлган даврда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларида ўсиш суръатлари кузатилган, тармоқларда иш билан банд аҳоли сони ошган. Лекин 2010 йилни базис давр деб оладиган бўлсак, тармоқда яратилган қиймат хизматлар соҳасидан бошқа барча йўналишларда камайган (3.12-жадвал).

3.12-жадвал маълумотларидан кўринадики, саноат, курилиш, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоқларида кўриб чиқилаётган даврда фаолият юритаётган бандлари сони ортганига қарамасдан, киши бошига тўғри келадиган яратилган қиймат пасайган. Пасайиш, айниқса, курилиш тармогида қолганларга қараганда юкори бўлган. Натижада мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи ошган, рақобатбардошлиги пасайган.

2010-2018 йиллар мобайнида хизматлар соҳасида яратилган қиймат 20 % га ортган. Ахолига кўрсатилаётган хизматлар сифатининг яхшиланиши, соҳага инновацияларнинг жорий этилиши мазкур натижага эришишга асос бўлиб хизмат қилган.

### 3.12-жадвал.

#### Ўзбекистоннинг айrim кўрсаткичлари ўзғарини динамикаси<sup>185</sup>

Тармок номи	ЯИМда тармок улуши, милд.сўм		Тармоқда бандлар сони, минг.чиши		Тармоқда яратилган киймат, кипни бошига млн.сўм		2010 йил нисбатан узварини, марта		
	2010 йил	2018 йил	2010 йилга нисбатан узгарини, марта	2018 йил	2010 йилга нисбатан узгарини, марта	2018 йил			
Саноат	38 119,0	235 340,7	6,17	1 605,7	1 802,9	1,12	23,74	130,53	5,50
Хизмат	26 040,8	150 889,8	5,79	5 870,9	6 727,5	1,15	4,43	35,37	7,98
Курилиш	8 245,8	51 129,3	6,20	1 033,7	1 205,5	1,17	7,98	42,41	5,31
Кишишопок, ўрмон ва балик хўжалиги	17 497,9	195 103,7	11,15	3 118,1	3 537,2	1,13	5,61	55,16	9,83

<sup>185</sup> Кўйинлар макалумотлар асосида муаллиф ишламиаси: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўйигидан йирилик статистик тўплами. Тошкент, 2017. – Б. 52, 115, 220. Узбекистон рахаматлари: 2017-2018. Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўйигидан йирилик статистик тўплами. Тошкент, 2019. – Б. 24, 66, 125, 150, 166, 216

3.12-жадвал маълумотларини диаграмма шаклига келтириб, таҳлил килсак фикрларимиз янада аниқлашади (3.2-расм).



**3.2-расм. 2010-2018 йиллар мобайнида қўрсаткичларнинг ўзгариши<sup>186</sup>**

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда иқтисодиётнинг тармоқлари ва соҳалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш учун тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш керак. Бунда мутаносибликни таъминлаб, иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш учун куйидаги йўналишларга зътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда ишлаб чиқаришга, капиталга ва ишчи кучига ҳаражатлар килганда мазкур сарф-харажатларнинг бир-бирига мутаносиб равишда амалга оширилишини таъминлаш;

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқларида жами банд бўлганилар томонидан яратилаётган кўшимча қийматни тармоқнинг йиллик кўшимимча ўсиш суръатларидан юкори бўлишини таъминлаш.

Юкорида санаб ўтилган чора-тадбирларни давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солини механизми орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Натижада иқтисодий ўсиш таъминланниб, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ошади ва инқирозларга қарши кучли ҳимоя механизми яратилади.

### Учинчи боб бўйича хulosалар

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хulosалар олинди:

1. Сўнги йилларда жаҳон иқтисодиётида интеграциялашувининг кучайиши, глобаллашув жараёнининг жадаллашуви ва технологик янгиланишнинг тезлашиши сабабли иқтисодиётнинг циклли

